Мотивацияга нисбатан “паст” даража кўрсаткичининг жадвалдаги ҳолати ЁК (ёш касаначилар) гуруҳи аъзолари учун типик ёндашув эканлигини кўрсатади. Демак, касаначиликда ёш касаначилар учун муваффақиятга эришиш мотивацияси “ўрта” ва “паст” даражада бўлиши улар учун хос экан. Лекин ТК гуруҳи учун муваффақиятга эришиш мотивациясининг “паст” даражаси мутлақо хос эмаслиги (0 %), тажрибали шахсларнинг хато қилиши, ёки ютуқларсиз ишлаши бу инсонларнинг ўзини таъкидлаши, ўз ниятларини рўёбга чиқариши учун халақит бериши билан боғлиқ бўлса керак, деган фикрга олиб келди.

Маълумки шахс хулқидаги ҳаракатлар системаси гоҳида фақат муваффақиятга эришишга эмас, балки кузатилиши мумкин бўлган мағлубиятдан қочиш, яъни муваффақиятсизликдан қочиш мотивациясига таянади.

Касаначилик билан шуғулланувчи аёлларда “Мағлубиятдан қочиш мотивациясини аниқлаш” методикаси (Т.Элерс) орқали тадқиқот натижаларини олишга ҳаракат қилдик. Бу тест бўйича олинган натижалар навбатдаги жадвалда берилган.

2 - жадвал

Касаначи аёлларда мағлубиятдан қочиш мотивациясини намоён бўлиши даражалари (миқдор ва % ҳисобида) n=201

| № | Ора-лиқ баллар | Мотива-цияга нисбатан даражалар | ГУРУҲЛАР | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ОК | ЁК | ГК | ТК |
| 1 | 1-10 | Паст | 3 | 8 | 1 | - |
| | | | 4,9 % | 14,5 % | 1,9 % | |
| 2 | 11-16 | Ўрта | 18 | 27 | 23 | 10 |
| | | | 29,5 % | 49,9 % | 44,2 % | 29,4 % |
| 3 | 17-20 | Юқори | 31 | 16 | 20 | 18 |
| | | | 50,8 % | 29,0 % | 38,4 % | 52,9 % |
| 4 | 21-30 | Ўта юқори | 9 | 3 | 8 | 6 |
| | | | 14,7 % | 5,5 % | 15,3 % | 17,6 % |

Кўриб турганимиздек, мағлубиятдан қочиш мотивациясининг “паст” даражаси синалувчиларнинг кам қисмига хос экан. Бу борада ТКлар учун мотивациянинг бу даражаси умуман қайд этилмаган. ОК, ЁКларда ишни олиб боришда “бизнинг ишимизга эътирозлар йўқ, кимдандир гап эшитмасак бўлди, ишни олиб бораяпмизку, ... ” қабилида ёндашув устувор эканлиги, ютуққа эришишга ишонмасликга ўхшаш ҳолат мавжудлигини ҳам кўрсатади. Касаначиларнинг ТК гуруҳ аъзоларида хато қилиш мутлақо мумкин эмаслиги, бунга ишончлари мустаҳкам эканлигини англашлари хос.

Лекин шунга қарамай, “Юқори”, “Ўрта” даражада мағлубиятдан қочиш истаги ва мотивациясининг барча мотивациялар орасида кўп равишда намоён бўлиши бизни қувонтирди. Касаначи аёлларда мағлубиятдан қочиш мотивациясининг “юқори” даражаси ОК (50,8 %)ларда, ТК (52,9 %) ларда; ЁК (49,9%) ва ГК (44,2%)ларда “ўрта” даражанинг кузатилиши ҳам улар фаолиятининг ўзига хослигини билдирди. Бу эса, фаолиятда мағлубиятдан қочиш истаги ва мотивацияси мавжудлигини, яъни бефарқлик, беписандлик ҳиссига қараганда ҳадиксираш, хавфсираш ва керак бўлса қайғуриш ҳисси юқори ва ўта юқорилигини кўрсатади.

Кўриб турганимиздек, жадвал натижаларида мағлубиятдан қочиш “ўта юқори” даражада ТК – тажрибали касаначиларда, ГК – гуруҳдаги касаначиларда ва ОК – оилавий касаначиларда кузатилмоқда. Бу борада ЁК гуруҳида мазкур даража бошқа тоифа касаначиларга нисбатан камлиги касаначилар билан суҳбат давомида билдирган фикрларини тасдиқлайди. Яъни, ёш касаначилар “касаначилик билан умрбод шуғулланиш ниятлари йўқлиги, агар омад келиб қолса, бошқа иш билан банд бўлишга тайёр эканликлари, ёш бўлиб хато қилиш айб эмаслиги...” каби фикрларни билдирганлар. Мағлубиятдан қочиш мотивациясидаги бу ўта юқори даражанинг ТК, ГК, ОК ларда намоён бўлиши уларнинг хато қилиб қўйишдан чўчишлари, ишни бажаришда масъулият билан қараш лозимлиги, гуруҳ ва оилада уялиб қолмаслик, тажрибасининг юқори эканлигини исботлай олиш каби установкаларини билдиради.

Мағлубиятдан қочиш мотивациясини аниқлаш бўйича олинган натижаларнинг эътиборли томони шундаки, “юқори” даражадаги мотивациялар барча гуруҳ касаначиларига хос эканлиги, шу билан бирга улар орасида ТК, ОК, ГК ларда кўп ифодаланишидир. Бу ҳолат ўз навбатида фаолиятда гуруҳнинг ютуғи ҳамма учун зарур эканлиги, биргаликда ойлик маош олишда бошқалардан ажралиб қолиш ноқулайликни юзага келтириши мумкинлигини англаш, қолаверса, тажрибали ва оилали касаначи аёллар ўз меҳнатларига жиддий ёндашишни ҳохлашларини билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнеснинг касаначилик тури билан шуғулланувчи аёлларнинг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари эмпирик ўрганишда уларнинг фаолиятидаги шахс типлари, мотивациялари, ҳаётий қадриятлари муҳим аҳамиятга эга. Касбий фаолият тоифалари орасида тадбиркорлик типи олинган натижаларда энг юқори кўрсаткичларда ифодаланган. Чунки касаначилик маълум маънода шахсдан топқирликни, ҳаракатчанликни, ташаббускорлик ва тинмай амалий меҳнатни талаб этади. Касаначи аёлларнинг ТК, ОК тоифаларида ютуққа эришиш мотивациялари устунлиги яққол намоён бўлади. Бу ҳолат ўз навбатида тажриба ва оила шароити касаначи аёллар учун энг муҳим омил эканлигини кўрсатади.

**Адабиётлар**


1. Акперов И.Г., Масликова Ж.В. Психология предпринимательства. -М.: «Финансы и статистика», 2003, -С. 544.
2. Белова Е.В. Психологический анализ предпринимательской деятельности//Материалы IX межвузовской студенческой конференции «PR и социальное управление: экономика, политика, культура». – СПб.: СПбУиЭ, 2009, -С. 126-128.
3. Волкова Г.Н., Миль Г.В. Надомный труд: проблемы, пути и формы занятости // Трудовые ресурсы: нестандартные формы занятости. -М.: 1990.
4. Каримова В.М. Ўзбекистонда оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш механизмлари. // Оила: ижтимоий ҳимоя омиллари. Илмий-оммапоб мақолалар тўплами. (Профессор В.М.Каримова таҳрир остида). -Т.: 2007, 118-б.
5. Каримова В.М., Ҳайитов О.Э., Акрамова Ф.А., Лутфуллаева Н.Х. Психология: Нопедагогик ва нопсихологик олий ўқув юрти талабалари учун Дарслик. / Проф. В.М.Каримованинг умумий таҳрири остида. -Т.: ТДИУ, 2010, 328-б.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада касаначи аёллар фаолиятининг мотивацион хусусиятлари, хусусан, кичик бизнеснинг касаначилик тури билан шуғулланувчи аёлларнинг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари эмпирик ўрганишда, уларнинг фаолиятидаги шахс типлари, мотивациялари таҳлил этилган. Респондентлардан олинган сўровнома натижалари Т.Элерснинг “Муваффақиятга эришиш мотивациясини ташхис қилиш” ва “Мағлубиятдан қочиш мотивациясини ташхис қилиш” методикалари асосида таҳлил этилиб ўрганилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье анализируются мотивационные характеристики женщин работающих надому в особенности те которые занимаются частным бизнесом надому, описываются особенности социально-психологические характеристики женщин работающих надому на основе эмпирического исследования, выявляются типы мотиваций на работе. Результаты анкетирования были проанализированы и изучены по методикам Т.Элерса «Диагностика успешной диагностики» и «Диагностика мотивации поражения».

**SUMMARY**

The article analyzes the motivational characteristics of women working at home, in particular, analyzes the features of the socio-psychological characteristics of women working at home based on an empirical study of personality types and motivation in their work. The results of the questionnaire were analyzed and studied according to the methods of T. Elers "Diagnosis of successful diagnosis" and "Diagnosis of motivation for failure."

# FROM THE EXPERIENCE OF USING STRATEGIES FOR DEVELOPING READING SKILL

**T.Eshniyazova** – *assistant teacher*

*Nukus state pedagogical institute named after Ajiniyaz*

**Таянч сўзлар:** ўқиш, мойилликни ривожлантириш, тушуниш, арра усули, гурухда ишлаш, мотивация, жавобгарлик, ўқишдан олдинги сухбат, ўқиш жараёнидаги вазифалар, ўқишдан кейинги ишлар.

**Ключевые слова:** чтение, развитие навыков, понимание, зигзаг, групповая работа, мотивация, ответственность, обсуждение перед чтением, задания во время чтения, виды работы после чтения.

**Key words:** reading, skill development, comprehension, jigsaw, group work motivation, responsibility, pre – reading discussion, while - reading tasks, post – reading activities

According to the Decree of the Cabinet of Ministers №610 "On Measures for further improvement of the quality of teaching foreign languages in educational establishments", adopted onAugust 11 in 2017, from the academic year 2017-2018 there should be developed the mechanism of assessing the foreign language level of learners in all stages of education due to their Listening, Reading, Writing and Speaking skills which are required by the State Educational Standard [1].

A lot of issues need to be investigated in the methodology of teaching foreign languages, especially in our country. One of them, to our mind, is developing learners' reading skills. Theability to read is essential because it is one of the ways in which a language can be learnt.Reading not only improves the ways of thinking but stimulates the development of an inquiring mind.

Reading is directed to understanding written texts. It is a complex activity that involves both perception and thought. Theability to read is essential because it is one of the ways in which a language can be learnt.Readers typically make use of background knowledge, vocabulary, grammatical knowledge, experience with text and other strategies to help them understand written text.The nature of reading is, as *Penny Ur* in her book "A *course in languages Teaching*" about decoding and perceiving letters in order to read and understand words.Moreover, learners also need to understand words in order to understand the meaning of a text.The understanding of the text itself comes from understanding the words that composethe text. [6;138]It is reading that opens the gates of knowledge for us and enriches our experiences.

There are a great number of strategiesin pedagogy that can help to learners enhance their reading skills effectively. Some of them have been suggested below by many famous scholars[2; 3; 5]:

- Previewing: The purpose of this strategy is reviewing titles of given texts, also headline the section, and photo captions to get a sense of the structure and content of a reading selection
- Predicting: The purpose of it is to use knowledge of the subject matter to make predictions about vocabulary and content then to check the learners' comprehension; to use knowledge of the text type and purpose, to make predictions about discourse structure; to use knowledge about the author to make predictions about writing style, vocabulary, and content
- Skimming and scanning mean to use a quick survey of the given text to obtain the main idea, identify the structure of the text, confirm or question predictions
- Guessing from context: using prior knowledge of the subject and the ideas in the text as clues to the meanings of unknown words, instead of stopping to look them up
- Paraphrasing: Is basically the method in which you have to restate the entire document by creating your own version. It is important that you comply with top standards to ensure that your version will be original and flawless. Plagiarism is a common problem and if you want to avoid this, you must be able to effectively adhere to guidelines.

I think, that teachers should help students learn when and how to use reading strategies in their learning situation.When language learners use reading strategies, they find that they can control the reading experience, and they gain confidence in their ability to read in the foreign language.

Foreign Language teachers are often dissatisfied with the situation that students do not quickly accept the strategies they use when reading in their mother tongue to reading in a foreign language. To their points, students think that reading is beginning with the first sentence and read till the end without missing even a single word. The activity I am suggesting to use in reading classes helps students move past this idea and use top-down strategies as they do in their native language.

Teachers should show students how they can adjust their reading behavior to deal with a variety of situations, types of input, and reading purposes. They should help students develop a set of reading strategies and match appropriate strategies to each reading situation.I would like students to work in groups each session, reading aloud to each other, discussing the material, doing question and answer, and so forth. Working in groups provides the much needed interactivity to increase motivation and learning. Students may choose their own groups or be assigned to one group and groups may vary time by time.

The article is devoted to the description of my experience in using jigsaw reading activities with the 1-st yearESP university students.In the presented lesson we followed to the principles of organizing reading classes. As Brown [4:19] suggests, there should be three phases in the teaching of reading. The first phase is *pre – reading discussion,* which involves introducing the title of the text, predicting the content and preparing students for reading. The second phase includes *while - reading tasks*, in which students are provided with a set of instructions to give them a purpose for reading and to serve as guide for them as they read. The third phase includes *post – reading activities* in which students are given opportunity to summarize the story by doing tasks.

My students were provided with a copy of texts appropriate to their age and interests. As a lead – in activity, I elicited their knowledge about famous cities of the world with the help of "Brainstorming activity". In the pre-reading activity, the students were asked several questions about the characteristics and peculiar points of famous cities. Students also spoke about their native cities. This discussion motivated students to read the texts.

The while – reading activity required the students to read the text which was given to their groups. As it was a jigsaw reading activity each group read just one text, four groups read four different texts, (The World's best city, Vancouver, Dubai, Copenhagen). In their "Home groups" students took information, learned new words, discussed facts and opinions and prepared themselves for retelling it to others, who didn't read the text. After reading the text students were regrouped into a new group "Expert group" and they retold their texts to other members of a new group,

as they didn't read them. Students tried their best in order to learn all the information about the topic, by asking additional questions, clarifying facts and in this way develop their analyzing, synthesizing skills. Students were actively engaged into the process, they shared their opinions, listened to others, developed responsibility to their work, respected others' opinions.

In the post – reading step, first I asked the students to return to their "Home groups", then distributed handouts with quizzes and a picture charts and asked students to find the right answer and paint the part of the picture with the same numbers. In planning this kind of work I aimed to know how well students had explained the texts to others, if they had paid attention to every detail, facts and if they were able to give the message, main idea of the text. When reading a text, students should be aware that the details omitted are often as important as those included, since omissions may tell the reader something about an author's bias. Identifying bias in the text should be an essential part of a reading lesson aimed at developing reading skills.

After finishing this activity, the students working in groups, were asked to share their answers and find the exact answer. This kind of task develops students' skill to value the question, find the exact answer and develops their ability to think and react according to the situation. This kind of work makes reading interesting, enjoyable and fruitful.

Jigsaw reading is a useful cooperative learning strategy that engages students and increases their participation and contribution to the learning process. It helps develop a depth of knowledge not possible if the students were to try and learn all of the material on their own. Each student of a "home" group specialise in one aspect of a learning unit. Students meet with members from other groups who are assigned the same aspect, and after mastering the material, return to the "home" group and teach the material to their group members. Each student's part is essential for the completion and full understanding of the final product. It helps develop a depth of knowledge not possible if the students were to try and learn all of the material on their own.

The jigsaw reading method was motivating for my students because this way of reading gave them opportunity to read the written work more attentively as they had to retell them to others. The jigsaw reading develops learners' responsibility for their group mates' knowledge.

My second motivation tool is making students work in groups. Group work motivates learners, because they feel themselves more free among group mates, they have opportunity to say their opinions, they can be listened and responded. Most learners usually suffer of speaking to the whole class, some learners are afraid of teacher-student interaction, the third group of learners do not like of being inattentive to their speech or action. This type of learners like group works, which are very fruitful for them.

**References**

1. The decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan № 610 ,August, 11, 2017"On Measures for further improvement of the quality of teaching foreign languages in educational establishments".

2. Aronson, E. (2000-2008). Jigsaw Classroom: overview of the technique. Retrieved 2008, February 15, from http://www.jigsaw.org/overview.htm

3. Aronson, E., & Goode, E. (1980). Training teachers to implement jigsaw learning: A manual for teachers. In S. Sharan, P. Hare, C. Webb, and R. Hertz-Lazarowitz (Eds.), Cooperation in Education (pp. 47-81). Provo, Utah: Brigham Young University Press.

4. Brown, H.D. 1994. *Teaching by principles: An interactive approach to language pedagogy.* Englewood Cliffs, NJ: Prentice Hall Regents.

5. Clarke J. (1994). Pieces of the puzzle: The jigsaw method. In S.Sharan(Ed).Handbook of cooperative learning methods. Westport CT: Greenwood Press.

6. Penny Ur."A *course in languages Teaching*", Cambridge University Press, 1991.

https://www.teachingenglish.org.uk/article/jigsaw-reading
https://www.teachingenglish.org.uk/article/unsung-heroes
https://www.teachingenglish.org.uk/blogs/rachael-roberts/rachael-roberts-motivating-students-write

**РЕЗЮМЕ**

Мақола инглиз тили дарсларида ўрганувчилар ўқув кўникмаларини ривожлантириш усулларига багишланган. Автор ўзининг дарс жараёнида қўлланиб юрган «арра» усулидан фойдаланиш йўллари билан ўртоқлашган ва бу усулнинг чет тилини ўрганувчиларнинг ёзма матнларни диққат билан ўқишига, уларнинг ўз билимига жавобгарлик билан карашига олиб келадиган фойдали усул эканлигини кўрсатади.

**РЕЗЮМЕ**

Данная статья посвящена описанию методов для развития навыков чтения на занятиях по английскому языку. Автор статьи делится своим опытом использования приёма «зигзаг» для развития навыков чтения и уверяет что, такие виды работ дают обучающимся возможность читать текстывнимательно и развивать ответственность за свои знания.

**SUMMARY**

The article deals with the issues of developing reading skills of language learners in English learning classrooms. The author shares her experience of working with jigsaw reading strategy and evaluates its effectiveness in giving learners opportunity to read texts more attentively, in developing learners' responsibility for their knowledge.

## Методы и приёмы ТРКМЧП при изучении рассказов К.Паустовского «Барсучий нос», «Кот-ворюга» в национальных классах общеобразовательной школы

**Э.Н.Ешниязова** - *кандидат филологических наук*

*Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза*

**Таянч сўзлар**: дарс, адабиёт, интеграция, артпедагогика, метод ва услублар, танқидий фикрлаш, К.Паустовский, миллий синф.

**Ключевые слова**: урок, литература, интеграция, артпедагогика, методы и приёмы, критическое мышление, К.Паустовский, национальный класс.

**Key words:** lesson, literature, integration, art pedagogics, methods and techniques, critical thinking, K.Paustovskiy, national class.

Основной задачей современного образования является подготовка выпускников образовательных учреждений к жизни. Проанализировав систему непрерывного образования можно сделать такой вывод, что наши выпускники получают фундаментальные знания, и не могут применять их в жизни.

Методика преподавания предметов должна быть построена так, чтобы дети могли самостоятельно получать и осваивать знания. Если мы научим детей критическому мышлению в эру интернета, они сами смогут найти ответы на все вопросы и найдут выход из любых жизненных ситуаций.

Литература - благодатная почва для применения технологии развития критического мышления через чтение и письмо, так как на занятиях по литературе мы изучаем художественное произведение. Для технологии развития критического мышления обязательным является текст.

В произведениях русского писателя К.Паустовского описаны очень интересные жизненные факты, рассказы

писателя включены в школьную программу и в 5 классе национальных школ изучаются рассказы «Барсучий нос», «Кот-ворюга».

При изучении данных произведений очень эффективно может быть применена технология развития критического мышления через чтение и письмо.

Самое первое задание - внимательно прочитать рассказ К.Паустовского «Барсучий нос». При изучении рассказа «Барсучий нос» К.Паустовского предлагаем приём «Тонкие и толстые вопросы». Данный приём можно проводить в различной форме, но письменная форма выполнения задания будет способствовать развитию не только устной речи, но и развитию письменной речи ученика.

Задание может быть выполнено индивидуально или в малых группах, в зависимости от подготовки учеников.

Можно составить такие таблицы:

| **Тонкие вопросы** |
|---|
| Вопрос: Какие рыбы ловили герои рассказа? |
| |
| Вопрос: Какие цветы доцветали? |
| |
| Вопрос: Какие новые истории каждый день придумывал мальчик? |
| |
| **Толстые вопросы** |
| Вопрос: Как вы думаете, почему волков беспокоил запах дыма и крики людей? |
| |
| Вопрос: Объясните выражение «В природе есть все лекарства» |
| |
| Вопрос: Объясните смысл данного предложения. Потом он сел и заплакал. |
| |

Данное задание может быть выполнено следующим образом:

| **Тонкие вопросы** |
|---|
| Вопрос: Какие рыбы ловили герои рассказа? |
| Ответ: Там мы ловили разноцветных окуней. |
| Вопрос: Какие цветы доцветали? |
| Ответ: Доцветали кувшинки |
| Вопрос: Какие новые истории каждый день придумывал мальчик? |
| Ответ: то он слышал, как шептались рыбы, то видел, как муравьи устроили себе паром через ручей из сосновой коры и паутины. |
| **Толстые вопросы** |
| Вопрос: Как вы думаете, почему волков беспокоил запах дыма и крики людей? |
| Ответ: Может быть, волки были голодные и они чувствовали, что люди на костре готовили, запах распространялся по всей местности. |
| Вопрос: Объясните выражение «В природе есть все лекарства» |
| Ответ: Действительно, все звери, если у них плохо со здоровьем лечатся разными, природными веществами. |
| Вопрос: Объясните смысл данного предложения: Потом он сел и заплакал. |
| Ответ: Мы думаем, звери тоже чувствуют всё, ему было больно, поэтому барсук заплакал. |

Разница между этими вопросами в том, что на тонкие вопросы ответы можно найти прямо в тексте, а для того чтобы ответить на толстые вопросы ученик должен подумать логически.

Примерно такие тонкие и толстые вопросы могут быть составлены учителем, тем самым ученики будут искать ответы на вопросы и они ещё раз внимательно прочитают рассказ. Кроме того эффективным может быть составление такого рода вопросов самими учениками. При составлении вопросов они глубже будут вникать в суть данного рассказа, кроме этого ученик будет учиться правильно составлять вопросы.

При изучении данного рассказа мы предлагаем такой приём как «Категориальная таблица», при выполнении данного задания ученикам потребуется знание такого школьного предмета как биология.

Данную работу можно выполнять индивидуально или же в малых группах, ученики внимательно читают рассказ и по рассказу в один столбец выписывают названия растений, а во второй столбец названия животных. Данная таблица может выглядеть примерно таким образом.

«Категориальная таблица»

| Растения | Животные |
|---|---|
| кувшинки | волки |
| вереск | барсук |
| сосна | лягушки |

Данный этап можно провести совместно с учителем биологии, то есть, элемент интегрированного урока. Учитель биологии может дать объяснение всем видам растений и животных, рассказать об их особенностях и т.д.

Учитель обязан развивать творческие способности учеников, при изучении данного рассказа можно применить приёмы «артпедагогики», то есть можно дать задание ученикам, чтобы они нарисовали картину по данному рассказу, эта работа может развивать фантазию учеников.

На этапе рефлексии можно провести конкурс «Самое лучшее второе название». Автор дал данному рассказу название «Барсучий нос», предложите своё название. Учащиеся пятого класса могут предложить разнообразные названия, например, «Фантазёр», «Приключения молодого барсука» и т.д.

Второй рассказ К.Паустовского, который изучается в национальных классах общеобразовательной школы «Кот – ворюга».

При изучении рассказа «Кот – ворюга» предлагаем применение метода «Прогнозирование». Для проведения данного приёма учитель должен выбрать ключевые слова, а ученики по данным ключевым словам составить рассказ прогноз, то есть дети фантазируют. Ключевые слова – кот, куры, петух, рыбалка, дом, подвал, милиционер, вор. Далее ученики читают свои рассказы, а потом даётся задание: прочитать и сравнить своё сочинение с рассказом «Кот-ворюга», насколько они были правы.

На этапе «Осмысление» можно использовать приём «Корзина идей, понятий, имён», собрать в корзину, которая была нарисована заранее, имена и клички героев.

В корзину положили такие имена и клички как Ворюга, Рувим, Лёнька, Горлач, Милиционер. Для того чтобы выполнить данное задание ученики ещё раз должны были прочитать рассказ. Таким образом, учитель добивается того, что ученики, выполняя разнообразные задания, несколько раз читают текст. Когда ученик понимает, что учитель будет предлагать разные задания, он будет внимательно читать текст.

На заключительном этапе урока учитель может предложить провести работу по приёму «Микрофон». Каждый ученик должен высказать своё мнение по рассказу. Например, «Путь от ворюги до блюстителя порядка», «Добро порождает добро», «Моё любимое животное» и т.д.

Таким образом, различные методы и приёмы технологии развития критического мышления через чтение и письмо помогают ученику глубже понять суть художественного произведения и способствуют творческому росту ученика.

**Литература**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. -Т.: 2003.
2. Ахмедова Л.Т., Лагай Е.А. Современные технологии преподавания русского языка и литературы. - Т.: 2016.
3. Паустовский К. Избранные произведения в 3 томах. -М.: 1995.
4. Паустовский К. Собрание сочинений в 9 томах. -М.: 1981-1986.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада миллий синфларда рус адабиётини ўқитишнинг долзарб муаммолари кўриб чиқилган. Машхур рус адиби К.Паустовскийнинг ўзбек, қорақалпоқ 5-синфларида «Борсуқ бурни», «Уғри мушук» қиссаларини ўрганиш жараёнида ўқув ва ёзиш орқали ўқувчилар танқидий фикрлашини ривожлантириш технологиясини қўллаш масалалари баён қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются актуальные проблемы методики преподавания русской литературы в национальной школе. Затронуты вопросы применения технологии развития критического мышления через чтение и письмо при изучении рассказов К.Паустовского «Барсучий нос», «Кот-ворюга» в 5 классе общеобразовательной школы.

**SUMMARY**

The article deals with current issues in the methodology of teaching Russian literature in a national school. The questions of the application of the technology for the development of critical thinking through reading and writing when studying the stories of K. Paustovsky "Badger Nose", "Cat-thief" in the 5th grade of a secondary school have been studied.

## КОНТЕКСТЛИ ТАЪЛИМ АСОСИДА МАТЕМАТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**С.А.Эрисбаев –** *ассистент ўқитувчи*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** таълим сифати, математик компетентлик, компетентли ёндашув, контекстли ёндашув, контекстли масалалар.

**Ключевые слова:** математическая компетентность, качество образования, компетентностный подход, контекстный подход, контекстные задачи.

**Key words:** mathematical competence, quality of education, competence-based approach, contextual approach, contextual tasks.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ олий ва ўрта махсус таълим тизимини модернизация қилиш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда узлуксиз таълим ва илм-фан тизимини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли изчил ишлар юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун зарур бўлган шароитларни таъминлашга замин яратди. Шу билан бирга, амалга оширилаётган ишларнинг таҳлили олий таълим тизими олдида турган вазифаларни самарали ташкил қилиш, амалга оширишга тўсқинлик қилаётган айрим муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, ўқув жараёнини замонавий технологиялар асосида ташкил этиш борасида таълим дастурлари мазмуни ва уларни янгилаб бориш суръатлари бугунги кунда изчил ривожланаётган иқтисодиёт тармоқлари ва меҳнат бозорининг ўзгарувчан талабларига тўлақонли жавоб бера олмаслиги ва профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида доимий ишламаганлиги, билими, педагогик кўникмаси ва маҳоратининг пастлиги, инновацион таълим технологияларидан фойдаланмаганлиги битирувчиларнинг буюртмачи (иш берувчи) талабига жавоб бермаслигига олиб келади.

Ҳар қандай мамлакатнинг турмуш даражаси биринчи навбатда иш кучи, техникаси ва технологиясига боғлиқ бўлган юқори малакали меҳнат маҳсулдорлиги билан белгиланади. Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш, 2035 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича вазифаларни самарали ҳал этиши сифат жиҳатдан янги турдаги мутахассисларни талаб қилади. Улар касбий, билимдон, мобил, рақобатбардош, касбий ўсиш ва қарорларни қабул қилишга тайёр, нафақат стандарт, балки режадан ташқари ҳолатларда ҳам қарорларни қабул қилишга тайёр бўлмоғи лозим.

Шундай экан, олий таълим муассасаларининг долзарб муаммоларидан бири биринчи курс талабаларининг билиш даражасининг пастлиги, уларнинг кўпчилиги умумтаълим маҳорати, мустақил иш қобилиятлари, интеллектуал фаолиятни шакллантириш ва коммуникатив маданиятнинг етарли даражада ривожланмаганлигидир. Шунинг учун, бу мақсадга эришиш йўлида қатъиятли шахсни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилувчи уларнинг компотентлигини ошириш, талабаларни уни амалга оширишнинг оқилона ва самарали усулларига ўргатиш муҳимдир.

Талабаларнинг аънанавий таълими бўлғуси мутахассисларни меҳнат бозорининг замонавий талабларига хос таълим сифатини яхшилаш, битирувчилар ўртасида касбий етукликни шакллантириш учун энг самарали технологияларни ишлаб чиқиш масаласини ўз олдига қўяди. Таълим сифатини бошқариш, - дейди Б.А.Таҳохов жуда мураккаб муаммо бўлиб, нафақат якуний натижаларга, балки ўқувчиларнинг малакасини оширишга, шунингдек, исталган натижага эришиш учун "ишлаётган" таълим тизимининг барча элементларига ҳам тааллуқлидир. Таълимнинг сифати шу маънода муайян таълим хизматининг сифати эмас, балки таълим тизимининг ўзига хос хусусияти бўлиб, унинг процессуаллик ва натижавий жиҳатларини, ижтимоий мақсадини ва ижтимоий-маданий маъносини акс эттиради. Замонавий таълим технологияларининг вазифаси – ўқувчига маълум бир мавзуда асосий инвариант қисмини ажиратиш қобилиятини бериш, яъни ўзини-ўзи акс эттирган ва реконструкция қилинганидан кейин уни бошқа йўналишни ўрганишда, ўз-ўзини тарбиялашда янги босқичда қўлланиши мумкин [6].

Белгиланган муаммони ҳал этишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида ўқитишнинг амалий йўналишини мустаҳкамлаш бўлиб, бўлғуси мутахассисларнинг назарий ва амалий машғулотларининг интеграллашувидир. Баъзи таниқли олимлар (А.А.Вербитский, А.В.Райтсев, Б.А.Тахохов,

О.И.Федотова ва б.) фикирича, бў масала булғуси профессионаллик фолиятида олинган назарий билимлар билан табиий боғланишни таъминлашда ўқув жараёнига контекстли ёндашув орқали ҳал қилиниши мумкин.

Математикани ўрганиш жараёнида масала ечиш катта рол ўйнайди. Шу сабабли бу мақолада контекстли мисаллар ёрдамида бўлғуси математика ўқитувчисининг математик компетентлигини шакллантириш масаласини ургандик. Контекстли масаллар бу – муайян ҳақиқий вазиятда юзага келадиган масалалардир. Уларнинг контексти реал ҳаётда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш бўйича билимларни қўллаш ва ривожлантириш учун шароит яратади.

Математик компетентлик тушунчаси турли манбаларда тўрлича кўрсатилади.

Г.Селевконинг сўзларига кўра: "математик компетентлик - бу рақамли маълумотларда рақамлар билан ишлаш қобилиятидир (математик кўникмаларни эгаллаш)" дейилган [4:139].

PISA халқаро дастури учун билим ва кўникмаларни баҳолаш материалларини ишлаб чиқувчи тадқиқотчи - олимлар фикрича, "Математик компетентлик энг кенг тарқалган қобилият ва кўникмалар, шу жумладан, математик фикрлаш, ёзма ва оғзаки математик далиллар, муаммони шакллантириш ва ҳал етиш, математик моделлаштириш, математик тилдан фойдаланиш, замонавий техник воситалар " дейилган [5:132].

Булғуси математика ўқитувчиси профессионал йўналишида турли хил контекстларга эга бўлиши керак: математик мазмундаги контекстлар, математика ўқитиш усулининг умумий ва муайян контекстлари, ўқув ва математик фаолият контекстлари, умумий ва математик маданиятнинг контекстлари ва бошқалар. Ушбу контекстлар педагогик мақсадга, таълим мақсадларига ва таълим ҳолатининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ тузилган ва ташқи методик ҳаракатларга айлантирилган назарий ва эмпирик равишда олинган методологик билим ва кўникмалар билан тўлдирилган ички тузилишлардир. Агар ўқитувчилар тегишли таълим шароитида шакллантирилган ҳар бир профессионал йўналиш контекстида фаолиятнинг барча таркибий қисмларини бирлаштирадиган бўлса, ўйлашни ҳаракатга айлантириши мумкин.

Ўқитувчи бу вазиятни динамикада бўлгани каби, ҳам бутун миқёсда, ҳам алоҳида бўлим миқёсида ва вазиятнинг бошқа субъектлари позициясидан кўра жуда статик деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, худди шу ҳолат даврида ўқитувчи янгиланган маълумотларнинг миқдорини бир неча марта ўзгартириши мумкин, биз ушбу ҳодисани объектни идрок этиш ҳажмидаги ўзгариш деб атаймиз. Ўқитувчи (шахсий ва шахслараро) тан олиш, уни ҳал қилиш ва уни тегишли фаолиятга татбиқ этиш учун "услублар", "мазмун" ёки "вазият" лар ўлчамини ўзгартириш масаласини амалга оширади. Шу билан, математика ўқитувчисининг профессионал контексти деб профессионал йўналишдаги ўқувчиларни математикада ўқитишдаги педагогик фаолиятини ташкил этувчи таркибий қисмлари (мақсадлари, мазмуни, усуллари, ўқитиш усуллари ва шакллари)ни ва ўқитувчининг тажрибасини акс эттирувчи барча контекстларнинг йиғиндисини тушунамиз.

Шундай қилиб, замонавий таълим тизимида булғуси математика ўқитувчиси ўқувчиларни математикага ўргатишга қаратилган педагогик вазиятта контекстда тўғри ишлашга тайёр бўлиши керак.

Ҳар бир контекстли масала бу ўқитувчининг ижодий тасаввурларини ва фанни билишнинг самарасидир. Сизнинг дарсингиз учун худди шундай масалани қандай қилиш керак? Қандай да бир усули ёки алгоритми борми? каби саволларга жавоб тариқасида амалиёт тажрибаси шуни кўрсатадики, контекстли масалаларни ишлаб чиқишда қуйидаги принципларга риоя қилиш керак:

- топшириқ амалий вазият асосида амалга ошириладиди, агар иложи бўлса, ўқитишдаги таниш вазиятлар билан яқин бўлиши керак;
- вазият математика курсининг турли мавзулари ва бўлимларидан (ва бошқа ўқув фанларидан) билим ва кўникмаларнинг кенг кўламли синовини ўтказиш имкониятини таъминлаши керак;
- тавсия этилган масалалар (вазият) доирасида шундай муоммо туғилсинки, натижада математикадан фойдаланишни талаб қилиши керак;
-масала контексти қуйилган масалани ҳал қилиш учун ишлатилиши керак бўлган билим доирасини ва услубини очиқчасига таклиф қилмаслиги керак;
-масала шартига қўйилган муоммо тўғри ечим бўлмаслиги учун зарур бўлмаган маълумотларни ўз ичига олиши мумкин;
-контекстли масалалар турли шакллар(жадваллар, чизмалар, диаграммалар, графикалар, расмлар)да тақдим этилиши мумкин.

Масалалар ва машғулотлар мавзусини тўғри шакллантириш ва танлаш, олинган билим ва кўникмаларни амалий ҳаётда қўллаш имконини бериши учун:

-амалий ҳисоблашлар формулалари даражаларини, илдизларини, логарифмлар ва тригонометрик функцияларни ўз ичига олган бўлиши:
-энг оддий математик моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш;
-ҳақиқий боғлиқлик функцияларидан фойдаланган ҳолда график кўринишда берилганда уларни тавсифлаш ва тадқиқот қилиш;
- геометрик, физик, иқтисодий ва бошқа амалий масалалар, шу жумладан, математик анализ ёрдамида энг катта ва энг кичик қийматларни топиш масалалари;
-статистик характердаги ва диаграммалар, графиклар шаклида тақдим этилган ҳақиқий рақамли маълумотларни таҳлил қилиш;
- ўрганилган формулалар ва жисмларнинг хусусиятларига асосланган содда амалий вазиятларни моделлаштириш; амалий мисолларни ечишда реал объектларнинг узунлигини, майдонларини ва ҳажмларини ҳисоблаш, зарур бўлганда маълумотнома ва ҳисоблаш воситаларини қўллаш керак.

Масалалар янги мавзуни ўрганиш учун ишлатилиши мумкин, чунки ўқувчилар назарий материалларни чуқур ўрганиши учун ҳар қандай математик ҳақиқатни мустақил равишда билишлари керак.

Таълим жараёнида математикадаги барча контекстли масалалар аввалги авлодлар томонидан тўпланган ижтимоий тажрибани, уларнинг асосий элементлари: табиат ва жамият билимлари; ҳаёт ва таълим тажрибаси; дунёга ва бир-бирига бўлган муносабат, таълим нормаларини номоён этади.

Шундай қилиб, педагогика олий талим муассасалари талабаларининг ўқув жараёнида математиканинг контекстли масалалари, фақат уни назарда тутиши учун назарий материал сифатида қўлланилади, балки улар умумий маданий, касбий, профессионал ва касбий-амалий компетенцияларни ва бўлғуси математика ўқитувчиси касбий фаолиятини шакллантириш воситаси сифатида ҳам фойдаланиши мумкин, шу билан бирга фаннинг мавзулари орасидаги ва фанлараро алоқаларни амалга оширишни, муаммоларни келтириб чиқаришни ўрганади.

«Тўғрибурчакли параллелепипед» мавзусига бир нечта контекстли масалалар келтирамиз:

1. Агар синфда 8 та (жавобни 10 гача яхлитланг) ўқувчи бор бўлса, унда мактабнинг математика синфидаги ҳар бир 5-синф ўқувчисига қанча $м^3$ ҳаво тушади. Синфларнинг ўлчамларини ўзингиз белгиланг.

2. Математика хонасини таъмирлаш учун синфнинг деворларини (эшик ва деразалар бундан мустасно) ва

полни бўяшингиз керак, шифтни оқлаш керак. Синф деворининг ва полининг 1 $м^2$ учун 200 грамм ва шифти учун 1 $м^2$ га 150 грамм бўёқ сотиб олишимиз керак. Агар девор ва пол учун ишлатиладиган бўёқ банкасининг массаси 2.8 кг ва шифт учун ишлатиладиган бир пакет бўёқ массаси 10 кг бўлса, унда математика хонасини таъмирлаш учун қанча бўёқ сотиб олишимиз керак бўлади?

3. Спорт залининг ўлчами 2:3:4 нисбатда бўлиб, унинг ҳажми эса 648 $м^3$. Спорт залимизнинг ўлчамларини топинг.

Хулоса қилиб айтганда, математикани ўқитишда контекстли ёндашув концепциясини татбиқ этиш, фан воситаси сифатида, табиатда ва ҳаётда юз берадиган кўп нарсаларни тушунтириш, натижаларга эришиш учун мақсад ва режаларни қўйиш, мавжуд манбалардан фойдаланган ҳолда керакли маълумотларни олиш, ҳақиқат объектларига нисбатан онгли фаолиятни амалга ошириш мумкин.

**Адабиётлар**

1. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 20.04.2017.
2. Вербицкий А.А. Контекстное обучение в компетентностном подходе. //Высшее образование в России. №11, 2006. -С.39-45.
3. Вербицкий А.А. Контекстное обучение в системе подготовки учителя математики. //Высшее образование сегодня. 2007. № 6. -С. 79-83.
4. Селевко Г. Компетентности и их классификация. // Народное образование. 2004, № 4.- С. 138-142.
5. Краснянская К.А. Оценка математической грамотности 15-летних учащихся (PISA-2006). //Школьные технологии. 2008, № 3. - С. 161-171.
6. Амбалова С.А. Формирование профессиональной культуры студентов-будущих преподавателей: Учебно-методическое пособие. -М.: Издательский дом «МПА-Пресс», 2014.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада математик компотентликни контекстли масалаллар асосида шакллантириш йўллари айтилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассматриваются способы формирования математической компетентности на основе контекстного обучения.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of ways of forming mathematical competence on the basis of contextual teaching.

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖИДА ЯНГИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

**Ж.Н.Эшпўлатов** - *ўқитувчи*
**Р.Ю.Мехмонов** – *ўқитувчи*
*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети*

**Таянч сўзлар:** мактабгача таълим тизими, тарбияланувчининг жисмоний ривожи, ахборот-коммуникация технологиялари, мультимедияли тизим.
**Ключевые слова:** дошкольное образование, физическое развитие воспитанника, информационно – коммуникационные технологии, мультимедийная система.
**Key words:** pre-school education, physical development of the pupil, information-communication technologies, multimedia system.

Республикамизда “Мактабгача таълим вазирлиги” нинг ташкил этилиши, фаолият олиб бораётганлиги мактабгача таълим муассасаларида жиддий ислохотлар олиб боришга имкон яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида “Мактабгача таълим вазирлиги” томонидан 20 га яқин учрашувлар ўтказилиб, тажриба алмашувлар амалга оширилди. Илғор Корея тажрибалари муфассал ўрганилди, биргаликда кадрлар тайёрлаш ва илмий изланишлар олиб бориш бўйича келишувларга эришилди [1 ].

Юқорида келтирилган ҳолатлар мактабгача таълим соҳасидаги жиддий ислохотлар амалга оширилишини, яқин келажакда мактабгача таълим соҳасида педагоглар учун максимал қулай шароитлар яратилиши, педагоглар ижтимоий статусининг ошишини, болалар ўзларини намоён қилишлари учун ижодий муҳит яратилиши, хоналарнинг жиҳозланган бўлиши, бой адабиётлар ва ривожлантирувчи ўйинлар ишлаб чиқилиб, таклиф қилиниши каби қатор инновацион ёндашувлар ва жараёнлар амалга оширилишини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича болаларнинг илк ва мактабгача ёшдаги ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари ишлаб чиқилди” ва амалиётга жорий этила бошланди. Ушбу ҳужжатда таъкидланишича, “Давлат талабларининг мақсади-мамлакатда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодийислоҳотларни, ҳорижий мамлакатлар илғор тажрибаси ҳамда илм-фан ютуқлари ва замонавий информацион коммуникатив технологияларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим тизимида маънан мукаммал ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдир”, “Давлат талабларининг вазифалари”дан бири сифатида “таълим-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” белгилаб қўйилган [2].

Ушбу мақоламизда “5-6 ёшдаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг жисмоний юксалишида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммолари ва ечимлари” ҳақида фикр юритамиз.

Олимларнинг таъкидлашларича, муаммонинг тўғри қўйилиши илмий изланишларнинг гарови бўлар экан. У.Р.Эшбининг таъкидлашича “Агар биз муаммони тўла аниқликда шакллантира олсак, у ҳолда биз унинг ечимидан унчалик узоқ эмасмиз” [3].

Фикримизча, мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотлари давомида АКТдан фойдаланиш муаммоларининг кўплаб жихатлари атрофлича ишлаб чиқилмаган ва ундан фойдаланишнинг муфассал методикаси яратилмаган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотлари давомида АКТдан фойдаланиш амалий жиҳатдан йўлга қўйилмаган. Илғор чет эл тажрибалари ўрганилмаган, умумлаштирилмаган, амалий фаолиятга жорий этилмаган. Президентимизнинг таъбири билан айтганда “Велосипедни янгидан кашф этиш шарт эмас, илғор чет эл тажрибаси, масалан, Жанубий Корея тажрибасидан унумли фойдаланиш керак” [1]. Кузатишларимиз ва мактабгача тарбия муассасалардаги аҳволни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, муҳтарам Президентимиз томонидан қўйилган муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун дастлаб мактабгача тарбия муассасаларининг моддий техника баъзасини яхшилаш

зарур. Бундан ташқари мактабгача тарбия муассасаларида (унинг барча типларида), жумладан, болалар боғчаларида қатор муаммолар мавжудлигини қайд этиш керак бўлади. Булар:

- баъзи молиявий-иқтисодий муаммолар;
- мактабгача ёшдаги болалар учун (ўзбек гуруҳларида) компьютердан фойдаланишнинг методлари, психологик-педагогик асослари, ўқувчилар ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тарбияланувчиларнинг соғлигини асраш бўйича меъёрлар ишлаб чиқилмаган;
- АКТдан фойдаланиш бўйича тарбиячиларнинг, хизмат қилувчи ходимларнинг етарли даражада тайёргарликдан ўтмаганлиги;
- компьютер техникаси бўйича техник ходимларнинг ҳозирча (мактабгача таълим муассасаларида) йўқлиги;
- дастурий таъминотнинг, хусусий ҳолда махсус педагогик дастурий воситаларнинг (миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда) мактабгача ёшдаги болалар учун яратилмаганлиги. Шунинг учун истиқболда мактабгача тарбия муассасаларида АКТдан фойдаланиш дастурини ишлаб чиқариш зарурияти мавжудлигини қайд этамиз.

Бу борада қабул қилинадиган давлат қарори (дастури ва чора-табирлар) юқоридаги муаммоларнинг ижобий хал қилинишига ҳизмат қилмоқда. Энг асосий эътиборни мактабгача таълим соҳасида хизмат қилишга тайёрланаётган педагогика ОТМлари талабалари ҳамда мактабгача таълим коллежлари ўқувчиларининг амалий фаолиятларида АКТдан фойдаланиш бўйича тайёргарликларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурияти мавжуд. Қатор хорижий мамлакатлар тажрибалари (АҚШ, Корея, Хитой, Россия ва х.к.) шуни кўрсатадики, айниқса, мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотлари давомида *АКТдан фойдаланиш имкониятлари жуда катта ва истиқболли.*

Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия – бу болаларни ҳаракатга ўргатиш ва уларнинг жисмоний сифатларини тарбиялаш орқали соғлом турмуш тарзи меъёрларини сингдириш демакдир. Мақсад – жисмоний тарбия воситасида болаларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг тўғри жисмоний ривожланишларини ҳамда шахсий хислатларини таркиб топтиришдир, яъни жасоратлилик, қатъиятлилик, ташаббускорлик, топқирлик, иродавийлик, ташкилотчилик, онгли интизомлилик, меҳнатсеварлик, энг муҳими ватанпарварлик каби хислатларини ташкил топтиришдир.

Қатор ривожланган мамлакатлардаги илғор тажриба намуналарини (технологияларни) ўрганиш, таҳлил қилиш асосида, таъкидлаш мумкинки, ижтимоий ривожланишнинг, фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида мактабгача таълим муассасаларида АКТдан фойдаланиш энг истиқболли йўналишлардан биридир, деган хулосани айтишга ҳақлимиз.

Маълум қийинчиликларга қарамасдан мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, педагоглар орасида жисмоний тарбия машғулотларида АКТдан фойдаланиш муаммосига қизиқиш катта. Уларнинг фикрича, машғулотлар давомида АКТдан фойдаланиш жисмоний тарбия соҳасининг мазмуни, методлари ва ташкилий шаклларига жиддий ўзгаришлар киритиш мумкин.

Ўрганилган, таҳлил қилинган манбаларга асосланиб, айтиш мумкинки, мактабгача таълим муассаларида жисмоний тарбия машғулотлари давомида АКТдан фойдаланишларнинг асосий истиқболли йўналишлари қуйидагиларда намоён бўлмоқда. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва педагоглар қуйида келтирилган бандлар бўйича тўла тайёргарликка эга бўлишлари зарур:

- жисмоний тарбиянинг турли бўлимлари бўйича назорат этувчи ва ўз-ўзини назорат қилувчи дастурий воситаларни яратиш ва улардан фойдаланиш;
- мультимедияли тизимлар яратиш;
- маълумотлар баъзасини яратиш ва ундан фойдаланиш;
- психодиагностиканинг автоматлашган методларидан фойдаланиш;
- функционал диагностикани яратиш ва ундан фойдаланиш;
- тарбияланувчиларда потологик ҳолатларни коррекциялашнинг автоматлашган методларидан фойдалана олиш кабилар.

Биз юқорида қайд этганимиздек, компьютерли катта экрандан ўринли ва тўғри фойдаланиш нафақат мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиради, балки уларда *моторикани* шунингдек, кўз анализаторларининг координациясини шакллантиради [4].

Қатор тадқиқодчиларнинг таъкидлашларича, аксарият ота-оналар мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг жисмоний хатти-ҳаракатларни беўхшов, қўпол бажаришларидан шикоят қилишларини таъкидлашади. Шунингдек, улар мураккаброқ жисмоний машқларни қийинчилик билан такрорлашларни қайд этишади. Баъзи болалар хатто 5-6 ёшда ҳам чап ва ўнг тушунчаларини фарқлай олишмайди. Бундай ҳолат болаларнинг ақлий заиф ёки ақлий ривожи кечикканлигини билдирмайди, аммо бундай ҳолат ўз-ўзидан бартараф бўлиб қолади деган фикр ҳам нотўғри. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, бундай камчиликларни бартараф этишда компьютер техникасининг имкониятлари катта.

Ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувларида, микро ва макро муҳитнинг уларга салбий таъсирларини камайтириш гаровидир.

Бунга мисол сифатида баъзи хусусий мактабгача таълим муассасаларида фойдаланилаётган (технология БОС «Дыхание» (БОС-биологической обратной связи) технологиясини келтириш мумкин. Кейинги даврда БОСни қўллаш янгича ривожланишни намоён этмоқда. Бунда айниқса, компьютер воситасида овозли ёки кўргазмали воситалар ёрдамида болалар ўз ҳолатини (жисмоний ҳолатини) ўзи назорат қилиши таъкидланган. БОС ускуналари ёрдамида таянч-ҳаракат аппарати билан боғлиқ касалликларни даволаш, нафас олишни ва юрак қон томир тизимлари фаолиятини мўътадиллаштириш, кўз кўришининг ўткирлигини коррекциялаш мумкин бўлмоқда.

Жисмоний тарбияни амалга оширишда, айниқса, ҳаракатланиш кўникмаларини шакллантиришда БОС технологиясидан самарали фойдаланилаётганлиги ҳақида қатор илмий манбаларнинг маълумотлари мавжуд. Россиялик тадқиқодчи С.Н.Кучкиннинг таъкидлашича БОС методи қуйидагиларни амалга оширишга имкон яратади[4]:

1) боланинг ўз-ўзини бошқариш малакаларини тез ва самарали эгаллашига ёрдам беради;
2) уйқуни яхшилайди, ишчанлик қобилятини оширади, диққатни ва хотиранинг тезкор жамланишига хизмат қилади;
3) сурункали бош оғриғи ва мигрендан халос этади;
4) интеллектуал ва жисмоний фаолиятнинг натижалилигини оширади;
5) ўқиш, билим олишни яхшилайди ижодий қобилиятни ўстиради;
6) кайфиятнинг ўзгаришини назорат қилишни таъминлайди;
7) қатор касалликларда қўлланиладиган дори-

дармонлардан халос этади;

8) болалар ва ўсмирларда диққатни ва гиперактивлик синдромини дори-дармонсиз самарали даволайди.[8]

Санкт-Петербург шаҳридаги “Биосвязь” фирмаси 1996 йили БОС «Дыхание» тренажерни ишлаб чиқиб, истеъмолга таклиф қилган. Юқорида келтирилган «Дыхание» тренажеридан ушбу мақсадда самарали фойдаланиш мумкин.[4]

Албатта, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг жисмоний ривожида ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш учун мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагоглар ва тарбиячилар алоҳида мақсадли махсус тайёргарликдан ўтган бўлишлари зарур.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мактабгача тарбия муассасаларида АКТдан фойдаланиш мақсад эмас, балки 5-6 ёшли мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида ижодий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш воситасидир. Тарбия жараёнида мактабгача таълим муассасаларида тарбия жараёнининг мазмунини ва режасини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Бунда ҳамма учун таниш бўлган бир неча тамойилларга амал қилиш зарур. Булар узлуксизлик, етарлилик, кетма-кетлилик ва баъзи амалий кўникмаларни шакллантириш тамойилларидир. Ушбу мақолада имкониятимиз даражасида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг жисмоний ривожида АКТдан фойдаланишнинг баъзи муаммолари ва ечимлари борасидаги қарашларимизни баён қилишга ҳаракат қилинди.

**Адабиётлар**


1. http://kun.uz/news/2017/11/24/maktabgacha-talim-vazirligida-korea-modeli-elementlari-kullaniladi
2. “Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида”ги ЎзР. Мактабгача таълим вазирининг 18.06.2018 йилдаги 1-мҳ-сонли буйруғи ва унинг иловаси.
3. Шестаков М.П., Анненков К.В., Антохина Е.Т. и др. Современные компьютерные технологии в развитии спортивной науки. // «Теория и практика физической культуры». 1996, № 8.-С. 43-45.
4. Сметанкин А.А. президент Российской Ассоциации БОС, один из создателей технологии БОС. (http://dyhatelnaya.ru/po-smetankinu/dyihanie-po-smetankinu.html). 25.01.2018 да олинган.
5. Компьютеры в обучение. 27:5-19,2010 Copyright © Taylor & Francis Group, LLC ISSN: 0738-0569 print/ 1528-7033 online DOI: 10.1080/ 07380560903536249.
6. Daily Chosun (2002, 1 июнь) Дети детского сада, занимающиеся дополнительным учебным уроком (Ceul, Daily Chosun).



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг жисмоний ривожида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммолари келтирилган ва бугунги кундаги унинг ечимлари кўрсатилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются проблемы использования новых информационных технологий в физическом развитии воспитанников дошкольного образования и предлагаются решения этих проблем.

**RESUME**

The article deals with the problems of using new information technologies in the physical development of preschoolers and the author gives solutions to these problems.


## МУСИҚА ТАЪЛИМИДА ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ


**Ф.Ҳалилов –** *педагогика фанлари доктори, профессор*

*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети*



**Таянч сўзлар:** достончилик, мусиқа, Алпомиш, Халқ оғзаки ижоди, маънавият, қўшиқ, бахши , маданият, адабиёт, ёш авлод.

**Ключевые слова**: профессия сказителя дастанов, музыка, Алпамиш, устное народное творчество, бахшы(сказитель) , песня, культура, способность, литература, молодое поколение.

**Key words**: profession of a bakhshi of dastans, music, to write myth, Alpomish, folklore, bakhshi (singer), song, capability, culture, literature, young generation.


XXI асрнинг интеллектуал салохиятининг юксалишида Узбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947 сонли фармойишида белгиланган чора-тадбирларда миллий маданиятимизни асраб қолиш ва уни ривожлантириш бўйича кўплаб вазифалар белгилаб берилган.

Бугунги кунда жаҳон ҳам жамияти диёримизнинг қадим шарқ маданий цивилизациясининг бешиги бўлиб келганлигини эътироф этмоқда. Диний ва дунёвий илм олишга бебаҳо ҳисса қўшган олиму уламоларимизнинг қолдирган маънавий меросида мусиқа санъатига бағишланган ноёб ва бой илмий рисолалар ҳам мавжудки, бу мусиқа санъати қадимдан халқимизнинг маънавий таянчи бўлиб келганлигидан далолат беради.

Барча миллатлар сингари ўзбек халқи ҳам ўз қадимий тарихи, миллий урф-одатлари, маънавияти ва ўз қадриятларига эга. Ёш авлод тарбияси биринчи навбатда ана шу анъаналарга – боболардан қолган – ёдгорликларга асосланади.

Ҳудудимизда яшаб ижод килган қадимий аждодларимизнинг тарихини баён этувчи бизнинг ота-боболаримиздан бизгача етиб келган машхур китоб “Авесто” да берилган ўгитлар, яъни уша замондаёк айтилган қўшиқлар бу муқаддас тупроқда яшаб ўтган аждодларимиз ҳам мусиқа санъатига қаттиқ меҳр қўйиб келганлигидан дарак беради.

Ўрта асрларда яшаб ижод қилган қомусий алломаларимиз Ал-Хоразмий, Беруний, Ар-Розий, Абу Али ибн Сино, Фаробий, А.Жомий ва бошқаларнинг турли фанларга атаб ёзган қўлёзмалари ичида мусиқага бағишланган кўплаб илмий рисолалар ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудида 4000 дан ортиқ моддий-маънавий обидалар мавжуд бўлиб, улар умумжахон микёсида қадр тоиб, ЮНЕСКО нинг рўйхатига ноёб намуна сифатида киритилган. Бундай тарихий ёдгорликлар халқимизнинг нихоятда бой меросга эга эканлигидан далолат беради. Шундай тарихий ёдгорликлар намунаси аждодларимизнинг теран фикр ва ғояларга бой ҳаёт фалсафаси, ахлоқий тушунчалари ҳозирги кун маънавияти учун ҳам хизмат қила олади.

Халқимизнинг маънавий бисоти ичида мусиқа адабиёт билан бевосита боғланиб кетувчи санъат тури достончилигимизда алоҳида аҳамиятлидир. Достонларда халқимизнинг афсонавий қаҳрамонлари, мардлик, жасурлик, ҳалоллик каби фазилатлари улуғланиб келади. Шундай достонлардан бири бу “Алпомиш” достонидир.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг таъбири билан айтганда: “Халқ оғзаки ижодиётининг ноёб дурдонаси бўлмиш “Алпомиш” достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, аждодлардан ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса “Алпомиш” ана шу

достоннинг шоҳ байти, десак тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини доимо сақлаган эл – юртимизнинг бағри кенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган” [1].

Шу боис “Алпомиш” достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз қўрғонини қўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

Ҳозирги кунда бир неча достончилик мактаблари мавжуд. Хусусан, Самарқанд достончилиги, Қашқадарё-Сурхандарё достончилик мактаблари ва Хоразм достончилик мактаби ҳам мавжуд. Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхандарё воҳаси достончилари бир – бирига яқин услубга эга бўлиб, улар домбира сози билан бўғиқ овозда куйлайдилар. Хоразм достончилари эса оддий ашулачилик йўлида тор чертиб куйлайдилар. Ҳозирги кунда юздан ортиқ достонлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири икки – уч соат давомида ижро этилади. Достончилар бир оз дам олишиб, чой ичиб, томоғларини хўллаб яна куйлашни давом эттирадилар.

“Мазкур достонларнинг ўзига хос ахлоқий восита бўла олишга сабаб уларда инсонларнинг бир-бирларига, яъни дўстнинг – дўстга, ота – онанинг фарзандларига, фарзанднинг ота-она, опа-сингил, ака-ука, қариндош-уруғларга бўлган меҳр туйғулари, душманларига, ғанимларига бўлган нафрати, от-уловга бўлган муҳаббати, садоқати, фидоийлик каби юксак ижобий туйғуларининг қай даражада муқаддас эканлигини достонлар воситасида чуқур илғаб кетиш мумкинлиги асослаб берилган”.

Айни пайтда шуни афсус билан эътироф этиш лозимки, биз авлоддан алводга ўтиб келаётган достонларни, ўқувчи-ёшларимизнинг тарбиясида ўқув юртларида батафсил ўргатиб боролмаяпмиз. Мазкур муаммо кенг миқёсда таҳлил қилиб берилиши лозим бўлган илмий муаммо ҳисобланади [2].

Ёш авлодни маънавий ахлоқий тарбиялашнинг энг асосий мезонларидан бири бу-ўз эътиқоди яъни диний тарбия ҳисобланади. Мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлган “Қуръони Карим” да ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳи алайҳи васаллам номи билан бевосита боғлиқ бўлган “Ҳадиси Шариф” ларнинг ҳар бири инсон учун зарур ва муқаддас бўлган аҳлоқий тушунчалар, аҳлоқий нормалар ҳақида баён қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, намоз ўқилишидан олдин айтиладиган азон ҳам, ўқиладиган суралар ҳам шундай оҳанглар билан куйлашни талаб этадики, уни қиёмига етказиб ўқийдиган муллалар ниҳоятда нафис мусиқий дидга эга бўлиши лозим ва ниҳоятда ширали ва кучли овоз сохиби бўлишлари талаб этилади.

“Ўқувчи ёшларимизни халқимиз яратган достонлар, мусиқа ва қўшиқ ёрдамида ўзбек мусиқасининг бутун ривожланиши тарихи давомида тўплаган барча бойликларни етказиш ва уларнинг онгига сингдириш лозим. Зотан, шу жараёнда миллий асослар ўқувчи ёшларнинг мусиқий қобилиятларини ўстиришда ўзбек адабиёти яхши замин ҳисобланади. Ўзбек мусиқаси ва ўзбек адабиётининг алоқадорлиги фақат мусиқада эмас, балки таълимда ҳам намоён бўлади” [3].

“Мисол қилиб олганимизда, уларнинг мундарижасига “Она ер таронаси”, “Ватаним менинг”, “Учаверинг турналар”, “Она қўллари” каби ўқувчилар учун ёзилган қўшиқларни киритиш мумкин. Таълим беришда ҳар бир мавзунинг мағзини ўқувчиларнинг онгига етказиш маҳорати ўқитувчидан кўп изланишни, кўп мутолаа қилишни талаб қилади. Билими бой бўлган устозгина мавзунинг мағзини ўқувчилар онгига моҳирона етказа олади ва мақсадга эришиш йўлида илғор педагогик иннавацион технологиялардан хам фойдаланилса мақсадга эриша олади деган умиддамиз” [4].

Ўқувчи-ёшларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш масаласини асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, реал ҳаётда унга асос бўла оладиган, ўз таъсирини кўрсата оладиган барча тизим ва омилларни чуқур мушохада қилиб, бунда ўзбек адабиёти ва мусиқанинг ўзаро вобасталигини, ўрнини аниқ белгилаб олишимиз талаб этилади.

**Адабиётлар**

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. -Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Умумий ўрта таълим ДТС ва ўқув дастурлари. -Т.: “Шарқ”, 2009.
3. Мусиқа ва синф дарслиги. -Т.: “Ғ.Ғулом”. 2000.
4. Мусиқа ва синф дарслиги. -Т.: “Ғ.Ғулом”. 2001.
5. Музыка и пение в школе: Сборник статей. -Ростов на Дону: 1994.
6. Халилов Ф.Н. Бўлажак мусика ўқитувчиларининг ижрочилик махоратини оширишнинг дидактик асослари. (Ўқув қўлланма) –Т.: 2003.

**РЕЗЮМЕ**

Мақола ўзбек бадиий адабиёти ва ўзбек мусиқа таълими ўртасидаги азалий муносабатлар ёритилган. Бу муносабатларни юзага чиқаришда достончиликнинг ўрнини аниқлаш масалалари қараб чиқилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье освещаются тесная связь между узбекской художественной литературой и традициями узбекской музыкальной школы. Выявлено место дастанов в осуществлении поставленных задач.

**SUMMARY**

The article contains the information about close connection and relations between Uzbek literature and traditions of Uzbek musical school. There has been determined the place of dastans in the realization of tasks.

## КРЕАТИВЛИКТИҢ ТЕОРИЯЛЫҚ ТӘРЕПТЕН ҮЙРЕНИЛИЎИ

**Г.Худайбергенова** - *таяныш докторант*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар:** креативлик, ижодий қобилият, оригиналлик, дивергент тафаккур, интеллект, тезлик, мослашувчанлик, ўз фаоллиги.

**Ключевые слова**: креативность, творческая способность, оригинальность, дивергентное мышление, интеллект, беглость, гибкость, самоактуализация.

**Key words:** creativity, creative ability, originality, divergent thinking, intellect, fluency, flexibility, self-actualization.

Биз ҳәзирги жасап турған өзгериўшең дүньяда, илим ҳәм техниканың тез пәт пенен раўажланыўы, дүнья жүзлик базар қатнасықларының жедел кешиўи процесинде дөретиўшилик ойлаўға ийе, жүзеге келген ҳәм келиўи мүмкин болған машқалалардың стандарт болмаған шешимлерин көре алатуғын шахсларды жетилистириў - баслы ўазыйпамыз. Креативлик инсанлардың түрлише турмыслық жағдайларында оларды жеңип шығыўға, оларды түсиниўге ҳәм дурыс шешим қабыллаўына жәрдем береди.

Креативликтиң инсан өмириндеги әҳмийетлилиги сонда, ол бизиң өмиримизди және де бай, қызғынлы

ҳәм бахытлы қылыўына жәрдем береди, себеби өмиримиздеги барлық жақсы ҳәм шырайлы нәрселер инсан дөретиўшилигиниң нәтийжеси болып есапланады.

Ҳәр бир инсан белгили дәрежеде дөретиўшилик қәбилетине ийе болып, оны раўажландырыў тәлим ҳәм хызмет процесинде әмелге асырылып, соннан кейин ғана инсан өмиринде оның нәтийжелери көрине баслайды. Креативлик инсанға жаңа нәрселерди жаратыўда, сондай – ақ, белгисиз нәрселерге дус келгенде қорықпастан, олардың шешимин табыў ушын жаңа тәжирийбелердиң пайда болыўына мүмкиншиликлер береди.

Шахстың дөретиўшилик қәбилети алдынғы әсирлерден – ақ, философлар, психологлар ҳәм педагоглардың үйрениў объекти болып келмекте. Шет ел ҳәм жергиликли белгили педагоглар және психологларымыздан Дж.Гильфорд, Е.Торренс, Л.С.Выготский, Д.Б.Богоявленская, Б.М.Теплов, Я.Коменский, А.Макаренко, Д.Ушинскийлер ҳәм жергиликли алымларымыз М.Г.Давлетшин, Б.Қодиров, Э.Ғозиев, З.Т.Нишанова, Ж.Ғ.Йўлдошев, Н.Азизхўжаева, У.Толиповлардың қәбилетлер ҳәм дөретиўшилик қәбилетлер, оны раўажландырыў бойынша илимий изертлеўлер алып барғанын көриўимизге болады.

Дөретиўшилик машқаласы шет ел психологиясында жүдә терең үйренилген болып, бул тийкарынан, ойлаўдың креативлиги сыпатында түсиндириледи.

Креативлик (инглизше «create» - «дөретиў», «жаратыў» деген мәнислерди аңлатады. Бул түсиник 1922 – жылы Д.Симпсон тәрепинен биринши мәрте киритилип, инсанның бир қыйлы пикирлеў қәбилетинен айрылыў қәбилети болып есапланады [2:156].

Дөретиўшилик – инсанның материаллық ҳәм руўхый жемислерин жаратыўға бағдарланған хызмет, онда инсан ойлаўы, қыялы, есте сақлаўы, дыққаты ҳәм ерки актив қатнасып, пүткил билими, тәжирийбеси, қәбилети көринеди.

Сондай – ақ, дөретиўшилик изертлеўшиниң белгили бир жаңалық жаратыўы ушын объектке қаратылған жеке қәбилетинен келип шығатуын билимлер ҳәм эмоционал кеширмелерди көрсетиў процеси сыпатында характерленеди. Шахс дөретиўшилик хызметиниң тийкарын креативлик қурайды. Креативлик инсанның ҳақыйқатлықты билиў ҳәм өзлестириўге бағдарланған саналы, мақсетли хызмети болып, буның нәтийжесинде жаңа, қайталанбас, алдын болмаған материаллық ҳәм руўхый турмысты жаңалаўға қаратылған буйымлар ҳәм басқалар жаратылады.

Креативлик түсинигин алымлар ҳәр тәреплеме үйренип, өз көзқарасларын келтирип өткен.

Американы алым Д.Векслер «Креативлик пикирлеўдиң сондай түри болып, ол шахсқа бир машқала ямаса мәселе бойынша бир ўақыттың өзинде бир неше шешимлер пайда болыўын талап етеди ҳәм шаблонлы, зеригерли пикирлеўден парық қылып, нәрсе ҳәм ҳәдийселер әҳмийетиндеги өзине тәнлик сыпатларын аңлаўға жәрдем береди» - деп түсиник береди [2:78].

Тейлордың көрсетиўинше, XX әсирдиң 60 – жыллары на келип, креативлик түсинигиниң 60 тан артық анықламасы ислеп шығылып болып, олар 6 типке ажыратылған.

1. Гештальтлық тәрип, яғны креативликти бар болған гештальтларды бузып, жақсырағын дүзиўши процесс сыпатында қарайды.

2. Инновациялық тәрип, яғный соңғы нәтийжениң жаңалығы бойынша креативликти баҳалаўға бағдарланған.

3. Эстетикалық ямаса экспрессивлик, дөретиўшиниң өзин - өзи көрсетиўге итибар қаратыўы.

4. Психоаналитикалық, ямаса динамикалық, креативликти «Мен», «Ол», «Идеал Мен» ортасындағы өз – ара мүнәсибетте деп тәриплеўши.

5. Машқалалы, яғный креативликти мәселелерди шешиўдеги бир неше процесс деп түсиндириў, буған Гилфордтың «креативлик – дивергент ойлаў сыпатында» деген анықламасы да усы типке киреди.

6. Жоқарыда келтирилген типлердиң биреўине де кирмейтуғын, соның менен бирге, бир қанша анық болмаған тәриплер [2:157].

Креативлик түсинигин ашып бериўде шет елли психологлар түрлише тәреплерден қарап үйренген.

Биринши бағдарда креативликтиң нәтийжесине қарай, яғный дөретиўшилик нәтийжесиниң саны, сыпаты ҳәм өзгешелигине қарай үйрениледи. Бул бағдардың тәрепдарлары Мак Ферсон, К.Тейлор, Д.Тейлор ҳәм т.б.

Екинши бағдар, креативликти процесс спатында үйренеди. Бул бағдар тийкаршылары А.Торренс, Д.Симпсон, Э.Фромм ҳәм т.б.

Үшинши бағдар, креативликти қәбилетлер сыпатында көрип шығады. Олар креативликти инсанның стереотип ойлаўдан айрықша қәбилети деп есаплайды. Бул бағдардың тәрепдарлары К.Смит ҳәм т.б.

Төртинши бағдар, тәнҳа өзгешеликлерди изертлеўге бағдарланған. Бул бағдардың тәрепдарлары Голдштейн, К.Роджерс, Н. Роджерс, А.Маслау ҳәм т.б. болып, дөретиўшилик процессти шахстың «өзин - өзи көрсетиў» менен байланыстырады.

Джой Гилфорд бириншилерден болып креативликти ойлаў арқалы үйрениў бойынша илимий изертлеўлер алып барған. Оның көрсетиўинше креатив пикирлеў ушын шаблонлы пикирлеў усылынан ўаз кешиў керек.

Гилфорд креативликти үйрениўде өзиниң үлкен үлесин қосты, ол креативликти характерлеўши 16 факторды анықлады. Олардың арасында төмендегилерди креативликтиң тийкарғы параметрлери сыпатында көрсетеди – тезлик (белгили бир ўақыт ишинде жүзеге келетуғын идеялар саны), үйлесимлик (бир пикирден басқасына өтиў қәбилети), оригиналлық (улыўма қабыл қылынғанлардан парық қылатуғын идеяларды ислеп шығыў қәбилети), сондай–ақ, қызығыўшаңлық (басқаларда қызығыўшылық оятпаған машқалаларға жоқары сезгирлик, әҳмийетсизлик (стимуллардан реакциялардың логикалық ғәрезсизлиги).

1967-жылы Гилфорд усы факторларды креативликтиң когнитив тәрепин сәўлелендириўши «дивергент ойлаў» түсинигине бирлестирди.

Гилфорд сыяқлы Тейлор да креативликти бир фактор сыпатында емес, ал ҳәр бири белгили дәрежеде көринетуғын қәбилетлер жыйындысы сыпатында көреди.

Бул дәстүр Торренстиң изертлеўлеринде және де раўажландырылады.

Пол Торренс креативликти «қыйыншылықлар, машқалалар, хабарлардағы кемшиликлерди сезиў, сол кемшиликлердеги гипотезалар структурасы, оларды тексериў ҳәм баҳалаў, қайта қурыў ҳәм де тексериў, сондай – ақ, нәтийжелерди улыўмаластырыў» сыпатында тәриплейди [1:169].

Креативлик моделинде Торренс төмендеги параметрлерди киритти: қолайлылық – тест тапсырмаларын орынлаў тезлиги, үйлесимлилик – объекттиң бир класстан басқасына өтиў саны, оригиналлық – анықлық ҳәм берилген жуўаптың қайталаныўының минимал частотасы сыпатында тәриплейди. Анықлық интеллектуал тестлер менен салыстырыў арқалы баҳаланады. Бул қатнаста баҳалаў нәтийжениң сыпатында емес, ал дөретиўшилик нәтийжелилигин активлестиретуғын өзгешеликлер ҳәм процесслер болып есапланады. Торренс, хәттеки «интеллектуал шегара» теориясын усынады: IQ 120 баллдан пәс болса интеллект ҳәм креативлик бир факторды қурайды, егер IQ 120 дан жоқары болса креа-

тивлик пенен интеллект бир-бирине ғәрезсиз факторларға айланады.

Дж.Гильфордке көре, креативлик дүзилисинде дивергент ойлаў әҳмийетли орын ийелейди.

Дивергент ойлаў (латынша «қозғалыс», «шетлесиў») – бул белгили бир мәселеге инсанның бир қанша шешимлер табыў қәбилети.

Соның менен бирге, Гильфорд креативликтиң 4 бағдарын көрсетип өтеди:

1. Оригиналлық (өзине тәнлик) – күтилмеген реакцияларға ассосацияланыў қәбилети.

2. Семантикалық қәбилет – объекттиң өзгешеликлерин анықлаў ҳәм усы өзгешеликлердиң жаңадан қолланылыўын излеў қәбилети.

3. Образлы ийкемлесиўшең қәбилет – жаңа белгилерди анықлаў ушын форманы өзгертиў қәбилети.

4. Семанетик спонтан лабиллик – күтилмеген жағдайларда идеяларды ислеп шығарыў қәбилети [1:183].

Креативликтиң өзине тән тәрипи Д.Б.Богоявленская тәрепинен усыныс етилген, ол буны «интеллектуал активлилик сыпатында, белгили бир жағдай шегарасынан сыртқа шығыў қәбилети сыпатында» көреди. Сондай – ақ, Дж.Гилфордтың пикирине қосылмаған тәризде, ол «пикирлердиң ҳәр қыйлы бағдарға ҳәрекетлениўи оның кеңлигиниң ҳәрекет емес, бәлким, керисинше, тереңлиги» деп есаплайды.

Д.Б.Богоявленскаяның пикиринше, «дөретиўшилик ойлаў – бул түрлише шараяттағы процесслерде раўажланатуғын логикалық пикирлеў» [3:17].

Педагогикалық ҳәм психологиялық әдебиятларды үйрениў даўамында алымлардың илимий изертлеўлерин анализлей отырып, онда креативлик шахстың дөретиўшилигиниң тийкарын қураўшы түсиник сыпатында үйренилгенлигин көрип өтиўге болады:

- креативлик – қарама – қарсылықлар, машқалалы жағдайларды жоқ етиў имканияты (Г.Альтшуллер, М.Зиновкина);

- креативлик – зийрекликке байланыслы болмаған тәризде, шахстың барлық тараўлардағы активлилиги, дөретиўшилик қәбилети (Н.Дружинин);

- креативлик - өз баҳасына ийе оригинал идеялар жыйындысы (Кен Робинсон);

- креативлик – шахс тәрепинен әмелге асырылатуғын әмелий ҳәрекет болып, ол өзинде белгили жаңалықты сәўлелендириў ҳәм белгили әмелий баҳаға ийе болыўы лазым (Гарднер);

- креативлик белгили тараў бойынша өзлестирилген пухта билимлер менен бирге жоқары дәрежеде әдеттегидей болмаған көнликпелерге де ийе болыў (Эмебайл);

- креативлик – индивидтың жаңа түсиник жаратыў ҳәм жаңа көнликпелер пайда етиў қәбилети, қәсийети (Дж.Гильфорд).

Ҳәзирги күнде де креативлик машқаласы бойынша изертлеў жумыслары ҳәр қыйлы тараўларда кең тәризде үйренилмекте. Әсиресе, креативликтиң жәс өзгешеликлерине тән раўажланыўы бойынша да көплеген изертлеўлер алып барылған ҳәм елеге шекем даўам етпекте, себеби шахстан көп тәреплеме жетискенликти талап ететуғын бүгинги күнде креатив пикирлеў ең әҳмийетли зәрүрлик болып қалмақта.

**Әдебиятлар**


1. Дружинин В.Н. Психология общих способностей. 2-е изд. СПб.:Издательство «Питер», 1999. -С. 368.
2. Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. –СПб.: «Питер», 2009. –С. 433.
3. Захаров О.Г. Определение понятия «креативность» в научной литературе. [Текст] // Аспекты и тенденции педагогической науки: материалы II Междунар.науч.конф. –Санкт- Петербург: 2017. Спб.: Свое издательство. -С.15-17.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада креативлик муаммоси ва унинг чет эл олимлари томонидан ўрганилиши, шахсда креативлик шаклланишига таъсир қилувчи омиллар талқин қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье описывается проблема креативности и её изучение зарубежными учёными, а также факторы, влияющие на формирование личностного творчества.

**SUMMARY**

The author of the article describes the problem of creativity and its study by foreign scientists, as well as the factors affecting the formation of personal creativity.


## «АТОМ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСЫ ӨЗБЕКСТАНДА» ТЕМАСЫН 11-КЛАССТА ОҚЫТЫЎДЫҢ МЕТОДИКАСЫН ЖАРАТЫЎ


**А.Жумамуратов –** *аўыл-хожалық илимлериниң докторы, профессор*

**С.Худайбергенова –** *магистрант*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Ф.Калилаев -** *ассистент оқытыўшы*

*Ал-Хорезми атындағы Ташкент хабар технологиялары университети Нөкис филиалы*



**Таянч сўзлар:** ўқитиш, дарс, таснифлаш, ядро реакцияси, реактор, деутериум, атом электр станцияси, сув, биологик тадбирлар.

**Ключевые слова:** обучение, урок, классификация, ядерная реакция, реактор, дейтерий, атомная электростанция. вода, биологические действия.

**Key words:** training, lesson, classification, nuclear reaction, reactor, deuterium, atomic electrical, power station, water, biological activities


**Сабақтың ўазыйпасы:** Атом реакторының ислеў принципи ҳәм дүзилиси; Шынжырлы ядролық реакцияның айрықша қәсийетлерин қарастырыў, радиоактивлик нурланыўдың биологиялық тәсирин үйрениў;

Таза теманы өтиўде материаллар.

1. Ядролық реактордың дүзилиси(жыллылық ажыратыўшы элементлер, нейтронларды әстелетиўшилер, нейтронларды жутыўшылар, жыллылық тасыўшылар, қорғаўшы қабық).

2. Ядролық реактордың жумысы шынжырлы реакцияны басқарыў жыллылықты қайтарыў ҳәм т.б.).

3. Реакторлардың классификациясы: мақсети бойынша(тәжирийбе өткериўши, илимий жумысларды алып барыўшы, изотоплық, энергетикалық), жанылғы түри бойынша (тәбийий уран, ҳәлсиз байытылған уран, плутоний ҳәм басқалар), жыллылық тасыўшылардың түри бойынша (суў, газ, металл), әстелеткишлер түри бойынша (суў, углерод, бериллий, әстелеткишсиз), көбейтиўши реакторлар.

4. Ядролық реакторлардың қолланыў бағдары ҳәм ядролық энергия: Электр энергиясын алыў, изотопларды алыў, технологиялық қолланыў (жыллылықты ислеп шығарыў, суўды тазалаў ҳәм т.б.).

5. Реакторларда уран ядросының бөлиниўи

$$^{235}_{92}\mathbf{U} + ^{1}_{0}n \rightarrow ^{236}_{92}\mathbf{U} \rightarrow ^{140}_{54}\mathbf{Xe} + ^{96}_{38}\mathbf{Sr}$$

Демек, Уран-235 ядросы менен нейтрон соқлығысқанда уран-236 ядросы пайда болып кейин Хсенон-140 ҳәм Стронций-96 ядролары пайда болады

ҳәм күшли энергия бөлинип шығады. Оқыўшылар бул тема бойынша жазған бағдарламаны төмендеги жуўаплар арқалы шешиўи мүмкин.

6. Радиоактивликтиң ашылыўы. Француз физиги А.Беккерель 1896-жылы уран дузларында люмениценция қубылысын үйрениў барысында әжайып ҳәдийсеге дус келди. Уран дузын фотопластинка үстинде қалдырған Беккерель пластинканы ашқанында пластинкаға дуздың сүўрети өтип қалғанын көрди. Усындай тәжирийбени ҳәр түрли уран дузлары менен бир неше рет тәкирарлаған Беккерель бундай дузлар қағаздан, жуқа металлдан аңсат өтиўши, ҳаўаны йонландырыўшы, люмениценция қубылысын жүзеге келтириўши белгисиз нур муғдары деген жуўапқа келди. Бул нурлар радиоактив нурлар (латынша-radius-нур сөзинен алынған), радиоактив нурларды шығарыў болса радиоактивлик деп аталады. Резерфорд тәжирийбелер жәдеминде радиоактив нурлар биртекли емес, ал бирнеше нурлардан ибарат екенлигин анықлады. 1-Сүўретте электр майданынан өткизилген нур үш α, β, γ нурларға ажыралып кетти. Олардың бириншиси-электронлар ағымы, екиншиси - γ квантлар (фотонлар) ағымы, үшиншиси болса α бөлекшелер ағымы.




1-Сүўрет

Уран радиоактив нур шығаратуғын жалғыз элемент емес, радиоактивликти ҳәр тәреплеме терең үйренген ерли зайыплы Мария ҳәм Пьер Кюрилер уран рудасынан еки радиоактив элемент-полоний (Po) ҳәм радий (Ra) лерди ажыратып алыў бахтына миясар болды. Тәбийий радиоактив элементлер жердиң қәлеген жеринде бар. Ол ҳаўада, суўда, топыракта, тири организмниң клеткаларында, азық-аўқатларда қәлегенинше табылады. Тәбиятта ең көп тарқалған радиоактив изотоплар $^{40}$K, уран ҳәм тори изатоплары болып табылады. Соны айрықша айтып өтиў керек, радиоактивлик изатоптың сап ҳалатта ямаса қандай да бир бирикпе қурамына кириўине, қандай агрегат ҳалатта болыўына пүткиллей байланыслы емес. Соның менен бирге, я басым, я температура, я электр майданы, я магнит майданы тәбийий радиоактивликке тәсир көрсете алмайды. Демек, радиоактивлик ядро ишиндеги процесслерге ғана байланыслы деген жуўмаққа келемиз.

Солай етип, радиоактивлик атом ядросы ҳәм онда болатуғын процесслер ҳаққында мағлыўмат бериўши дереклерден бири болып есапланады.

Радиоактивлик ыдыраў нызамы ядроның радиоактив нур шығарыў менен басқа ядроға айланыўы радиоактив ыдыраў ямаса әпиўайы ғана ыдыраў делинеди. Радиоактив ыдыраған ядро ***ана*** ядро, пайда болған ядро болса ***қыз*** ядро делинеди. Көплеген тәжирийбелердиң көрсетиўинше, қаралып атырған көлемдеги радиоактив атомлар саны ўақыт өтиўи менен кемейип барады. Базы бир элементлерде бул кемейиў минутларда, ҳәттеки, секундлар даўамында жүз берсе, базы биреўлеринде миллиардлап жыллар даўам етеди. Улыўма алғанда, ядроның ыдыраўы тосынанлық қубылысы соның ушын ол ямаса бул ядроның берилген ўақыт аралығында ыдыраўы статистика нызамларына бойсынады. Радиоактив элементтиң тийкарғы характеристикаларынан бири, ҳәр бир атомның бир секунд даўамында ыдыраў итималлығы менен анықланатуғын шама ол λ ҳәриби менен белгиленеди ҳәм радиоактив ыдыраў турақлысы делинеди.

Егер, басланғыш момент t=0 де $N_0$ радиоактивли атом бар болса, t моментте қалған радиоактив атомлар дың саны;

$$N = N_0 e^{-\lambda t}$$

нызамға муўапық анықланады. Егер $t = T_{\frac{1}{2}}$ болса, онда $N = \frac{N_0}{2}$ ҳәм радиоактивли ыдыраў нызамына муўапық;

$$\frac{N_0}{2} = N_0 e^{-\lambda T_{1/2}}$$

Буннан;

$$T_{\frac{1}{2}} = \frac{\ln 2}{\lambda} = \frac{0,693}{\lambda}$$

Түрли изатоплар ушын ярым ыдыраў дәўири жүдә кең интервалда өзгереди.

Бул оқыў басқышы бойынша төмендегилер талқыланады: шынжырлы реакцияны қалай әмелге асырыўға болады?, Әстеленген ҳәм тезлетилген нейтронларда ислеўши реакторлардың бир биринен тийкарғы айырмашылығы неде?, Не ушын тезлетилген нейтронларда ислеўши реакторлар реактор-көбейтиўшилер деп аталады?, Шынжырлы ядролық реакцияларды қалай басқарыўға болады?, Радиоактивлик нурланыўлардың биологиялық тәсири қандай?

1. Нурланыўдың тири организмлерге тәсири: молекулалалардың ионизациясы, усыннан клеткалардың өзгериси–хромосоманың бузылыўы, бөлиниўде бузылыўлардың өзгешеликлери, клеткалардың менбраналарының өтиўшилигиниң бузылыўы ҳәм т.б.

2. Нурланыўдың тәсир етиў характеристикасы: D-нурланыў дозасының жутылыўы, оның бирлиги - 1 Гр (бир грэй). Нурланыўдың жутылған дозасын өлшеў D. Факторлар, нурланыўдың тәсир етиўи бойынша жуўмақ шығарыў: а) қорғаў; б) нурланыў түри, оның энергетикалық спектри, дозасы, тәсир етиў ўақты; в) зәҳәрлениў шегерасы.

3. Нурланыўдың ҳәр қыйлы дозалары ҳәм олардың ақыбетлери. Мысаллар. Солай етип, радиоактив нурланыўдың тәбийий дереклери(космослық нурлары, топырақтың радиоактивлиги, суўдың, адам ҳәм т.б.) жылыны $4 \cdot 10^{-4}$— $20 \cdot 10^{-4}$ Гр ди береди. Бул көпбе ямаса азба? Егер адам қысқа ўақыт ишинде 4—5 Гр доза алса, ол өлимге алып келеди. Сондай доза узақ ўақыт алса, бундай жағдайға алып келмейди. Лондонда, мысалға, тәбийий орталықтан алатуғын нурланыў дозасы бир жылда $7 \cdot 10^{-4}$ Гр этирапында. Медициналық рентген аппаратларынан бир мәрте түскенде шама менен $3 \cdot 10^{-4}$ Гр этирапында, узақ ўақыт самолётта ушқанда - $3 \cdot 10^{-5}$ Гр нурланыў алады.

4. Радиоактив нурланыўдан қорғаныў: радионуклидлерди жоқ етиў, қорғаныў орны, қорғаныўдың жеке қураллары. Профилактика.

5. Қайталаў ушын есап. Ярым ыдыраў дәўири 28 жыл болған Стронций -90 изотопының активлиги 10 мәрте кемейгенде радиоактивлик патасланыў неше жылға кетеди?

Слайдларда реакторда болып өтетуғын ядролық реакцияның болыўы (2-сүўрет) ҳәм атом электр станциясы схемасы (3-сүўрет) берилген. Булар оқыўшыларға теманы түсиндириў мүмкиншилигин береди.




2-сүўрет

Атом электр станциясынын схемасы




3-сүўрет

**Үйге тапсырма:**

1. Өзбекстанда атом электр станциясы қашан қурылады?
2. 10 грамм Уран $_{92}^{235}U$ жанғанда бөлинип шығатуғын энергияны қанша тонна көмир жаққанда береди. Уран ядросы бөлингенде шама менен 200 МэВ энергия бөлинип шығады.
3. Суткасына 200 грамм $_{92}^{235}U$ сарпланғанда егер де, пайдалы жумыс коэффиценти 25% ке тең болғанда атом электр станциясының қуўатлығын анықлаң. Сабақтың соңында атом электр станциясы, радиоактивлик ҳәдийсеси ҳәм ядролық реакция туўралы билимлерди улыўмаластырыў керек.

**Әдебиятлар**


1. Сауров Ю.А. Физика. Поурочная разработка 11 класс. –Москва: «Просвещение», 2017.
2. Сивухин Д.В. Общий курс физики. Ядерная физика. Т.5. –Москва: 2014.
3. Жумамуратов А., Жумамуратов М.А. Атом ядросы ҳәм элементар бөлекшелер физикасы. –Ташкент: 2016.


**РЕЗЮМЕ**

11-синф оқувчиларига «Узбекистонда атом электр станцияси» мавзуйини ўқитиш услубини яратиш. Бу мавзу Өзбекистонда атом электр станцисига мутахассислар таёрлашда катта роль ўйнайди.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящается описанию методической разработки по теме «Атомная электростанция в Узбекистане» для учащихся 11$^{го}$ класса класса. Она содержит ценный материал для подготовки будущих специалистов атомных электростанций.

**SUMMARY**

The article is devoted to the description of methods in teaching the topic  “The atomic electrical power station in Uzbekistan” for the 11 grade learners of general educational schools. In contains the valuble material for training future specialists of atomic electrical power-stations.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ЯНГИ ТАРБИЯНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

**Қ.Қадиров** – *филология фанлари номзоди*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** янги Ўзбекстон, миллий ғоя, узлуксиз маънавий тарбия, концепция, ватанпарварлик, ватанга садоқат, олий таълим, талаба ёшлар, бешта муҳим ташаббус, маънавият асослари.

**Ключевые слова:** Новый Узбекистан, национальная идея, непрерывное духовное образование, концепция, патриотизм, верность Родине, высшее образование, студенческая молодежь, пять важных инициатив, основы духовности.

**Key words:** new Uzbekistan, national idea, continuous spiritual education, concept, patriotism, loyalty to motherland, higher education, student youth, five important initiatives, bases of spirituality.

Ўзбекистон «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» тамойили асосида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Бундай шароитда мамлакатимизда ёшлар тарбиясини замонавий асосда, яъни бугунги куннинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил қилиш, амалга оширилаётган ишларни танқидий кўз билан баҳолаб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, мазкур соҳага инновацион фикрлаш орқали янги механизмларини жорий қилиб, янги босқичга кўтариш вақти келганлигинини даврнинг ўзи тоқозо қилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз қачон қаерга бормасин, ёки қандай масалада маъруза қилмасин, албатта, ёшлар масаласи, уларнинг ғоявий тарбияси ҳамда бугунги ва келажак тақдири хусусида кенг тўхталадилар.

2019 йил 23 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва жамиятда ўқитувчи мавқеини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор мажлисида таълим тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини янгилаш зарурлиги, билим беришда чет елдаги илғор тажрибалардан фойдаланиш, тарбияда эса миллий анъана ва қадриятларга суяниш муҳим эканлиги, шунингдек, мактаблардаги маънавий тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиш мақсадида мавжуд бўлган «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари», «Динлар тарихи» каби фанларнинг ўрнига, умумлашга ҳолда янги «Тарбия» фанини жорий қилиш зарурлигини қайд этган эди.

Шу муносабат билан, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлана баркамол шахс қилиб тарбиялаш, мустақил ҳаёт учун зарур ижтимоий кўникма ва фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантириш мақсадида 2019 йил 31 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 1059-сонли қарори қабул қилинди. Мамлакатимиз томонидан аҳолининг, айниқса ёшлар тарбияси билан боғлиқ вазифаларни тизимли ва самарали ташкил этиш, фарзанд тарбиясида унинг ҳомиладорлик давридан бошлаб 30 ёшгача давом этадиган узлуксиз маънавий тарбия Концепциясининг ишлаб чиқилиши давлатимиз тарихида олдин кузатилмаган муҳим қадамларидан бири сифатида баҳоланиш мумкин.

Концепцияга мувофиқ, тарбияга янгича, тизимли ёндашув, бунда оила, мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқариши ва улар орасида миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар асосида тарбиянинг илмий-методик узвийлигини янги даражага кўтариш назарда тутилган.

Қабул қилинган Концепцияда жамиятимизда ёшлар тарбияси билан боғлиқ бир қатор муаммоларнинг ҳам борлиги таъкидланган, яъни ёшлар онгида Ватанга садоқат, бурч ва масъулият, ташаббускорлик ва бошқа фазилатлар назарий тушунчалар сифатида қолиб кетгани, айирим ўқувчи-ёшларда юксак мақсадларнинг шаклланмаганлиги, ирода, матонат, тиришқоқлик етарли ривожланмаганлиги сабабли таълим сифатига ҳам зарар кўрсатилаётганлиги, маънавий тарбия соҳасида ўқитувчиларнинг фаолиятини методик таъминловчи ўқув материаллари, тарбия соҳасига оид

методик қўлланмалар, зарур дарсликлар етарли эмаслиги ва бошка бир қатор масалалар келтириб ўтилган. Таъкидлаш лозимки, қабул қилинган Концепцияда ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги асосий муҳим вазифалар белгиланган:

- маънавий-аҳлоқий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш;

- тарбиянинг ҳомиладорлик давридан бошлаб, вояга етгунига қадар давом этадиган узлуксизлик тамойилларига асосланган методикасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш;

- бола тарбиясида миллий ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш;

- тарбия соҳасига оид методик қўлланмалар, зарур дарсликларни яратиш;

- тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб бориш [4].

Шунингдек, мазкур Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси қуйидаги тўртта босқичларни қамраб олади:

биринчи босқич - оилаларда (ҳомила даври, бола туғилгандан кейин 3 ёшгача бўлган давр);

иккинчи босқич – мактабгача таълим 1-6 (7) ёшгача бўлган давр;

учинчи босқич – икки босқичли умумий ўрта таълим: *1-босқич* (7 (6) 10 ёш бошланғич синф, *2-босқич* 11-17 (18) ёш);

тўртинчи босқич: ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар ва ОТМ тизимидаги ёшлар қилиб белгиланган [4].

Кўриб турганимиздек, Концепцияда олий таълим тизимига алоҳида вазифалар белгиланган. Бунда Олий таълим тизими ўқув дастурлари, маънавий-маърифий режалари асосида ўқувчи-талабаларнинг ёшига мос таянч маънавий-ахлоқий фазилатлар-Ватанга садоқат, тадбиркорлик, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварликни ривожлантириш масалаларига кенг этибор берилган.

Олий таълим муассасаларида талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида тарбиялашда инобатга олиниши лозим бўлган жиҳатлар қўйидагича белгиланган:

-ижтимоий-гуманитар фанлар, маънавий-маърифий тадбирлар орқали талаба-ёшларда маънавий тарбия индикаторлари ва компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилувчи билим, кўникма ва малакаларни таълим-тарбия мазмунига сингдириш ва уларни алаиётга қўллай олиш имконини берувчи амалий машқ, топшириқ ва педагогик вазиятлар билан бойитиш;

- талаба-ёшларда замонавий билимларни эгаллаш, медиа маданиятни ривожлантириш, илғор педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш, хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларни ўрганишни рағбатлантириш;

-касбий-маънавий кўникмаларни мустаҳкамлаш, ўзини-ўзи тарбиялашга ўргатиш;

-фаол фуқаролик позициясини кучайтириш;

-илмий, маънавий-ахлоқий, сиёсий дунёқараш ва соғлом диний эътиқодни шакллантириш;

-бахтли оилавий ҳаёт, фарзанд тарбияси учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат. Шу билан бирга «Фазилатли авлод» рукнида ўқувчи-талабалар, мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ота-оналар, вазирлик ва идораларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича маъсуллари учун ўқув-қўлланмалар, услубий тавсиялар, маърифий адабиётлар, медиа маҳсулотлар, илмий-методик қўлланмалар яратиш белгиланган.

Энг асосий вазифаларнинг бири олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган тўгараклар фаолиятини «Беш муҳим ташаббус» асосида ривожлантириш ва олий таълим муассасалари мураббийлари, профессор-ўқитувчилари, ёшлар етакчиларини «Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси»ни амалга ошириш мақсадида малакасини ошириш назарда тутилган.

Мамлакатимизда узлуксиз маънавий тарбия Концепциянсини ҳаётга тадбиқ қилиниши натижасида ёшларнинг Ватанга садоқат, меҳр-оқибатлилик, меҳнатсеварлик, мафкуравий иммунитетининг мустаҳкам бўлиши, руҳан ва жисмонан кучли шахс бўлиб камол топиши каби компетенциялари билан мустақил ҳаётга кириб боришлари учун шароитлар яратилади.

Мухтарам Президентимиз 2019 йилнинг 27 декабрь куни ёшлар билан учрашувида бугунги глобаллашув шароитидаги хавф-хатарлар ва мафкуравий хуружлар ҳақида фикр юритар, маърифатпарвар бобомиз Фитратнинг "Бу дунё кураш майдонидир, соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ бу майдон қуролидир", деган сўзларини ёдга олди. Ва ўз фикрини давом эттириб, «Биз янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қурамиз. 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади [5], – деб таъкидлашлари замирида теран маънолар бор, албатта!

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, бугунги глобаллашув жараёнида айрим кабих кучлар томонидан ўзининг стратегик максадларини кўзлаб, ёвуз ният билан амалга оширилаётган бундай ғаразли ишлардан халкимизни, айникса, ёшларимизни огох этиш, миллат ва элатларни бир-бирига карама-карши кўйишга уринишларнинг хакикий маъносини, уларнинг кандай оғир окибатларга олиб келиши мумкинлигини очиб беришда, одамларни хушёр ва сезгир бўлиб яшашга, мусаффо осмонимизни, тинч хаётимизни кўз қорачиғидек асраш ва қадрлашга даъват этишда мазкур Қарор дастурул амал хизмат қилади. Қарор тўлалигича мазмун-моҳияти билан тарбия жараёнининг янгича сифат ва мазмун жиҳатдан ошишига, уларнинг ғоявий тарбиясида йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилишига, хуллас, бугунги ёшларимизнинг эртанги ёрқин келажагига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир.

**Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: "Ўзбекистон", 2008.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимиз ва Олий Мажлиснинг 2019 йилдаги тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича Олий Мажлисга Мурожаатномаси». –Тошкент: 2018 йил, 28 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрь куни «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1069-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашувида қилган маърузасидан.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада Ўзбекистонда янги қабул қилинган «Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси»нинг мазмун моҳияти ва унинг жамиятимиз ривожи ҳамда ёшлар тарбиясидаги ўрни масаласига қаратилган.

**РЕЗЮМЕ**

Данная статья посвящена сути недавно принятой концепции непрерывного духовного образования в Узбекистане и ее роли в развитии нашего общества и воспитании молодежи.

**SUMMARY**

This article focuses on the essence of the recently adopted concept of Continuing Spiritual Education in Uzbekistan and its role in the development of our society and the education of youth.

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЭСТЕТИК ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Г.Т.Куттибекова** - *катта ўқитувчи*
*Жиззах давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** тарбия, ёш авлод, ҳаётий тажриба, нафис санъат, гўзал, табиат, мехнат, эстетик дид, синф жихозлари,гўзал одоб, фикр.

**Ключевые слова:** воспитание, молодое поколение, жизненный опыт, изящный, прекрасный, природа, труд, эстетический вкус, классное оборудование, прекрасное воспитание, мысль.

**Key words**: upbringing, young generation, life experience, nature, exquisite, beautiful, nature, labour aesthetic taste, classroom equipment, appropriate behavior, idea.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини шакллантиришда синф жамоаси етакчи куч сифатида иштирок этиши белгиланган, бу эса қўйилган мақсадга эришишни кафолатлайди.Маълумки, болалар жамоаси катта куч хисобланади, бундан самарали фойдаланиш йўлларини топиш муҳимдир. Маълумки, ўқувчиларининг хилма-хил фаолияти айнан синфда бўлиб ўтади. Бошланғич синфларда ўқувчилар жамоасини тузиш ва уни талаб даражасида жипслаштириш ўқитувчига жуда катта қийинчиликлар туғдиради. Бунинг биринчи сабаби бошланғич синфларда ўқувчилар таркиби мутлоқ янги бўлади. Шунинг учун ҳам янги ўқувчилар таркибидан янги ўқувчилар жамоасини тузишга тўғри келади. Бунда синф раҳбари ўқувчиларга ҳар томонлама нафис, гўзал, эстетик завқ бера оладиган даражада муносабатга киришиши эстетик тарбияни шакллантиришнинг биринчи талаби ҳисобланади. Бир қатор педагогик олимлар (С. Ражабов, А. Мунавваров, Қўзиевлар) жамоатни таркиб топтириш ва жипслаштириш йўлларини кўрсатади.

Айнан шу жамоа таркиби фаолияти замирида, нафосат тарбиясини таркиб топтириш бир қатор қулайликларни яратади. Шунинг учун жамоа тизимига алоҳида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик.




1. Жамоатчилик вазифалари.Биринчи синфдан бошлаб,ҳар бир ўқувчига ўзининг қизиқишига қараб вазифалар юклаш керак. Чунки ўқувчининг зиммасига юклатилган вазифа уларни жипслаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам, синфдаги барча ўқувчиларга жамоавий вазифалар юклатилиши шарт.Улар вазифаларни бажариш жараёнларида гўзал ҳаракатларни бажаришга одатланади. Бу эса ўз ўзидан болаларни меҳнатсеварликка ундайди. Қилинган меҳнат самараси болаларга завқ бериши табиийдир.

2. Синф фаолларини аниқлаш.Синф раҳбари дастлабки кунларданоқ ўқувчиларни жамоат топшириқлари орқали кузатиб бориб, қайси бола нимага қодир эканлигини англаб етади ва шунга мос равишда уларга синф сардори, гуруҳ етакчиси, муҳаррир каби амаллар берилади. Ҳар бир болага юклатилган вазифалар ва уларнинг юки тушунтирилади.Ўқувчиларга доимий равишда бирга ҳаракат қилиш механизми уқтирилиб борилади.Болалар билан биргаликда турли кечалар, тадбирлар ўтказилиши борабарида эстетик тарбия амалга оширилб борилади.

3. Истиқболли режалар тузиш. Истиқболни кўрсатиш – бу болаларда келажакка бўлган иштиёқини ошириш демакдир.Бир жамоа бўлиб истиқболли режалар тузиш, ўқувчиларда умумий завқ–шавқни уйғотади.Булар

- байрамга тайёргарлик;
- қувноқлар ва зукколар;
- баҳор байрами;
- мавсум қўшиқлари;
- сайр-томошаларга чиқиш;
- кино-театрларга жамоа бўлиб бориш;
- буюк сиймолар;
- юртимиз пасбонлари;

Зульфия издошлари;

Сўнгра ўқувчилар олдига унга қараганда мураккаброқ истиқболли вазифалар қўйилади: синф кечасини тайёрлаш, драматик тўгарак ташкил қилиш, олимпиадаларда қатнашиш ва бошқалар.

4. Синф жамоасига ижобий, ижодий ишларни ўргатиш.

Синф жамоасига ижобий, ижодий ишларни ўргатиш доимий равишда ўқувчиларда бунёдкор ғояларнинг туғилишига замин яратади.Болаларда ижтимоий дунёқарашни шакллантиради, урф-одатларга нисбатан ижобий муносабатларни таркиб топтиради, ижтимоий тартиб ва хулқ-атвор дастурларига нафосат одатларини киритади.Қилинадиган ҳар бир ишга ижод нуқтайи назаридан ёндашиш кўникмалари шаклланади.

5. Барчага бирдек талаб қўйиш ва муносабатда бўлиш. Ўқувчиларга ягона бирдек талаблар қўйиш жамоада жипслашувга сабаб бўлади. Ўқувчиларга қўйилган талаблар жавобгарлик муносабатини шаклантиради. Ҳар бир бола ўзаро талабчан ва гўзал муносабатда бўлишга одатланади. Бу эса ўз ўзидан эстетик тарбияни янада юксалтириш кераклигини англатади.

Эстетик тарбия бошланғич синф ўқувчилари учун сув ва ҳаводек зарур. Буни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга муоффиқдир.




1.2.3. - чизма

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини шакллантириш учун биринчи навбатда, иқтисодий вазифаларга эътиборни қаратиш мухим ахамият касб этади. Бунда мактабнинг имкониятлари, синф жихозлари, ўқув адабиётлари, ота – она

томонидан болаларга яратилган шароитлар муҳимлиги билан ажралиб туради.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини шакллантириш учун, иккинчи навбатда, коммуникатив вазифаларга эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда бошланғич синф ўқувчиларининг ўзаро мулоқот ва ўзаро тушунишга бўлган эҳтиёжни қондиришга ҳизмат қиладиган мулоқот маданиятини таркиб топтириш керак.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини шакллантириш учун, учинчи навбатда, таълимий вазифаларга эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда бошланғич синф ўқитувчиси ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришда ўкув фанларини тўлиқ ўзлаштиришига ёрдам бериш жараёнларида уларнинг ҳуснихатига, ўқув қуролларига муносабатига эъбибор бериши шарт.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини шакллантириш учун, тўртинчи навбатда, ривожлантирувчи вазифаларига эътиборни қаратиш ҳам мухим аҳамият касб этади. Бунда бошланғич синф ўқувчиларининг дунёқарашини ўстиришга эътибор берилади. Улар ҳар бир фаннинг мазмун – моҳиятини ўкувчилар онги ва қалбига сингдириш орқали самарадорликка эришиш масаласини қўяди.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини шакллантириш учун, бешинчи навбатда, китобхонлик маданиятини ўстириш вазифаларига эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бошланғич синф укувчиларида нафосат тарбиясини шакллантиришда бадиий адабиётларнинг ўрнини алоҳида кайд қилиш керак бўлади.Чунки бошланғич синф ўқувчиларини гўзал хулқа, гўзал одобга, гўзал фикрга, гўзал муносабатларга ўргатишда бадиий адабиётлардаги образлар, пейзаж, гўзал туйғу ва муносабатлардан фойдаланиш яхши самара беради.

Бошланғич синф ўқитувчисининг ўқувчиларда нафосат тарбиясини шакллантиришда тарбия жараёнини санъат билан боғлаб олиб боришдаги вазифалари. Бошланғич синф ўқитувчиси санъатнинг барча турлари билан яқиндан таниш бўлиши керак. Ана шундагина у ёш авлодга энг нафис туйғуларни сингдириш қобилиятига эга бўлади. Ўқувчиларга:

-бадиий безакларда;
-ранг тасвирда;
-археологик қазилмаларда;
-театрда;
-кинода;
-концертларда;
-бадиий кечаларда;
-бадиий асарларда;
-халқ амалий санъатида сингдириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини шакллантириш учун қадриятларни ўрганиш вазифаларига эътиборни қаратиши ҳам ўз навбатида муҳимлиги билан ажралиб туради. Бошланғич синф ўқитувчисининг ўқувчиларда эстетик тарбиясини шакллантиришда тарбия жараёнини умуминсоний ва миллий кадриятлар билан боғлаб олиб боришдаги вазифаларидан самарали фойдаланиш шарт. Бунда бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларга инсоний фазилатлар туғрисида тушунчалар бериб, уларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириб боради.

Юқорида қайт этилган барча омиллар бошланғич синф ўқувчиларини гўзаллик, нафосат тарбияси билан озиқлантиришда ўзига хос аҳамият касб этади.

Жамиятнинг эстетик маданияти деганда инсоният бутун ривожланиш тарихи жараёнида тўпланган моддий ва маънавий қадриятлари мажмуи тушунилади. Ўқувчи шахсининг эстетик маданияти унинг маданий меросини фаол, ижодий ўзлаштириши натижасида ҳосил бўлади. Шахс эстетик маданиятининг асосий таркибий қисмлари эстетик онг, эҳтиёжлар, муносабатлар ва эстетик фаолиятлардир.

Эстетик онг, эстетик идрок, билим, мулоҳаза, бахс, эстетик идеални қамраб олади.

Этетик эҳтиёжлар ва муносабатлар эса, энг аввало шахснинг эстетик қизиқишлари, диди, эстетик хисси-ётларида ифодаланади.

Эстетик фаолият кўникма, малака, ижодий қобили-ятлар мавжудлиги билан тасвирланади.

Эстетик онг ижтимоий воқелик, табиат, санъат би-лан бевосита мулоқот жараёнида шаклланадиган ғоя-лар, назариялар, қарашлар, бадиий таълим ва тарбия натижасида шаклланади, эстетик онгнинг асосини эсте-тик идрок ташкил қилади.

Эстетик идрок бу атроф воқеликдаги буюмлар, ҳодисаларнинг эстетик моҳиятини бутун таркибий қисмлари билан биргаликда акс эттириш, идрок этилган нарсаларни шахсда мавжуд бўлган ҳиссий ва ақлий нарсаларнинг ўзаро алоқаси билан ифодаланадиган эс-тетик мезонлар билан қиёслаш жараёнидир.

Эстетик идрок гўзаллик билан учрашганда юзага келади ва аниқ мақсадга қаратилганлиги билан изоҳла-нади. Тўлақонли эстетик идрок эстетик тушунчалар ва эстетик мулоҳазаларни шакллантириш билан бирга-ликда содир бўлади.

Эстетик қизиқиш-шахсни эстетик фаолиятига, воқелик ва санъат асарларини эстетик жиҳатдан ифодалашда кўринади. Эстетик қизиқишнинг асосий белгилари ўқувчида эстетик фаолиятга интилиши, ўзи ёқтирган санъат асарларини йиғиб, тўплаб бориши, уларни такрор-такрор ўқиб, идрок этиши, улар ҳақида фикр билдиришга интилиши, бошқаларнинг шу масалага доир фикрини билишга қизиқиш, муайян санъаткор, жанр, йўналиш кабиларни афзал кўришида намоён бўлувчи, танлаш ҳусусиятининг мавжудлиги билан ифодаланади. Масалан: ўқувчилар ўзларини қизиқтирган санъат устасининг расмларини, асарларини тўплайдилар, қайта-қайта ўқиб чиқадилар.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини изчиллик билан давом эттиришда ўқувчининг эстетик маданияти, нафосатлиликни илғай олиши, гўзалликни севиш нафосат тарбиянинг бошқа тарбия ва турлари билан алоқада бўлишини тақозо қилади.

Ўқувчиларда нафислик санъатига нисбатан ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тарбиялаш ҳамда тарбия жараёнида уларни атроф муҳитга гўзал хулқ билан муносабатда бўлишга ўргатиб бориш зарур.

**Адабиётлар**


1. Mavlonova R. va boshqalar «Pedagogika», -Toshkent: 2001. 306-b.
2. Munavvarov A. Oila pedagogikasi. -T.: «O’qituvchi», 1994. 54-b.
3. Hasanboyev J., To’raqulov X., Haydarov M., Hasanboyeva O., Usmonov N. Pedagogika fanidan izohli lug’at. -T.: “Fan va texnologiya”, 2009. 356-357-b.



**РЕЗЮМЕ**

Бугунги кунда ўсиб – улғайиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб шаклантириш муаммоси ҳар доимгиданда долзарб бўлиб турибди. Бунинг сабаби шундан иборатки, ҳар бир онимиз шиддатли оқимлар куршовида ўтмоқда. Бу жараёнда бирон – бир нарсага улгуриб қолиш инсондан билим, кўникма ва малакани талаб қилади. Шуни инобатга олган ҳолда биз бу масала ечимига болаларни ёшлигидан бошлаб ўргатиб боришни мақсадга муоффиқ деб топдик.

**РЕЗЮМЕ**

Воспитание всесторонне развитого молодого поколения является одним из актуальных вопросов сегодняшнего дня. Для восприятия огромного информационного потока от современного человека требуются знание, навыки и квалификация. Принимая это во внимание, мы считаем что необходимо развивать у детей эти качества с раннего возраста.

**SUMMARY**

Education of the highly-develop young generation is one of the actual issues today. Today for the acception of much information stream every one should possess appropriate knowledge, skills and qualification. Taking into account this fact, it's necessary to develop these qualities in children since their earlier age.

# ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ АХБОРОТ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БАЪЗИ БИР УСУЛЛАРИ

**А.Қыдырниязов** – *таянч докторант*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** педагогика, дидактика, информатика ўқитиш методикаси, ахборот саводхонлиги, ахборот компетентлиги, АКТ компетентлиги, таълимни ахборатлаштириш.

**Ключевые слова:** педагогика, дидактика, методика преподавания информатики, информационная грамотность, информационная компетентность, ИКТ-компетентность, информатизация образования.

**Key words:** pedagogy, didactics, methods of teaching Informatics, information literacy, information competence, ICT competence, informatization of education.

Замонавий дунёда билим ва тажрибага асосланган мустақил фикрлаш қобилияти, бу билимларни ҳаёт муаммоларини ҳал қилиш учун қўллаш қобилиятига эга бўлмаган ҳолда, жуда кўп билимларни эгаллашдан, жуда кўп билимга эга бўлишдан кўра қадрланади. Шунинг учун таълим сифати бугунги кунда янги билимларни олиш, уни реал ҳаётга татбиқ этиш, янги билим ва кўникмалар тизимини шакллантириш, шунингдек, мустақил фаолият ва тажриба алмашиш, шу билан бирга замонавий компетенцияга эга (талабларга жавоб берадиган) талабаларнинг шахсий масъулиятига боғлиқ.

Компетенция маълум бир билим ва кўникмалар мажмуи сифатида тушунилади, унда талаба билимга эга бўлиши ва амалий иш тажрибасига эга бўлиши керак.

Ахборот компетентлигини шакллантириш бошланғич мактабдан бошланади. Талабаларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш, уни идентификациялаш, ташкил қилиш, қайта ишлаш, баҳолаш, шунингдек, уни яратиш ва етказиш қобилияти сифатида аниқланади [1].

А.В. Хуторскóй компетентликнингасосий калитларини таъкидлаб ўтди, улар қуйидагилардан иборат: моддий —маънавий, умумий маданий, маърифий, информацион, ахборот, коммуникатив, ижтимоий ва меҳнат, шахсий малакаси ёки шахсий малакасини оширишга қодир [2].

Ҳозирги вақтда технологик инқилобнинг кейинги босқичи – ахборот жамиятининг шаклланиши. Янгиликлар таълим учун янги муаммога айланиб келмоқда – тез ўзгариб бораётган ахборот жамиятида, янги билимлар пайдо бўлиши жараённи жадаллашаётган, янги касбларга доимий эҳтиёж, доимий касбий ривожланиш зарур бўлган дунёда ҳаётга ва фаолиятга тайёрлаш.

Замонавий жамиятда муваффақият қозониш учун талаба ахборот компетентликнинг юқори даражасига эга бўлиши керак.

Талабаларнинг ахборот саводхонлиги – ахборот кўникмаларини ривожлантиришнинг бошланғич даражаси, талабанинг турли фаолиятга ва алоқаларга муваффақиятли кўшилиши учун ахборотни самарали топиш, баҳолаш, улардан фойдаланиш имконини берадиган билимлар, кўникмалар, хулқ – атворининг сифатини ўз ичига олади.

Ахборот компетентлиги ва электрон шаклда ахборот олиш ва репродукцияларни ишлатиш, такрорлаш, такомиллаштириш воситаларини ва усулларини такомиллаштириш сифатида тавсифланади [3].

Тренингга ўтиш учун компетентликни бир фаолият шаклида аниқлаш керак.

Бу ҳолатда, компетентликка эга бўлган номнинг ўзи тегишли ўқитиш усулининг мазмунини белгилайди.

Масалан ахборот компетентлиги:

• ахборотнинг турли манбалар билан ишлаш қобилиятига эгадир: китоблар, дарсликлар, маълумотномалар, атласлар, хариталар, детерминантлар, энциклопедиялар, каталоглар, луғатлар, CD – Rom, Internet;

• таълим вазифаларини ҳал қилиш, уларни ташкил этиш, қайта ишлаш, сақлаш ва етказиш учун зарур бўлган маълумотларни мустақил равишда излаш, ажратиш, тизимлаштириш, таҳлил қилиш ва танлаш;

• ахборот оқимларини бошқаришда, асосий ва зарурий маълумотларни танлаш имконига эга бўлиш; оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган маълумотларни онгли равишда англаб етиш;

• ахборот воситалари: компьютер, телевизор, телефон, мобил телефон, пейджер, факс, модем ва копирайтер кабиларни ишлатиш қобилиятига эга;

• таълим вазифаларини ҳал қилиш учун ахборот ва телекоммуникация технологиялари аудио ва видео ёзувлар, электрон почта, интернетдан фойдаланиш.

Талабаларнинг ахборот кўникмаларининг муҳим таркибий қисми ахборотни бир шаклдан иккинчисига айлантириш ва энг қулай шаклни танлашдир.

Улар матнлар, жадваллар, схемалар, иллюстрациялар бўлиши мумкин.

Буларнинг барчаси, танқидий фикрлашни ривожлантириш муаммосини ҳал қилишни талаб қилади, ушбу технологияда ахборот компетентлигини ривожлантиришга қаратилган методикалар тақдим этилган [4].

График ташкил қилиш усулларидан бири ва ахборотнинг мантиқий – семантик тузилмаси «Б – Б – Б» («Биламан – билишни истайман – билиб олдим) жадвалидир. Шакл қулай, чунки у мавзу мазмунига комплекс ёндашувни таъминлайди.

У ахборот билан ишлашда ишлатилади ва маърузада ишлатилади.

Унинг график шакли танқидий фикрлашни ривожлантириш технологиясига асосланган уч босқични акс эттиради: қийинчилик, тушуниш, кўзда тутилмаган.

Дастурнинг мақсадлари:

1. Ўз билимлари даражасини аниқлашни ўрганиш.
2. Янги ахборот олишга қизиқиш уйғотади.
3. Янги ахборотни ўзининг ғоялари билан қандай боғлашни ўрганади.

1 – қадам: ахборот билан танишишдан олдин талабалар якка ўзи ёки гуруҳда бўлган талабалар «Биламан» ва «билишни истайман» биринчи ва иккинчи устунларни тўлдиришади.

2 – қадам: ахборот билан танишиш ёки ўрганган нарсаларини муҳокама қилиш жараёнида «Билиб олдим» устунини тўлдиришади.

3 – қадам: Хулоса қилиб, график мазмунини таққослаш.

Бундан ташқари, талабаларга яна иккита устун – «ахборот манбалари», «нима қолган бўлса, ошкор қилинмайди» таклиф қилишингиз мумкин.

Ахборот ҳақидаги билимларни умумлаштириш дарсида жадвалнинг талқини қуйидагича қўлланилади:

| | Биламан | Мумкин | Билишни истайман |
|---|---|---|---|
| 1) Ахборот тушунчаси. | | | |
| 2) Ахборот турлари. | | | |
| 3) Ахборотни рақамлар билан ўзгартириш. | | | |
| 4) Ахборотнинг вақтинчалик тушунчаси. | | | |
| 5) Белгиланган ахборотнинг шакли. | | | |
| 6) Бир неча марта ахборотни ўзгартиради. | | | |
| 7) Ахборотлардан фойдаланиш. | | | |

Кластер (барча график схемалар каби) ўрганилаётган мавзунинг намунаси бўлиб, уни «қуш учуш баландлигидан” кўриш имконини беради. Мотивациянинг ортиши, чунки ғояларни идрок қилиш осонроқ. Инсон ҳар доим график тасвирларга муҳтож. Мия моделини эсга олади. Кластер шаклидаги талабалар томонидан тақдим этилган ахборотни унинг ижодий қайта ишлашига ҳисса қўшади, шунинг учун ахборот тушунчаси даражасида ўзлаштиришни таъминлайди. Кластер (бошқа схемалар билан бир қаторда) фикрлашни ривожлантиришга, уни янада мослашишга, стереотиплардан халос бўлишга, догматик фикрлашни танқидий нуқтаи назарга айлантиришга имкон беради.

Кластер иши ўқувчилар томонидан ижобий қабул қилинади ва ўқув материалларини ўзлаштиришнинг юқори даражасини кўрсатади.

«Кластер» сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб cluster – бир гуруҳ, бир қозиқ, бир тўда маъносини билдиради. Кластер мавзунинг калит сўзларини аниқлаш учун тузилган ва тизимлашган шаклда кўп миқдордаги ахборотни тақдим этишнинг график усулидир. Кластер жуда кўп тармоқларга эга бўлиши мумкин,шунинг учун ҳар доим ўртача даражада батафсил маълумотга эга бўлишимиз керак. Кластер калит сўзларни, ахборотнинг субъектлари ўртасидаги мантиқий алоқаларни кўрсатадиган асосий ғояларни ўз ичига олади, бу тасвир бутунлигини ва кўринишини беради.

Кластер қурилиши интернетда маълумот излаш учун фойдаланиш мумкин бўлган калит сўзлар тизимини аниқлашга, шунингдек, талабалар тадқиқотининг асосий йўналишларини аниқлашга, таълим лойиҳалари учун мавзулар танлашга имкон беради.

Кластерларнинг қурилиши талабалар томонидан яратувчилик деб қаралади, бу ерда ўз муаммоларини, ўз нуқтаи назарини, ўзгарувчанлигини, ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи тасдиқлаш воситаси сифатида амалга ошириши мумкин. Ҳар бир талабанинг учта фаолиятида маълумотларниг ички ишлашини таъминлайди. Ушбу омиллар тушуниш ва тушуниш даражасида янги материалларни ўзлаштиришга, таълим – тарбия ва мотивация фаолиятини риволантиришга ёрдам беради. Ва энг асосийси, талабалар амалда мустақил равишда янги билимларни, мустақил ахборотни ўрганиш усулларини, улар келажакда қўллаши мумкин бўлган ва ўз ҳаётлари давомида ўрганишни ёқтирадиган усулни эгаллайдилар. Улар функционал саводхонликни, ахборот ва коммуникатив салоҳиятни шакллантиради.

Ахборотни ижодий қайта ишлашга асосланган юқори таълим технологияси ахборотни қизиқ, тезкор, юқори сифатли ўрганиш имконини беради ва талабаларга қониқиш ҳиссини беради.

Мисол қилиб келтирамиз:

Кластердан фойдаланиб, ахборотнинг шакллари ҳақида айтиб беринг




Шундай қилиб, талабаларнинг ахборотга компетентлигини ривожлантириш, уларнинг шахсиятларини ўрганиш, талабаларнинг билим олиш қобилияти мустаҳкам пойдеворга эга бўлиши, олинган билимлар маълумотидан оқилона фойдаланиш, уларни замонавий жамиятда муваффақиятли ҳаётга тайёрлаш.

**Адабиётлар**

1. Медиа ва ахборот саводхонлиги: моҳият, йўналишлар ва шакллар. -Т.: ЮНЕСКО. 2014.

2. Хуторской А.В. (редактор составитель). Общепредметное содержание образовательных стандартов. Проект “Стандарт общего образования”. - М.: 2002.

3. Педагогические аспекты формирования медийной и информационной грамотности. -М.: 2012. URL: http://iite.unesco.org/pics/publications/ru/files/3214708.pdf (Электронный ресурс).

4. Манихова Ф. Я. Профессиональная компетентность как сущностная характеристика педагогической деятельности учителя начальных классов // Казанский педагогический журнал. 2011. №5. -С. 53-58. URL: http://elibrary.ru/download/50180795.pdf.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган. Таълимни ахборотлаштиришнинг йўналишларидан бири - талабаларнинг ахборот компетентлигини риожлантиришдан иборат. Тадқиқотларга қарамасдан, амалиёт шуни кўрсатадики, талабаларнинг ахборот компетентлигини риожлантириш муаммолари ҳал қилинмай қолмоқда. Муаллифнинг фикрича, талабаларнинг билим олиш қобилияти мустаҳкам пойдеворга эга бўлсагина олинган билимлар маълумотидан оқилона фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши мумкин.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются вопросы информационной компетентности студентов. Одним из направлений информатизации образования является информирование студентов об информационной компетентности. Несмотря на проведённые исследования, практика показывает, что проблема информационной компетентности студентов остаётся нерешённой. По мнению автора, способность учащихся к обучению может иметь прочную основу, а способность использовать полученные знания может использоваться с умом.

**SUMMARY**

The article deals with the issues of students' information competence. One of the directions of informatization of education is informing students about information competence. Despite the research, the practice shows that the problem of students' information competence remains unsolved. According to the author, the ability of students to learn can have a solid foundation, and the ability to use this knowledge can be used wisely.

# НУТҚ ФАОЛИЯТИ ТУРЛАРИНИНГ ТУРЛИ ФАНЛАРДАГИ ТАДҚИҚИ

**Б.Х.Махсудова** - *ўқитувчи*
*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети*

**Таянч сўзлар**: нутқ фаолияти, тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув тасниф, тавсиф, матн, чет тил, ўргатиш.
**Ключевые слова**: речевая деятельность, прослушивание, говорение, чтение, письмо, классификация, характеристика, текст, иностранный язык, обучение.
**Key words**: speech activity, listening, speaking, reading, writing, classification, characteristics, text, foreign language, teaching.

Маълумки, нутқ фаолияти мураккаб ҳодиса бўлиб, у кўпгина фанларда тадқиқ этилади. Бу фанларга лингвистика, чет тил ўқитиш методикаси, психология, физиология ва психолингвистика ва бошқа фанларни киритиш мумкин. Хусусан, чет тил ўқитиш методикасида нутқ фаолияти турлари ўз ўрнига эга бўлиб, улар вербал мулоқот жараёнида инсонларнинг ўзаро фаолият юритиш шакли ҳисобланади.

Ҳозирги кунда нутқ фаолияти турларининг ўрганилишига доир кўпгина илмий ишлар мавжуд бўлиб, қуйидаги муаллифлар мавзу юзасидан илмий изланишлар олиб борган: В.А.Артемов, Б.В.Беляев, Л.С.Выготский, И.А.Зимняя, Н.И.Гез, З.И.Клычникова, Г.В.Рогова, А.П.Соколов, Е.И.Пассов, А.А.Леонтьев, М.В.Ляховицкий, А.А.Миролюбов, С.К.Фоломкина, Р.М.Фрумкина, С.Ф.Шатилов, В.Глухов, В.Ковшиков, Э.Г.Азимов, А.Н.Щукин.

Аслида нутқ фаолияти мураккаб ҳодиса ва умуман олганда у тил тизими тушунчаси, нутқий мулоқот ва инсон фаолияти билан боғлиқ бўлади. Чет тил ўқитиш методикаси тарихидан маълумки, ўтган асрнинг 90-йилларигача асосан тил тизимига катта эътибор берилар эди, яъни тил асосан грамматик ва фонетик сотҳларда ўргатилар эди. Бу эса кўп ҳолатларда ижобий натижага олиб келмас эди. Натижада мулоқот қилишга таяниб ўргатиш методикаси пайдо бўлди. Бу методика ўзини беъмалол оқлади десак, хато бўлмайди. Бунинг яққол исботи сифатида 2001 йилда Европа Кенгашининг “Чет тилни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш”[4]. тўғрисидаги ҳужжатини келтириб ўтиш мумкин. Мазкур ҳужжатнинг мазмуни Олий ва ўрта махсус таълим тизимига, яъни Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига татбиқ этилди.

Бу хужжатнинг замирида ҳам нутқий мулоқот ётади. Бу тушунча аслида мулоқотдошларни бир-бирига жавоб беришга ундаш асосий мақсад ҳисобланади. Яъни ўзга нутқни тинглаб тушуниш натижасида гапириш нутқ фаолияти ёрдамида жавоб бериш, ёки бўлмаса ўрганилаётган тилга оид матнни ўқиш орқали унга муносабат билдириш, яъни ёзиш малакасини ривожлантириш мумкин.

И.А.Зимняянинг “Чет тилда гапиришга ўргатишнинг психологик жиҳатлари” номли китобида нутқ фаолиятига шундай тавсиф беради: Фаол, мақсадли, тил тизимининг воситачилиги ва мулоқот жараёни, хабарларни жўнатиш ва қабул қилиш жараёнини ўзида мужассам этади [2:70]. Шунингдек, бу термин фикрни сўзлар орқали рўёбга чиқариш жараёнини мужассамлаштиради. Шунингдек, илмий абадиётларнинг таҳлили натижасида нутқ фаолияти турли талқин этилиши кузатилди. Бундай талқинга эгалиги мазкур термин юқорида санаб ўтилган фанларда тадқиқот объекти сифатида ўрганилишидан далолат беради.

Агарда тилнинг функциясига эътиборни қаратадиган бўлсак, олимларнинг фикрига кўра, тил нафақат мулоқот воситаси, балки чет тил ўрганувчиларни бошқа халқларнинг қадриятлари билан таништирувчи ва ўзга маданиятни тушуниш учун асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Агарда нутқ фаолият турларини чет тил ўқитиш методикаси нуқтаи назаридан кўриб чиқадиган бўлсак, ушбу фанда асосан қуйидаги тўртлик асосида, *биринчидан*, чет тил нима учун ўрганилади, яъни таълим беришдан асосий мақсади, *иккинчидан*, нимани, яъни таълим мазмунидан келиб чиқиб, учинчидан, қандай қилиб, яъни таълим методи ва принципларидан келиб чиқиб, ва ниҳоят *тўртинчидан*, кимга, яъни таълим олувчига ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ҳар қандай мулоқот жараёнида гапирувчи ёки ёзувчи, эшитувчи ёки ўқувчи мавжуд бўлади, шу асосда нутқ фаолиятини рецептив, (тинглаб тушуниш, ўқиш) ва продуктив, (гапириш ва ёзиш) турларига бўлинади. Рецептив нутқ фаолияти турларида маълумотни қабул қилишдан иборат бўлса, продуктив нутқ фаолиятида эса маълумотни жўнатиш билан боғлиқ жараён кечади. Шунингдек, бу тўрттала нутқ фаолиятидан ташқари Ғарб тилларида таржима ҳам нутқ фаолиятининг бешинчи тури сифатида эътироф этилган. Руҳшуносликда эса “фикрлаш” олтинчи нутқ фаолият деб қабул қилинган. Чунки тил бирликлари сезгилар билан бир қаторда хотира ва тафаккур билан ўзаро боғлиқ бўлади.

Чет тил ўқитиш методикасида нутқ фаолият турлари Л.В.Щербанинг таснифи ҳам эътиборлидир, биринчиси, продуктив, яъни маълумотни етказиш орқали – гапириш ва ёзув орқали ва иккинчиси, рецептив, яъни маълумотларни қабул қилишга мўлжалланган – тинглаб тушуниш ва ўқишни ўз ичига олади. Бу нутқ фаолият турлари методист олим томонидан асосий деб эътироф этилади. Шунингдек, асосий нутқ фаолият турлари билан бирга Л.В.Щербанинг ёрдамчиларини ҳам санаб ўтади, яъни бу турга илгари идрок этилган матннинг оғзаки тарзда қайта яратиш, таржима, маърузаларни конспектлаштириш [3:45].

Бу борада Г.В.Рогованинг фикри биз учун муҳимдир: “Нутқ фаолият турларига алоҳида-алоҳида ўргатиш хато эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, метадист олиманинг эътироф этишича, мисол учун ўқишга ўргатишга бир вақтнинг ўзида тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзув кўникмаларини шакллантириш мумкин” [3:144].

Кўзатишлар шуни кўрсатдики, нутқ фаолият турларини деярли барча фанларда қўллаш мукин. Демак, нутқ фаолиятининг қўлланиш соҳаси деярли барча фанларни қамраб олади, десак хато бўлмайди. Уларнинг баъзиларида восита вазифасини ўтаса, бошқаларида эса мақсад вазифасини ўтайди. Мисол учун аниқ фанларда, физика, химия, математикада ўқиш ва ёзув нутқ фаолияти турлари восита вазифасини бажариб келади, яъни турли мазмундаги тадқиқотлар ўтказилади ва қайд этилади. Филологик фанларда эса улар мақсад вазифасини ўтайди, адабаётшуносликда бирон-бир асар ёки бўлмаса шеър ёзиш ёки бўлмаса инсонни комилликка етаклашдаги ўқишнинг ўрни, уларнинг мақсад мақомидан далолат беради. Умуман олганда, нутқ фаолият турларини бирини иккинчисидан алоҳида ҳолда ўрганиш таълим жараёнида ўзини оқламайди.

Ўқиш нутқ фаолият турига эътиборни қаратадиган бўлсак, у инсон тафаккурининг шаклланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бу нутқ малакасини ривожлантиришда бир вақтнинг ўзида тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзувга ўргатиш учун асосни яратамиз. Яъни чет тил мисолида оладиган бўлсак, биринчи навбатда ўқиш орқали имло, талаффуз билан қоидалар ўргатилади.

Ҳозирги кунга келиб ўқишнинг 50дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, уларни ўргатишда, ҳар бирининг ўз

мақсади бўлади. Тарихдан маълумки, ўқиш нукт фаолияти оғзаки нутқдан сўнг вужудга келган. Шундай бўлсада инсонни комилликка олиб боришда унинг ўрни кун сайин ортиб бормоқда. Чунки оммавий ахборот воситаларини кенг оммага етказишда асосан маълумот ўқиш орқали етказилмоқда. Буларнинг барчасида маълумотлар, бирон-бир илмий ёки бадиий асарни ўқиш орқали қандай натижа беришини муҳим деб ҳисоблаймиз. Яъни ўқиб чиқилган матндаги маълумот инсонга қандай таъсир қилади ва унинг кейинги фаолияти қандай туртки беради каби саволлар биз олимлар, тилшунослар педагоглар олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Агарда чет тил ўқитиш жараёни билан боғлайдиган бўлсак, таълим олувчиларга тил ўргатишга бўлган қизиқишларини орттиришда биз қандай матн танлашимиз керак ва у аудиторияга ижобий ёки бўлмаса салбий таъсир кўрсатадими, талабалар учун қизиқарли ёки зерикарли бўладими ҳамда асосий хусусиятлардан бири таҳлил учун танланган матн инсон руҳиятига қандай таъсир қилиши ва унинг ижобий ва салбий оқибатлари нималардан иборат, деган савол ҳозирги кунда нафақат чет тил ўқитиш методикасида, балки барча гуманитар соҳаларда ҳали ҳам ўз ечимини топгани йуқ.

Чет тил машғулотларида турли маданият вакиллари билан мулоқот қилишни ўрганиш, ушбу маданиятга хос урф-одатлар, қадриятлар ва асрлар давомида ёзиб қолдирилган бадиий адабиётни ўрганиш, шу тилни яхши тушунишга олиб келади. Таълим олувчиларда бу тушунчаларни шакллантириш натижасида уларни халқаро майдонда мувафаққиятли фаолият олиб боришларига замин яратади. Албатта биз чет тилни ўрганиш орқали ўзга халқ дини ёки бўлмаса бирон-бир ҳалқнинг салбий томонларини тарғиб қилиш фикридан йироқмиз. Чунки хорижий тилни ўрганиш орқали инсон ўз тилини ҳам мунтазам бойитиб боради, яъни бир тушунча билан боғлиқ ассоциациялар доираси кенгайиб боради. Бундай ҳолатда "ўрганувчи ўқиш" тури, яъни таҳлилга тортилган матн мазмунини тўлақонли идрок қилиш назарда тутилади. Шунингдек, матнни ўқиш жараёнида таълим олувчи икки маданиятни қиёсий тадқиқ этишда асосан маълум бир маданиятнинг турмуш тарзи ва маданиятлараро ўхшаш ва фарқли тарафларни излаш ётади. Бу каби хусусиятларни билмаслик мулоқот жараёнида тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқиш нутқ фаолият тури чет тил ўқитиш методикасида катта аҳамиятга эга бўлиб, уларни доимо муштаракликда ўргатиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ўрганилаётган тилдаги матнни ўқиш ёки бўлмаса аудио ёзувни тинглаб тушуниш ва уларни идрок этиш натижасида янги матн яратиш (ёзув нутқ фаолияти асосида) жараёнида таълим олувчилар лингвистик ва коммуникатив компетенцияларини ривожлантириш билан бирга, нутқ фаолият турларининг умумтаълимий ва ривожлантирувчи таъсирини оширади, яъни инсонни комилллик сари етакловчи омил бўлиб хизмат қилади, десак хато бўлмайди.

**Адабиётлар**


1. Зимняя И.А. Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. -М.: «Просвещение», 1985, -С.160.
2. Методика обучения иностранным языкам в средней школе Рогова Г.В., Рабинович Ф.М., Сахарова Т.Х. -М.: "Просвещение", 1991, -С.287.
3. Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. -Ленинград: "Наука", 1974, -С.426.
4. Gemeinsamer europäischer Referenzrahmen für Sprachen: lernen, lehren, beurteilen. -Berlin München: Langenscheidt KG, 2001. -P. 244.



**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақола нутқ фаолияти турларининг турли фанларда ўрганилишига бағишланган. Муаллиф нутқ фаолияти турларининг кўпгина олимлар томонидан таклиф этилган тасниф ва тавсифларини ўрганиб чиқади.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящена изучению видов речевой деятельности в различных науках. Автор даёт характеристику и классификацию видов речевой деятельности, предложенную большинством учёных.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of kinds of speech activity as in various filds of sciences. The author gives characteristics and classification of speech activity proposed by the majority of scientists.


## КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ


**Г.Ш.Мамутова** - *ассистент ўқитувчи*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар:** бўлажак математика ўқитувчиси, компетенциявий ёндашув, дидактик ўйинлар.

**Ключевые слова:** будущий учитель математики, компетентностный подход, дидактические игры.

**Key words:** future teacher of Mathematics, competence-based approach, didactic games.


Замонавий таълим тизимида компетенциявий ёндашув таълимнинг сифатини таъминлайди. Турли компетенция (коммуникатив; ахборот билан ишлаш; таълим олувчиларнинг шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириши; ижтимоий фаол фуқаролик; умуммаданий; математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш)ларни ўзлаштириш таълим жараёнининг асосий мақсади ва натижаси ҳисобланади. Аслида, таълим сифатини бошқариш, шу жумладан, ўқув жараёнида таълим олиш натижалари сифатида ўзлаштирилиши зарур компетенцияларни аниқлаш билан бошланади. Замонавий таълим соҳасида компетенциявий моделни қўллаш таълим жараёнини ташкил этиш, уни бошқариш, ўқитувчилар фаолиятида ўқув жараёнининг натижаларига кўра билимларни ўзлаштириш концепциясига асосан таълим олувчиларнинг таълим натижаларини баҳолашда принципиал ўзгаришларни назарда тутади. Асосий мақсад – бу маълумотлар ҳажмини ўзлаштириш эмас, балки уларга ўзларининг мақсадларини аниқлаш, қарор қабул қилишда, одатий ва ностандарт ҳолларда ҳаракат қилиш имконини берадиган кўникмаларга ўргатишдир.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарорининг қабул қилиниши мазкур масалага давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганганидан далолат беради [1:15].

В.В.Нестеров, А.С.Белкинлар «Компетенция таълим жараёнида самарали фаолият учун зарурий шарт-шароит яратувчи касбий ваколат, функциялар, компетентликни эса компетенцияни самарали амалга оширишни таъминловчи касбий ва шахсий сифатлар мажмуаси», - деб таърифлаган [2:186].

Бўлажак математика ўқитувчиларини тайёрлаш жа-

раёнида ахборот билан ишлаш компетенцияларини шакллантириш учун мультимедияли воситалардан кенг фойдаланмоқ мақсадга мувофиқдир. Мультимедиали дарсда таълим жараёнига компетенциявий ёндашув асосида таълимий мақсадларга эришиш кафолатланади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ҳар бир талаба умумкасбий ва ихтисослик туркум фанларига нисбатан ўзининг индивидуал ёндашувига эга. Индивидуал ўқитиш жараёни профессор-ўқитувчиларга талабаларнинг ўқув-билув фаолиятларини визуаллаштириш имконини беради. Жумладан, мультимедиа технологияларининг муҳим жиҳати шундаки, уларда турли даражадаги ахборотлар интеграллашган ҳолда ифодаланади. Анъанавий ўқитиш жараёнида бўлгани каби ноанъанавий таълим жараёнида матнлар, жадваллар, графиклар, иллюстрациялар билан бир қаторда, талабаларни фаол ривожлантириш характерига эга бўлган нутқ воситалари, мусиқа, турли анимациялар ўз ифодасини топади. Шу ўринда муҳим аҳамиятга эга бўлган йўналишлардан яна бири мультимедиа воситаларида аудио ҳамда визуал ахборотларнинг параллел тарзда талабаларга тақдим этилишидир. Мазкур технология ёрдамида талабалар ахборот-коммуникацион технологиялар билан ўзаро мулоқатга киришишларининг янги даражаси намоён бўлади.

Бўлажак математика ўқитувчиларида компетенцияларни самарали шакллантиришда дидактик ўйинлардан кенг фойдаланиш лозим. Таълимга оид ўйинлар таълим беришнинг замонавий психолого-педагогик технологияларида муҳим ўрин эгаллайди. Усул сифатида улар XX асрнинг 70-йилларида кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда қўлланилиши соҳасига мос равишда таълимий ўйинларнинг ҳар хил турлари мавжуд.

Дидактик ўйинларни дарсда қўллаш таълим-тарбия жараёнига ноанъанавий усулда ёндашувни ифодалаб, анъанавий дарслардан бир қатор сифатлари билан фарқланади. Яъни, ўқув жараёнини бевосита қизиқарли ўйинлар асосида ташкиллаштириш, талабаларнинг биргаликдаги ҳаракатини таъминлаш, масалага гуруҳ бўлиб ёндашиш натижасида талабаларнинг фаол ҳаракати ва мантиқий тафаккури ривожланишига шароит яратилади. Бўлажак математика ўқитувчиларининг математик нутқ бойлигини оширишда ҳам дидактик ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Биз қуйида таълим жараёнида талабалар фаоллигини оширишга хизмат қиладиган ўйин турларини кўрсатиб ўтамиз: «Қисқа муддатли ёзма иш», «Эрудит», «Заковатли зукко» ва ҳакозо. Бу ўйинларни амалга ошириш учун шундай дидактик шароит яратиш керакки, ўйин машғулотларида қатнашувчилар мавжуд билимларини намоён этишга одатланган бўлишлари керак. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, дарс давомида фойдаланилаётган дидактик ўйин дарснинг мавзусига мос равишда танлаб олиниши муҳим аҳамиятга эгадир.

Талабаларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришда профессор-ўқитувчининг компетентлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сабаби талабалар ўз ўқитувчиларининг маърузаларини тинглаш билан илмий билимларни ўзлаштирадилар ҳамда айни пайтда нутқ маҳоратини ҳам ўрганадилар. Шундай қилиб, таълим берувчининг ўз касбига доир билимларни яхши билиши ва унинг хулқ-атвори талабалар учун намуна бўлиб хизмат қилади. Бу эса, пировард натижада бўлажак ўқитувчининг бутун фаолиятига таъсир этади.

Компетентлик тушунчаси нафақат аниқ билим ва кўникмалар, балки аниқ стратегия, мос эмоция ва муносабат, шунингдек, бутун бир тизимни бошқариш механизми мавжуд эканлиги талаб этиладиган мураккаб амалий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ. У ўз ичига нафақат когнитив ташкил этувчини, балки қадриятли йўналганликнинг мотивацион, етук, ижтимоий ва ахлоқий тизимларини ҳам олади [3:13].

Компетентлик тушунчаси бу символик образ бўлиб, бу тушунчани таърифлашга турлича ёндашувларни кўриш мумкин. Уларда бу тушунча малака, иқтидорлик, қобилиятлилик, билим, кўникма ва муносабатлар мажмуаси тарзида талқин қилинган. Бизнинг фикримизча, компетентликнинг қуйидаги асосий компонентларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ўз фаолияти ва таълим жараёни самарадорлигини таҳлил қилиш ва объектив баҳолашга хизмат қилувчи рефлексив кўникмалар;
- ўз фаолияти ва ўзаро муносабатлар жараёнидаги хатти-ҳаракатларнинг натижаларини ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнига тайёргарлигини ҳис этишни ифодаловчи олдиндан кўриш кўникмалари;
- таълим-тарбия жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятларда талабалар фаоллигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаси;
- талабалар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиш ва ташкилотчилик услубларидан оқилона фойдаланиш кўникмаси;
- мулоқотга асон киришиш кўникмаси;
- коммуникатив компетентлик ҳисобланган, турли шароитларда инсонлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишга мос бўлган ўзаро таъсир кўрсатиш кўникмаси;
- ахборотлар тўплаш, таҳлил қилиш, объектив баҳолаш, қайта ишлаш ва ахборотлар алмашиниш кўникмаси;
- ўзини-ўзи бошқариш ва шахсий ривожлантириш кўникмаси.

Бўлажак математика ўқитувчилари умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштириш орқали қуйидаги компетенцияларга эга бўлиши лозим:

- фазовий тасаввур ва геометрик тафаккурга эга бўлиши;
- ахборотни тақдим этишда аниқлик билан тўғри хулоса чиқариш: уларни ўқиш, яратиш, қайта тузиш ва бу ҳаракатларни амалга ошириш;
- профессионал фаолият учун билимларнинг ҳажмини, чуқурлигини ва тизимлилигини белгилаб, ишлаб чиқишда иштирок этиш лаёқатига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятда эътиборлилик, кузатувчанлик, зукколик, фаросатлилик, тафаккурнинг чуқурлиги, кенглиги, эгилувчанлиги, тезкорлиги;
- фикрларнинг мантиқийлиги, ойдинлиги, мустақиллиги, танқидийлиги, вазиятларни таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ва юзага келган вазиятларнинг тўғри ечимини топа олиш қобилиятига эга бўлиш.

Олий таълим муассасаларида таълим бераётган профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилаётган ва фойдаланилаётган ўқитиш технологиялари бўлажак ўқитувчи касбий компетентлигини шакллантириш таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб, ўз касбини эгаллашнинг аҳамиятли бўлган дастлабки базасини яратишга, келажакда касбий фаолиятини юқори даражада амалга ошириш учун назарий, амалий ва мотивацияли тайёргарликнинг босқичма-босқич шаклланишига ёрдам беради.

**Адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. – Тошкент: 2017. 15-б.
2. Нестеров В.В., Белкин А.С. Педагогическая компетентность. – Екатеринбург: Учебная книга, 2003. –С. 186.
3. Темуров С.В. Бўлажак математика ўқитувчиларида касбий компетентликни шакллантиришнинг назарий асослари. –Т.: Фан ва технология, 2014. 13-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада бўлажак математика ўқитувчисини тайёрлаш жараёнига компетенциявий ёндашув усули кўриб чиқилган, унда компетентлик асосида такомиллаштириш, уларнинг компетентлигига қўйиладиган асосий талаблар ажратиб кўрсатилган, ҳозирги замон математика ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришда интерфаол усулларнинг истиқболлари ҳақида фикрлар юритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье представлен обзор процесса развития будущего учителя математики на основе компетентностного подхода, выделены основные требования к их компетенции, перспективы интерактивных методов в формировании и развитии профессиональной компетентности современного учителя математики.

**SUMMARY**

The article presents an overview of the development process of the future teacher of Mathematics based on the competence approach, the main requirements to their competence, the prospects of interactive methods in forming and developing the professional competence of the modern teacher of Mathematics.

## ҚАРАҚАЛПАҚ МИЛЛИЙ ОЯНЫЎ ӘДЕБИЯТЫНДА ТӘРБИЯ ПРИНЦИПЛЕРИНИҢ СӘЎЛЕЛЕНИЎИ

**А.Меңлибаева** – *ассистент оқытыўшы*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар:** тарбия тизимлари, миллий уйғониш даври, қорақалпоқ шоирлари, педагогик дунёқараш.

**Ключевые слова:** принципы воспитания, эпоха национального Возрождения, каракалпакские поэты, педагогическое мировоззрение.

**Key words:** principles of education, epoch of the national Rebirth, Karakalpak poets, pedagogical world view.

Педагогикада тәлим-тәрбия мәселеси оғада кең түсиник болып табылады. Сонлықтан, биз усы мақаламызда тәрбия принциплери ҳәм оның қарақалпақ миллий ояныў дәўири әдебиятында қалай сәўлеленгенлигине дыққатымызды қаратамыз.

Қарақалпақ миллий ояныў дәўири әдебияты XIX әсир ақыры XX әсир басындағы жәмийетлик турмыс ҳәм тарийхый шараят пенен тығыз байланыслы болып, бул дәўирде көркем әдебият демократиялық бағдарда раўажланды. Еркинликке умтылыў, зулымлыққа қарсы гүрес ҳәр бир дөретиўшиниң шығармаларының тийкарғы идеясы болды. Миллий ояныў дәўириндеги қарақалпақ әдебиятының ўәкиллери Аннақул, Қулмурат, Қоразбек, Омар, Әбдиқәдир, Сапиўра, Жаңабай, Қазы Мәўлик, Аяпберген, Аббаз ҳәм т.б. шайырлардың дөретпелери халықтың мәдений турмысында алға илгерилеўшиликти пайда етти. Бул дәўирде қарақалпақлар қоңсылас түркий халықлары ҳәм Индия, Бағдат, Саудия Арабстаны, Түркия сыяқлы мәмлекетлер менен экономикалық, саўда-сатық, билимлендириў мәселеринде қатнас раўажландырғанлығы, Астрахань, Оренбург, Казань, Санкт-Петербург сыяқлы қалалар менен саўда-сатық ҳәм мәдений байланысларды күшейткенлиги ағартыўшылық ҳәм билимлендириўдиң жаңа басқышқа көтерилиўине алып келди. Миллий ояныў дәўири әдебияты ўәкиллери саўатлы шайырлар ғана емес, ал атақлы қыссаханлар ҳәм аўдармашылар да болып, олардың дөретиўшилигинде жәмийеттеги барлық ўақыялар: илим, билим, мәдeният, халықтың азатлық жолындағы гүреслери, демократиялық көзқараслары өзиниң сәўлесин тапты. Сонлықтан, миллий ояныў дәўири қарақалпақ әдебиятында тәлим-тәрбиялық ой-пикирлер, педагогикалық көзқараслар кең орын алды. Бул мәселе, өз гезегинде, көпшилик педагог алымлардың дыққатын тартты ҳәм миллий ояныў дәўири қарақалпақ әдебиятындағы педагогикалық, ағартыўшылық пикирлер бойынша илимий жумыслар исленди [1, 2, 4].

Педагогика теориясынан бизге белгили, тәрбия принциплеринде оқытыўшы тәрбияланыўшыларға жол жоба көрсетиўи тийис. Тәрбия принциплери еркин характерге ийе болып тәрбияның өзине сай қәсийетлерин ҳәм нызамлылықларын сәўлелендиреди. Тәрбиялық процессте бул принциплерге әмел қылыў оның нәтийжелилигин асырады.

Миллий ояныў дәўири қарақалпақ әдебиятында тәрбия принциплери дидактикалық, үгит-нәсиятлаўшылық бағдарында әмелге асқанлығын көремиз. Шайырлардың дидактикалық пикирлери жәмийетлик турмыс пенен тығыз байланыста раўажланады. Жәмийеттиң социаллық жақтан әззи қатламына дыққат бөлиў, яғный ғәрип-қәсерлерге, жетим-жесирлерге қол созыў, олардың жағдайларын жақсылаў ушын гүресиў идеясы бул дәўир әдебиятындағы тәрбияның тийкарғы идеяларының бири. Мысалы:

Ғәрип-қәсерлерди көзи көрмесе,  
Журт ағасы болып жолдан жүрмесе,  
Сүргизбесе, өзи дәўран сүрмесе,  
Дыянетсиз дәўлет ол неге дәркар?

(Әбдиқәдир)

Әбдиқәдир шайыр қәлемине тийисли бул қатарларда жәмийеттеги теңсизликке қарсы турып, елди әдил басқарыў – адамгершиликтиң жоқары белгиси екенлиги сөз етиледи.

Миллий ояныў дәўири әдебияты шайырлары билим алыўды, өнер ийелеўди ҳәр бир инсанның жоқары мақсети деп есаплайды. Бунда ата-ана менен перзент ортасындағы қатнасықларға дыққат қаратады.

Алымлар қор болар халықты алдаса,  
Султан халықтан айрылар нәзер салмаса,  
Ақылсыз ул ата тилин алмаса,  
Бир күнлери бара-бара зар болар.

(Әбдиқәдир)

Шайыр ең жоқары адамгершилик пазыйлетин жақсылық пенен жаманлық түсиниклерин қолланыў арқалы жеткерип береди. Сол арқалы нәкас пейилли инсанларға түңилиў сезимлерин оятады, ал жақсы пазыйлетли инсанларға сүйиспеншилик пенен қараўға, жасларды оқыўға, билим ийелеўге шақырады ҳәм оқымыслы адамларды халыққаданышпанлық пенен жол көрсетип, елдиң мәпин ойлайтуғынын айтады.

Дана болсаң надан менен таласпа,  
Әбдиқәдир ақмақларды аласла,  
Билгир, әдил жигит болсаң жол басла,  
Билимлиниң етер иси сол болар.

(Әбдиқәдир)

Миллий ояныў дәўири әдебиятында ағартыўшы шайырлар миллетти саўатландырыўға, билим ийелетиўге баслы дыққат қаратты. Себеби, ҳәр қандай зулымлықтың езиўинен қутылыў, еркинликке ерисиў билим арқалы әмелге асады, ақылы кәмил миллет ғана бийғәрез жасайды, келешеги айдын болады. Бундай пикирлер, өз гезегинде, тәрбияның мақсетке бағдарланғанлық принципи менен үнлеседи**.** Өйткени, тәрбияда гөзленген тийкарғы мақсет ҳәр тәреплеме руўхый жақтан раўажланған ақыл ҳәм әдеп-икрамлы инсанды қәлиплестириўден, яғный, жасларымызды ақыл, әдеп-икрамлы, физикалық раўажланыўын ҳәр тәреплеме жетилистириўден ибарат.

Тәрбияда инсаныйлық ҳәм демократиялық принципи де миллий ояныў дәўири әдебияты ўәкиллериниң шығармаларында кең сәўлеленеди. Тәрбияны демокра-

тияластырыў ҳәм инсаныйластырыў принципинде тәрбияны ҳәр қандай зәрүрлик ҳәм қызығыўшылықлардан жоқары қойыў, тәрбияшы ҳәм тәрбияланыўшы ортасындағы өз ара исеним, бирге ислесиў тийкарында педагогикалық қатнасларды қәлиплестириў, тәрбия исине жәмийетшиликти тартыў, оның раўажланыўына жәмәәт усылын киргизиў болып есапланады. Адамлар арасындағы қатнасықларда инсаныйлық ҳәм ҳүрмет туйғыларын қәлиплестириў, балалар пикирине итибар бериў баслы орынды ийелейди. Усы көзқарастан, миллий ояныў қарақалпақ әдебиятында билими терең болған адам турмыс қыйыншылығын аңсат жеңетуғынлығы, ал билимсиз өмирде көп пәнт жейтуғынлығы, әсиресе, жәмийеттеги ҳаял-қызлардың билим алыўы лазымлығы, оқытыўшылар болса өз кәсибинде тәрбия ҳәм билим алыўшыларға ҳүрмет пенен қарым-қатнаста болыўы келтириледи. Мысалы, Омар шайыр айырым устазлар билим бериў ўазыйпасын умытып, дәмегөйликке, парахорлыққа жол ашып берип атырған устазларды әшкаралайды.

Қызыл көрсе жолдан шығып бузылған,
Саўаты жоқ ахунлары бар екен.
(Омар)

Қосықта айырым устаз уламалардың унамсыз қылықларын ашып, әшкаралаў арқалы жәмийеттеги адамлардың әдеп-икрамлы, ҳадал мийнет етип, бир-бирине адамгершилик пенен қатнаста болып, халыққа хызмет етип, қайырлы ислер менен шуғылланса жәмийеттиң раўажланыўға бет буратуғынлығын сәўлелендиреди.

Тәрбияда миллий ҳәм улыўма инсаныйлық қәдириятлардың үстемлиги принципи миллий ояныў дәўири әдебиятында халық педагогикасындағы бала тәрбиясы бойынша бай тәжирийбелери, уллы данышпанлардың педагогикалық көзқараслары, үрп-әдетлери негизинде улығланады. Мысалы, Қулмураттың «Қәлендерге» қосығын алып қарайтуғын болсақ, онда адамгершиликтиң ең жоқары пазыйлети болған инсанды ҳүрметлеў, әдеп-икрамлылық пенен қатнас жасаў сыяқлы адамгершилик нормалары сөз етиледи. Мысалы:

Илтимасым сизге қәлендер шахым,
Бийәдеплик қылмағаймыз, атың ким?
Бийәдеплик болса, кешир гүнәҳим,
Яна илтимасым ҳасыл затың ким?
(Қулмурат)

Бунда инсанды ҳүрметлеўге, руўхый пәкликке жоқары пазыйлет сыпатында қарайды, адамларға иззет көрсетиўди әдеп-икрамлылықтың заңы сыпатында улығлайды, адамлар арасындағы мүриўбетти, сыйласық ҳәм кеңпейилликти улығлайды.

Улыўмаластырып айтқанда, миллий ояныў дәўири қарақалпақ әдебияты ўәкиллери өз дөретпелери арқалы оқыўшыларға әдеп-икрамлылық, кәмил инсан, пәклик, сабырлылық, ата-ананы, инсанларды ҳүрметлеў қағыйдалары ҳаққында жырлап, тәрбияның тийкарғы принциплерин өзлериниң бай педагогикалық пикирлери, тәжирийбеси менен байытыўға үлес қосты.

**Әдебиятлар**

1. Әлеўов. Ө. Қарақалпақстанда тәлим-тәрбиялық ойлардың қәлиплесиўи ҳәм раўажланыўы. -Н.: «Билим», 1993.
2. Дәўлетов Б. Қазы Мәўликтиң дөретиўшилик жолы. Автореф. канд.дисс. -Н.: 2002.
3. Қосназаров Қ., Пазылов А., Тилегенов А. Педагогика. -Н.: «Билим», 2009.
4. Пахратдинов Ә. XIX әсирдиң ақыры XX әсирдиң басындағы қарақалпақ әдебияты тарыйхы. -Н.: «Билим», 1996.

**РЕЗЮМЕ**

Бу мақолада бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири – тарбия тамойиллари Миллий ўйғониш даври қароқалпоқ шоирлари асарлари мисолида таҳлил қилинади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается один из актуальных вопросов сегодняшнего дня – принципы воспитания на примере произведений каракалпакских поэтов в эпоху национального Возрождения.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of one of the actual issues today – principles of education on the example of the literary works of t Karakalpak poets in the epoch of the national Rebirth.

## РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ МУЗЫКИ СРЕДСТВАМИ ОБРАЗНОГО МЫШЛЕНИЯ

**А.Надырова** -*доцент*
*Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза*

**Таянч сўзлар:** мусиқа, мусиқий ва педагогик фаолият, концертда чиқиш, бастакор, ижро, эътиборни жалб қилиш, мусиқа тинглаш.

**Ключевые слова:** музыка, музыкально-педагогическая деятельность, выступать на концерте, композитор, исполнять, привлекать внимание, слушать музыку.

**Key words:** music, musical-pedagogical activity, to appear at the concert, composer, to perform, to attract attention, to listen, to music.

Музыкально-педагогическая деятельность сочетает в себе основанную на умении самостоятельно обобщать и систематизировать полученные знания и умения необходимые в деятельности учителей музыки в школе.

Студент вуза исполнительского профиля готовится к выступлениям на концертной эстраде, во время исполнения он отделён от слушателя рампой (сценой). Как правило, его общение с аудиторией ограничено тем, что он исполняет музыку - аудитория слушает. Никакого словесного обмена впечатлениями, мыслями нет. Само слушание музыки специфично тем, что аудитории заранее известно, что именно будет происходить, исполняться, при этом многим слушателям часто хорошо известны произведения, вошедшие в программу, для них нередко главный интерес составляет не ознакомление с произведением, а ознакомление с его трактовкой именно данным исполнителем [1].

Студенты готовятся к исполнению музыки, главным образом, в школьном классе. Возможные выступления на концертах для детей (и родителей), т.е. на «эстраде», не определяют главной цели его обучения игре на инструменте в институте. Учитель и класс - более «сближены», чем концертант и зал не только из-за отсутствия рампы. Учащиеся обычно не знают заранее, с какой музыкой они будут знакомиться сегодня (за исключением тех случаев, когда учитель предварительно знакомит их с темой, даёт какие-то задания по ознакомлению с творчеством данного композитора и т.п.), но учитель решает определённую задачу, приобщая конкретных учащихся к конкретным произведениям. Исполняя музыку, он отлично знает слушателей: их общий и музыкальный уровень развития, их музыкальный кругозор, характер интересов и вкусов, примерный объём произвольного внимания, в значительной мере определяющего качество их восприятия. Общение с классом не ограничивается тем, что учитель играет - дети слушают. Исполнению всегда предшествует слово учителя. Оно может быть лаконичным, всего одна - две

фразы вслух, как бы можно было назвать произведение или кто бы мог быть его автором и т.п.) [2]. Но вступительное слово может быть и развёрнутым, с привлечением различных сведений, аналогий и т.д. Характер «слова» (беседы, рассказа) определяет цель исполнения: привлечение внимания, пробуждение желания услышать произведение. Специфической особенностью слушания музыки детьми является их особое стремление видеть исполнителя. Учитывая этот момент при восприятии музыки школьниками, а также и для того, чтобы самому видеть их во время своего исполнения, многие учителя рассаживают учащихся полукругом, в центре которого находится рояль, и, таким образом, дети видят лицо исполнителя, а он - их лица. Это даёт возможность наблюдать реакцию учеников не только слухом, но и зрением, а вместе с этим позволяет в какой-то мере корректировать реакцию детей, более выразительно вычленяя звучание отдельных элементов, используя различные нюансы, мимику. Специфику условий исполнительского процесса в школе необходимо учитывать педагогу инструментального класса. Конечно, это не означает, что любое произведение индивидуального плана студент должен уметь играть, глядя на аудиторию. Но этот важнейший профессиональный навык у него должен быть сформирован. Одновременно с формированием чисто исполнительских навыков владения инструментом следует формировать и навыки словесного пояснения исполняемого. Необходимость постановки перед школьниками тех или иных задач перед слушанием или проведение образного вступительного слова требует от студента осознанного отношения к исполняемому произведению. В исполнительских классах такой музыкально педагогический анализ способствует и развитию исполнительских качеств, поскольку ведёт к более обоснованной интерпретации произведения. Поэтому и развитию речи студента, освещающего своё понимание произведения, следует уделять внимание преподавателю по основному инструменту [3].

Усы ўақыядан кейин студентте де қырсықлық пайда болды. «Енди алдырмайман, өскенше усылай жүремен» деди, деканның бетине тикке қарап. Бизлерде ишимизден қыйналдық. Пайдасы болмады. Достымыз алабас болып қалды. Ертеңине биринши парадан баслап «алабас» достымыз биринши партаға шығып отырып алды. Аудиторияны аралап киятырған деканымыз бизлердиң аудиториямыздың қапысын ашыўы менен биринши партада отырған достымыз «Ассалаўма әлейкум Курбанбай (исмлер өзгертилген) аға» деп, алабас басын ийип, деканға қаратып турды. Декан ишке кирмеди. Сол жерден изине қайтты. Достымыздың алабас болғаны биржағынан бизлерге де жақсы болды. Себеби, деканымыз бизлердиң аудиториямызға усы ўақыядан соң улыўма кирмейтуғын болды.

Бул аздай, тәнепис ўақтында дәлизде де студентлердиң тәртибин бақлап туратуғын деканымыз, кабинетинен шыға алмай қалды. Себеби, алабас достымыз тәнепис болыўдан деканның кабинетиниң алдына барып, алабас басын ийип туратуғын әдетти шығарды. Декан улыўма кабинетинен шықпаса, оның кабинетиниң есигин қағып, қапысын ашып, «Ассалаўма әлейкум Қурбанбай аға» деп, алабас басын ийип, күнине төрт-бес мәртебе үлкен салтанат пенен сәлем берип турды. Бизлер достымыздың арқасында факультет коридорында емин-еркин жүриў имканиятына ийе болдық.

Деканның күнделикли бақырысларынан қутқарғаны ушын шашы оншелли өспеген болса да «алабас» болып қалған достымызға, оның шашын қайшы менен қырқып таслаған деканымызға мыңда бир ризалығымызды билдиргимиз де келип жүрди. Ишимизден достымыздың шашының оқыў жылының ақырына шекем өспеўин тилейтуғын едик. Айырым жигитлер келеси айдағы бақырыслардан өз досларын қутқарыўды мақсет етип шашларын өсирип жүриўди күнделикли әдетке айландыра баслады. Бирақ, деканымыз бул ўақыядан соң бирде-бир студенттиң шашын қырқпады. Студентлерге орынсыз азап та бермеди…

Ўақыялардың мазмунынан белгили болып турғанындай, гүзениң күнде емес, ал, бир мәртебе сынатуғынлығы, абырайдың мысқаллап жыйналатуғынлығы, шелеклеп төгилетуғынлығы ҳаққындағы халық даналығының оғада орынлы айтылғанлығы өз тастыйықлаўын тапты. Төгилген абырайдың аңсатлық пенен орнына келмейтуғынлығы да белгили болды. Студентке ашыў етип, оның шашын қырққан декан – ашыў үстинде өзинде бар болған, ҳәммеге үлги боларлықтай қарым-қатнас мәдениятына ийе болса да, сол ўақыяға гүўа болған қатнасыўшылар, деканның минезқулқындағы педагогикалық қарым-қатнас мәдениятының бар екенлигине исеними жоғалды.

Жуўмақлап айтқанда, муғаллим оқыўшыға тек ғана билим бериў менен шекленбейди. Ол, оқыўшының тәрбиясына да жуўапкер. Сонлықтан да, муғаллим өз оқыўшылары менен қарым-қатнас жасағанда, олар менен сөйлескенде педагогикалық қарым-қатнас мәденияты үлгилерин өзинде жоқары дәрежеде көрсетип барыўға ериссе, бул келешегимиз болған жаслардың мектептеги оқыўшылық дәўирлеринен баслап-ақ қарым-қатнас мәдениятын беккем өзлестирип алыўына қолайлы имканият жаратқан болып есапланады.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ўзаро педагогик алоқалар маданиятини ўзида акс эттирувчи муаммолар ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье говорится о культуре педагогического подхода.

**SUMMARY**

The article is devoted to the issues of culture of pedagogical approach.

## ФОРМИРОВАНИЕ И УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЦЕННОСТЕЙ У ОБУЧАЮЩИХСЯ В СОВРЕМЕННОСТИ

**Б.Х.Рахимов** - *доктор педагогических наук*
*Гулистанский государственный университет*

**Таянч сўзлар:** ўқитувчи, бўлғуси ўқитувчи, қиймат, узлуксиз таълим тизими, ўз-ўзини тартибга солиш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини билиш, бағрикенглик.

**Ключевые слова:** ученик, будущий учитель, ценности, система непрерывного образования, саморегуляция, самосознание, самопознание, толерантность.

**Key words:** student, future teacher, the value of the system of continuous education, self-regulation, self-awareness, self-knowledge, tolerance.

Комплекс способов деятельности, полученных в разных предметных областях на разных возрастных этапах, должен привести к формированию у выпускника общеобразовательной школы обобщенных способов деятельности, результатом которых является не сумма усвоенной информации, а его способность действовать в различных реальных и проблемных ситуациях. В этих условиях именно умение учиться выступает существенным фактором повышения эффективности освоения учащимися предметных знаний и умений, а также формирование толерантности на основе ценностных ориентаций.

Учитывая, что именно в общеобразовательной школе происходит эмоциональное, социальное и психиче-

ское становление личности школьника, особые требования предъявляются к личностным качествам учителя, который призван обеспечить это становление.

Профессия учителя сегодня важна и ответственна. Ведь в его руках будущее нашей республики. Он является носителем культуры, эталоном патриотизма, образованности и воспитанности, формирующим толерантность у обучающихся и, от того, как идёт на современном этапе подготовка студентов в педагогических вузах в этом направлении, зависит авторитет учительского коллектива в нашем обществе.

Актуальна мысль Л.С.Выготского о роли педагога в воспитании личности. «На долю учителя выпадает новая ответственная роль. Ему предстоит сделаться организатором той социальной среды, которая является единственным воспитательным фактором. Там, где он выступает в роли простого насоса, накачивающего учеников знаниями, он. с успехом может быть заменен учебником, словарем, картой, экскурсией. Когда учитель читает лекцию или объясняет урок, он только отчасти выступает в роли учителя: именно в той, в которой устанавливает отношение ребенка к воздействующим на него элементам среды. Там же, где он просто излагает готовое, он перестает быть учителем» [2:307]. В профессиональном становлении будущего учителя важную роль играют ценностные ориентации.

Практика нашей работы в учебных заведениях республики показывает, что не всякий предмет или явление, имеющие полезные свойства, является ценностью. Ценностью может быть только то, что эмоционально пережито в личной жизни. Отражение в сознании личности отношений с предметами или явлениями и есть их ценностные ориентации.

Само понятие ценностных ориентаций личности (фр. orientation - установка) было введено в социологии в 20-е годы прошлого века американским социологом У. Томасом и польским социологом Ф.Знанецким. Они рассматривали ценностные ориентации в качестве социальной установки личности, регулирующей её поведение [3].

В 60-е годы того же столетия Д .Н.Узнадзе и А.Г.Асмолов [4:10] разработали теорию об иерархической уровневой природе установки как механизма стабилизации деятельности человека.

Доказывая влияние ценностных ориентаций на формирование личности, они выделили следующие уровни:

- смысловой, придающий устойчивый характер деятельности;
- целевой, проявляющийся в тенденциях к завершению прерванных действий;
- операциональный, определяющий способ осуществления деятельности.

Установка, как состояние готовности, предрасположенности субъекта к определённой активности во многом определяет процесс формирования и развития ценностных ориентаций. Образование социально-психологических установок происходит на уровне волевого поведения человека.

Д.Н.Узнадзе различает обычную и фиксированную установки. «Фиксированная» установка - это установка, закрепившаяся в результате ряда установочных опытов, это часть общего явления, т.е. установки как универсального состояния готовности к определённой активности [5:251].

По мнению исследователя, фиксированные установки формируются в результате интеграции общественного и индивидуального опыта и являются внутренним регулятором поведения человека.

По мнению Л.П.Буевой, через особые виды общественной и личной деятельности и происходит усвоение общественного сознания индивидом, ему сообщается определённая система норм и правил, которыми необходимо руководствоваться в социально значимом поведении [6:58]. Вместе с тем, отмечает автор, человек, вступающий в общественную жизнь, включающийся в трудовой процесс, уже обладает определённой жизненной и ценностной ориентацией, имеет некоторые сознательные установки. С другой стороны, анализируя категории установки ценностной ориентации, ранее была отмечена учеными смысловая дифференциация, существующая между ними (В.Водзинская). По ее мнению, ценностная ориентация предстаёт как конкретное проявление отношения личности к фактам действительности, в то же время как система фиксированных установок, регулирующих поведение личности в каждый данный момент времени.

Для педагогической науки сегодня очень важно, какие именно потребности, нужды, интересы порождает то или иное действие - жажда наслаждения, утилитарный расчёт или нравственные, эстетические, религиозные, политические, духовные устремления как формы ценностной ориентации человека. Одна из особенностей личности и состоит в саморегуляции её поведения, то есть в действии согласно её ценностным ориентациям и в подчинении только тем нормам, которые приобрели для неё ценностное значение. Поэтому определённым нормам должна подчиняться сама духовно независимая личность - без этого невозможна совместная жизнь людей, требующая, чтобы свобода каждого была ограничена свободой других, в противном случае, поведение человека становится асоциальным и свобода вырождается в произвол. Поэтому общество заинтересовано в том, чтобы возможно более широкий круг норм превращался у возможно более широкого круга людей в их ценности и соответственно в ценностные ориентации их толерантного поведения.

В этом случае свобода действий личности упирается в осознанную необходимость, но выходит далеко за пределы такого осознания, поскольку ценностная ориентация исходит из внутреннею побуждения, выступающего в форме переживания, а не из сознательной! принятия некоей системы норм.

В социальной психологии ценностные ориентации - это субъективное отражение в сознании человека тех пли иных социальных ценностей общества и природы на том или ином этапе развития общества. В педагогике ценностные ориентации представлены в форме идеалов, целей, норм его жизнедеятельности и проявляются в его поступках.

По мнению И.М.Ефремова, все ценности можно подразделить:

- во-первых, на ценности преимущественно материальной жизни (труд и все что связано с производством и потреблением материальных благ);
- во-вторых, на ценности социальной жизни (общественное устройство, прогрессивное в социальной структуре и в общении людей);
- в-третьих, на духовные ценности (система научных знаний, передовые идеалы, научное мировоззрение, культура, мораль, искусство и т.п.).

Формирование ценностей у личности происходит путём восприятия личностью представлений, предъявляемых в образовательном процессе через самосознание и самопознание. Затем, преломляясь через условия реальной жизнедеятельности, они распадаются на подтверждённые и не подтверждённые, на реально управляющие действиями и поступками и на те, которые хранятся в ее сознании, позволяя ориентироваться в системе нормативных требований. Следовательно, для того, чтобы целенаправленно воздействовать на сознание будущих педагогов, недостаточно сообщать им готовые представления о ценном. Необходимо, чтобы в их сознании сложились представления, наполненные

личностным смыслом, чтобы они превращались в проверенные личным опытом, мерой оценки различных жизненных ситуаций и обстоятельств. Они организуют и направляют активность личности в её качественном своеобразии и неповторимом социальном облике.

Ценности студентов выражаются не только в предпочтении какой-то основной сферы деятельности (учебной, будущей профессиональной, духовно-культурной, физического совершенствования, социальной, семейно-бытовой и др.), но и их различных сочетаний. Смысло жизненный аспект самосознания и самопознания носит мировоззренческий характер, организует в единую систему личностное отношение к жизни, исходную ценностную позицию. Чем значимее в жизни личности тот или иной предмет или явление, тем выше в иерархии ценностей место в её сознании они занимают. Именно такой подход был взят нами за основу при изучении ценностей будущих учителей педагогического вуза. В этой связи основное внимание было уделено, прежде всего, работе с учениками общеобразовательных школ, профессиональных колледжей, академических лицеев и студентами вузов, так эти категории наших граждан в большинстве своем находятся под постоянным контролем различных государственных образовательных учреждений.

Поскольку именно в этих учебных заведениях преподавательский состав независимо от своей профессиональной направленности должен владел. различными приемами и средствами воздействия на сознание подрастающею I юколения, чтобы формировать у него убежденность готовить себя к труду на благо своей Родины, самого себя и своих близких.

А для этого учителя в общеобразовательной школе, профессиональном колледже, академическом лицее, преподаватели в вузе должны быть сами убеждены в необходимости вести такую работу и быть личным примером для своих воспитанников в решении поставленных руководством страны задач в готовности активно трудиться на благо нашей республики.

Таким образом, значимость духовно-нравственных ориентаций учащейся молодежи влечёт за собой повышение общей и профессиональной культуры, культуры поведения и общения, нравственной мировоззренческой, эстетической культуры, всего того, что отражает целостность воспроизво и him никои м и влечёт за собой формирование толерантности, как главном ценности будущих школьных педагогов.

**Литература**

1. Иноятов У. Социальная поддержка детей, нуждающихся в защите в контексте реформирования системы народного образования: Материалы международного форума «Социальная поддержка детей и молодёжи - основа благополучного и процветающего общества». 4-5 декабря 2013 года. -Т.: РЦСАД, 2013. –С. 400.
2. Выготский Л.С. Педагогическая психология / Под ред. В.В. Давыдова. - М.: Педагогика-Пресс, 1996. –С.536.
3. Thomas W.I., Znaniecki. The Polish Peasant in Europe and America. 5 vol. Boston: Badger, 1918-1920.
4. Асмолов А.Г. Психология личности. -М.: Изд-во МГУ, 1990.
5. Узнадзе Д.Н. Психологические исследования. - М.: «Наука», 1966. – С.451.
6. Буева Л.П. Духовная культура личности в современном образовании. // Современные проблемы культурологического образования. - М.: 1993. - С. 58-65.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақола замонавий таълимнинг баъзи мақсадларини очиб беришга бағишланган. Асосий эътибор бугунги кунда муҳим бўлган нарсага – умумтаълим мактаби битирувчиси учун фаолиятнинг умумлаштирилган усулларини шакллантириш, унинг натижаси ўрганилган маълумотларнинг миқдори эмас, балки турли хил ва муаммоли вазиятларда ҳаракат қилиш қобилиятидир. Таъкидланишича, келажакдаги ўқитувчининг касбий ривожланишида қадрятлар муҳим роль ўйнайди.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящена раскрытию некоторых целей современного образования. Сделан упор на то, что актуально на сегодняшний день - формирование у выпускника общеобразовательной школы обобщенных способов деятельности, результатом которых является не сумма усвоенной информации, а его способность действовать в различных реальных и проблемных ситуациях. Отмечается, что в профессиональном становлении будущего учителя важную роль играют ценностные ориентации.

**SUMMARY**

The article deals with the disclosure of some of the goals of modem education. The focus is doneon what are actual today formation in secondary school graduates generalized ways of life, the result of which is not the sum of the assimilation of information, and its ability to operate in a variety of real and problematic situations. It is emphasized that in the professional formation of the future teacher value orientations play a great role.

# ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯДА МЕТРИК МАСАЛАЛАРНИНГ БЕРИЛИШИНИ ДИЗАЙНЛИ ТАНЛАШГА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ

**Х.Рихсибоева** – *таянч докторант*
*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти*
**Б.Есбоганова** – *катта ўқитувчи*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** чизма геометрия, метрик масала, рақобатлашувчи, нуқта, текислик, масофа, бурчак, қиймат, икки ёқли бурчак, геометрик фигура, айқаш тўғри чизиқ
**Ключевые слова:** начертательная геометрия, метрическая задача, конкурирующий, точка, плоскость, расстояние, угол, величина, двугранный угол, геометрическая фигура, скрещивающиеся прямые
**Key words:** descriptive geometry, metric problem, rival, point, plane, distance, corner, value, dihedral corner, geometric figure, crossbreeding lines.

Маълумки, таълимнинг барча босқичларида ўқитиладиган фанлардан масалалар танлаш ва ечиш унинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Ўқув жараёни масалалари аниқ вазиятда берилган маълум бир ҳаётий ёки ҳаёлий вазифалар бўлиб, мактаб, лицей ва ОТМларда ўқувчи ва талабалар учун таълим жараёнини ташкил қилиб, улар фақат масалаларни ечибгина қолмай, балки ўз салоҳиятларини, билим даражаларини ўстиришга эришадилар.

Таълим тизимида ўқув вазифалари 2 таркибий қисмдан иборат [1]:

Вазифа предмети (шарти);

2. Вазифанинг талаб қилинган модели (жавоби), яъни вазифа “шарти ва ечими”.

Чизма геометрияда ўқув вазифаси шарти аниқ мавзуга оид берилган (метрик, позицион ёки аралаш) масала бўлиб, унинг ечими ўзлаштирилган билимлар асосида мақбул усулни татбиқ қилиб, масала шартига кўра изланаётган геометрик фигура (нуқта, тўғри чизиқ, текислик, текис ёки фазовий шакл) нинг ҳақиқий катталиги ёки геометрик ўрнини аниқлашдан иборат бўлади.

Чизма геометрияда маъруза ва амалий машғулотларни ўтказиш жараёнида масалаларнинг берилишини мантиқан ва услубан тўғри танлаш педагог-ўқитувчилардан катта назарий билим ва амалий

маҳорат ҳамда катта тажриба талаб қилади. Чунки берилиши тўғри танланган масала ечимининг дизайнли, яъни кўринимли, ишонарли, ва тушунарли бўлиши талабаларнинг мавзуларга оид билимларни ўзлаштиришларида катта аҳамиятга эга.

Агар масалаларнинг берилишида камчиликлар бўлса, кутилган натижа масалан, у метрик масала бўлса, изланаётган катталик**,** жуда кичкина**,** кўринимсиз ёки чизма кўламидан ташқарига чиқиб кетиш ҳоллари учрайди. Бу эса, биринчидан ёш педагог-ўқитувчиларни ноқулай аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлса, иккинчидан талабаларнинг бундай масалаларни ечишга қизиқишлари камайиб, мавзуларга оид билимларни ўзлаштиришлари сусаяди. Шунингдек, ўқитувчининг ўзи ҳам масала ечимидан кўнгли тўлмайди. Айниқса, бу муаммо эндигина иш бошлаган ва етарли тажрибага эга бўлмаган ёш педагог-ўқитувчилардан жуда катта масъулият талаб қилади.

Масалалар тўпламларини тузишда ва машғулотларда ечиладиган масалаларнинг берилишини мақбул танлашда уларнинг ечимларини кўринимли, ишонарли ва чизма кўламидан ташқарига чиқиб кетмаслиги ҳамда талабаларга ечиш жараёнини тушунарли бўлиши назарда тутилади. Шундагина талабаларнинг чизма геометрия мавзуларига оид билимларини мустаҳкамлашга ва оширишга эришиш мумкин.

Олиб борган изланишларимиз натижасида айрим масалаларнинг берилишини кўринимли ва ишонарли ҳамда ечими чизма доирасида аниқланадиган қилиб, яъни дизайн асосида танлашнинг усули – рақобатлашувчи геометрик фигуралар усули мавжудлигини, ва ҳатто, бу усулдан фойдаланиб, айрим масалаларни ҳам ечиш мумкинлигини аниқладик.

Айрим метрик масалаларнинг берилишини дизайн талаблари асосида рақобатлашувчи нуқталардан фойдаланиб танлашни кўриб чиқамиз.

Чизма геометрия фанида бир номли проекциялари қўшилиб қолган геометрик фигураларга рақобатлашувчи геометрик фигуралар деб аталади. Яъни, битта проекцияловчи нурда, боғловчи чизиқда ётувчи нуқталар [2], нуқталари проекцион боғланишда бўлган тўғри чизиқлар, икки текислик ва икки сиртлар рақобатлашувчи геометрик фигуралар бўлади.

Маълумки, амалиётда рақобатлашувчи нуқталардан фойдаланиб, проекциялари устма-уст тушиб қолган геометрик фигураларнинг кўринар ва кўринмас қисмлари аниқланиб келинади.

Рақобатлашувчи нуқталар орасидаги масофа уларнинг устма-уст ётмаган проекциялари орасидаги масофага тенг бўлади. Агар бу рақобатлашувчи нуқталар орқали айрим метрик масалалардаги геометрик фигуралар ўтган бўлса, қуйидаги таъриф ўринли бўлади.

Таъриф: Икки геометрик фигуралар орасидаги қисқа масофа ёки бурчак уларнинг рақобатлашувчи нуқталари орасидаги масофага мутаносиб – тўғри пропорционал бўлади.

Шу таърифга асосланиб, метрик масалаларнинг берилишини дизайн асосида тўғри танлаш учун берилган геометрик фигураларда ётувчи ва унга рақобатлашувчи нуқталарни танлаб олиб, улар орасидаги масофани мумкин қадар каттароқ қилиб олинса, масалалар кўринимли ва тушунарли ечимга эга бўлади.

Шундай қилиб, рақобатлашувчи нуқталардан фойдаланиб, икки геометрик фигуралар орасидаги масофани ва бурчакни топиш каби метрик масалаларнинг берилишини осонгина дизайн талаби асосида танлашга эришиш мумкин бўлади.

1-расмда нуқта билан текислик орасидаги қисқа масофани топиш масаласида нуқта билан текисликнинг берилишини юқорида келтирилган усул асосида, яъни рақобатланувчи нуқталардан фойдаланиб танлаш кўрсатилган. Чизмада текислик ABC учбурчак кўринишда, горизонтал ва фронтал чизиқлари OX ўқига оғма бўлган ҳолда берилган. S нуқтанинг вазиятини методик тўғри, яъни бу масаланинг ечими кўринимли ва ишонарли бўлишига қуйидагича эришилади:

1. S нуқтадан текисликнинг горизонтал ёки фронтал чизиғига тушириладиган перпендикулярни қулайроқ ўтишини ҳисобга олган ҳолда, аввал унинг биринчи горизонтал ёки фронтал проекцияси ихтиёрий танлаб олинади. Чизмада S нуқтанинг горизонтал S' проекцияси олинган (1- расм, а). Сўнгра танлаб олинган S нуқтанинг проекцияси билан битта проекцияси устма-уст ётувчи текисликнинг T (S'≡T' ёки S''≡T'') нуқтасининг проекциялари аниқланади. Яъни дизайн асосида вазияти изланаётган S нуқта билан текисликнинг рақобатлашувчи нуқтасининг проекциялари ясалади. Чизмада T (T',T'') нуқта текисликнинг (EF) тўғри чизиғида ётади.




A) 1-расм B)

2. Юқорида келтирилган таърифга асосан, S ва T нуқталарнинг устма-уст ётмайдиган проекциялари орасидаги масофа таҳлил қилинади. Ҳамда уни иложи борича каттароқ, камида 50-60 мм узоқликда олиб, S нуқтанинг иккинчи проекцияси аниқланади. Чизмада T'≡S' бўлганлиги учун S нуқтанинг иккинчи проекциясини аниқлашда, уни T'' нуқтадан мумкин қадар узоқроқда, масалан S'' нуқтада олинган. Натижада бундай масалаларнинг дизайн асосида берилишига осонгина эришилади.

Агар чизмада T ва S нуқталар фронтал проекциялар текислиги V га нисбатан рақобатлашувчи бўлса, яъни T''≡S'' бўлса, S нуқтанинг иккинчи проекциясини аниқлашда, уни T' нуқтадан иложи борича узоқроқда,

масалан S' нуқтада олинади (1- расм,б ).

Текисликда ётувчи ва S нуқта билан рақобатлашувчи Т нуқтанинг проекцияларини топишдаги ясашлар педагог-ўқитувчининг онгида фикран кечаётганлиги учун, график амаллар штрих чизиқлар билан кўрсатилган.

Бундай масалаларда берилган текислик учбурчак кўринишидан бошқа кўринишда ёки излари билан берилган бўлишидан қатъий назар, масалаларда, унинг дизайн асосида берилишига юқорида келтирилган икки амалли алгоритм асосида эришилади.

2- расмда S нуқта билан излари орқали берилган Р текислик орасидаги масофани аниқлаш масаласининг берилишини дизайн талаблари асосида танлаш кўрсатилган. Чизмада аввал S нуқтанинг фронтал проекцияси S'' танлаб олинган. Сўнгра Т ва S нуқталар V га нисбатан рақобатлашувчи, яъни T''≡S'' қилиб олинган, S нуқтанинг горизонтал S' проекцияси T' нуқтадан иложи борича узоқроқда олинган (2- расмда S' га қаранг).




2- расм




3- расм




4- расм

3- расмда а ва b учрашмас тўғри чизиқлар орасидаги қисқа масофани топиш масаласида уларнинг берилишини дизайн асосида танлаш кўрсатилган. Бунинг учун а ва b тўғри чизиқлар ҳар иккала проекциялари ихтиёрий қилиб ўтказилади. Масалани дизайн асосида берилишига рақобатлашувчи нуқталардан фойдаланиб қуйидагича эришилади:

1. Фикран айқаш тўғри чизиқларнинг горизонтал ёки фронтал проекцияларини ўзаро кесишгунча давом эттириб, уларда ётувчи рақобатлашувчи нуқталари аниқланади. Чизмада бундай нуқталар К ва Т нуқталар бўлсин. Бу амаллар фикран бажарилганлиги учун барча график ясашлар штрих чизиқлар билан кўрсатилган.

2. Бу рақобатлашувчи нуқталар орасидаги масофалар таҳлил қилинади. Агар Т ва К нуқталар орасидаги масофа 30-40 мм дан катта бўлса, масалани берилиши дизайн асосида танланган бўлади. Агар бу нуқталар орасидаги масофа кичик бўлса, изланаётган масофа ҳам кичик ва масаланинг ечими кўринимсиз бўлади. Шунинг учун а ёки b тўғри чизиқнинг вазиятини ўзгартириб, Е ва F ёки К ва Т нуқталар орасидаги масофани иложи борича катталаштирилади. Натижада, бундай масалаларнинг берилишини тўғри ва дизайн асосида танланишига эришилади.

Агар а ва b учрашмас тўғри чизиқлардан бирортаси проекцияловчи ёки уларнинг бирорта проекциялари ўзаро параллел бўлса, улар орасидаги масофа Н га ёки V га ўзгармасдан тасвирланади (1). Бундай вазиятда учрайдиган айқаш тўғри чизиқларнинг берилишини дизайн асосида танлаш учун, уларда ётувчи рақобатлашувчи нуқталар орасидаги масофа бу ҳолда ҳам мумкин қадар узоқроқда олинади. Шунингдек, бундай учрашмас тўғри чизиқларни нуқта ва тўғри чизиқ ёки икки параллел тўғри чизиқ бўлиб тасвирланган проекциясида, улар орасидаги масофани иложи борича каттароқ олинади (4-расм).

5-расм, а) ва б) ларда икки ёқли бурчак қийматини аниқлаш масаласида унинг берилишини тўғри танлаш кўрсатилган.

Бундай масалаларнинг берилишини тўғри танлаш учун, яъни изланаётган бурчак катталиги кичик бўлмаслиги учун икки ёқли бурчак томонлари битта текисликда ётмаслиги керак. Акс ҳолда изланаётган бурчак катталиги 0 га тенг бўлиб қолади. Бунинг учун икки ёқли бурчакнинг биринчи горизонтал ёки фронтал проекцияси ва унинг исталган бир ён томонининг иккинчи проекцияси чизиб олинади. Чизмада унинг биринчи проекцияси - фронтал A''B''C''D'' проекцияси ва унинг масалан, ABD ён томонининг горизонтал проекцияси ихтиёрий танлаб олинган бўлсин.

Рақобатлашувчи нуқталардан фойдаланиб, бу масалани дизайн асосида берилишига қуйидагича эришилади:

1. Икки ёқли бурчакнинг АВС томонининг иккинчи горизонтал проекциясини ясаш учун, фикран унинг иккала проекцияси тасвирланган ABD томонининг текислигида, С нуқта билан рақобатлашувчи Т нуқтасининг проекциялари ясалади: 5- расм, а) да C''≡T'' ва Т нуқта ABD текисликнинг В1 тўғри чизиғида ётган бўлсин. 5- расм, б) да эса T''≡ C'' ва Т нуқта ABD текисликнинг D1 тўғри чизиғида ётган бўлсин.




а) 5- расм б)




6- расм

2. Юқорида келтирилган таърифга асосан C нуқтанинг горизонтал C' проекциясини T' нуқтадан узоқроқда танлаб олинса, изланаётган бурчак катталиги ҳам каттароқ бўлади ва масаланинг ечими кўринимли бўлади. Шу асосда бундай масалаларнинг берилишини дизайн асосида танлашга эришилади.

Агар T' ва C' нуқталар орасидаги масофа кичик ёки T'≡C' бўлса, иккиёқли бурчак катталиги 0 га тенг бўлиб, масала кўринимсиз ечимга эга бўлиб қолади.

Шунингдек, икки ёқли бурчакнинг дизайн асосида берилишини танлашда унинг айқаш AC ва DB томонларидан ҳам фойдаланиш мумкин (6-расм).

Чизмада ABCD икки ёқли бурчакнинг фронтал проекцияси ва ABD томонининг горизонтал проекцияси берилган бўлсин.

Бунинг учун AC ва DB айқаш томонларида ётувчи рақобатлашувчи K ва T нуқталарнинг проекциялари ясалади, K''≡T''. AC томонда ётувчи T нуқтанинг горизонтал T' проекциясини K' нуқтадан мумкин қадар узоқроқдан танлаб олиб, A'C' ўтказилади ва икки ёқли бурчакнинг ABC томонининг горизонтал проекцияси ясалади. Шу асосда бундай масалаларнинг берилишини дизайн асосида танлашга эришилади.

Агар чизмада ABCD икки ёқли бурчакнинг горизонтал проекцияси ва ABD томонининг фронтал проекцияси берилган бўлса, AC томонда ётувчи T нуқтанинг фронтал T'' проекциясини K''' нуқтадан иложи борича узоқроқдан танлаб олинади.

Агар икки ёқли бурчакнинг ён текисликлари кесишмаган бўлса ва улар излари билан берилган бўлса, бундай масалаларнинг берилишини тўғри танлашда текисликларнинг излари ўзаро параллел ва бирининг бир изи, агар у проекцияловчи бўлса, иккинчи текисликнинг бирор изига перпендикуляр бўлмаслиги керак. Акс ҳолда изланаётган бурчак тегишлича $180^0$ га ёки $90^0$ га тенг бўлади.

Шундай қилиб, юқоридаги баён қилинган рақобатлашувчи нуқталар усулидан фойдаланиб, масалаларнинг берилишини дизайн талаблари асосида методик тўғри танлаш мумкин. Бу эса амалий машғулотларни ўтаётганда масала ечимининг кўринимли ва ишонарли чиқишини кафолатлайди.

**Адабиётлар**

1. www.e-reading.club. Ткачева М. Педагогическая психология: конспект лекций. online учебник.

2. Murodov Sh., Xakimov L., Xolmurzayev A., Jumayev M., To'xtayev A. Chizma geometriya. –Toshkent: Moliya-Iqtisod, 2006, 241-b.

3. Rixsiboyev T., Ashirboyev A., Xoshimova X. Chizma geometriya masalalarini tanlashning ba'zi usullari. TDPU, 2007..

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада нуқта билан текислик ва айқаш тўғри чизиқлар орасидаги масофани ҳамда икки ёқли бурчак қийматини аниқлаш каби метрик масалаларнинг берилишини рақобатлашувчи нуқталар усулидан фойдаланиб, дизайн асосида оптимал танлаш методикаси баён қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье изложена методика оптимального выбора задания метрических задач, таких как нахождение кратчайшего расстояния от точки до плоскости, и между скрещивающимися прямыми, способом конкурирующих точек на основе дизайнерских требований, чтобы решение задач получилось более наглядным, достоверным и не выходило за рамки чертежа.

**SUMMARY**

Methods of the optimum choice of the task of the metric tasks is stated in the article, they are: as finding of the shortest distance between point and plane, and between lines of crossbreeding, by way of the rival points on the basis of design requirements so that the decision of the problems was got more demonstrative, reliable and was not beyond the scope of drawing.

## BOSHLANG'ICH SINF TEXNOLOGIYA TA'LIMI DARSLARINING SAMARADORLIGINI OSHIRISHGA INNOVATSION YONDASHISH

**X.R.Sanakulov** – *pedagogika fanlari nomzodi, docent*
*Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti*
**A.R.Sanakulova** - *katta o'qituvchi*
*TVCHDPI huzuridagi XTXQTMO markazi*

**Tayanch so`zlar:** mehnat, ta'lim va tarbiya, o'quvchilar, rangli qog'oz, karton,qaychi, qo`l mehnati, qirqish, yelimlash.

**Ключевые слова:** труд, образование и воспитание, учащиеся, ножницы, цветная бумага, картон, ручная работа, резать, клеить.

**Key words:** work, education and upbringing, students, scissors, colored paper, cardboard, hand work, to cut, to glue.

Respublikamizda ta'lim tizimini isloh qilishdan ko'zlangan asosiy vazifalardan biri ta'lim jarayonida o'qitishning zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy etish, yoshlarda kitobxonlikga bo`lgan qiziqishini oshirish, ularni har tamonlama yetuk, mustaqil fikrlovchi, intellektual salohiyatga ega bo'lgan yosh avlodni tayyorlashdir.

Ma'lumki, ta'limda o`qitishning innovatsion didaktik vositalari ya`ni, audio, video, chizma grafika va animatsiyalar foydalanish, zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarining samarali usullarini qollash muhum hisoblanadi. Jumladan ,boshlang`ich ta'limda o'qitishning muhim vazifalardan biri o`quvchilarni texnologiya darslarida mustaqil fikirlashga undashi, intellektual salohiyati yuqori bo`lgan yosh avlodni tayyorlashdan iboratdir.

Boshlang'ich sinf texnologiya ta'limi darslaridagi ta'lim-tarbiyaviy vazifalar umumiy o`rta ta'lim maktablaridagi texnologiya ta'limining umumiy vazifalaridan kelib chiqib, quyidagi ish turlarida amalga oshiriladi: a) qog`oz va karton bilan ishlash; b) gazlama va tolal imateriallar bilan ishlash; d) tabiiy va turli materiallar bilan ishlash; c) badiiy qurish-yasash va texnik modellashtirish.

Texnologiya darslari xavfsizlik texnikasi qoidalariga rioya qilgan holda tashkil etiladi. Boshlang`ich sinf texnologiya darslarida o`quvchilarni aqliy va jismoniy mehnat turlari**,** kasblar bilan tanishtirish, kasb tanlashga tayyorlash, mehnatni qadrlash, o`quvchilarda dastlabki nazariy va amaliy mehnat tajribalarini hosil qilish, zamonaviy multimediali vositalar borasidagi bilimlari doirasini yanada kengaytirish, kishilar mehnati va mehnat jarayoniga nisbatan ijobiy munosabatda bo`lishga tayyorlash, o`ziga topshirilgan har qanday ishni chin yurakdan uddalay bilish, did-farosatli hamda mehnat qurollari, vositalari, jarayonlari, hududiy ishlab chiqarishning asoslarini o`rgatish, texnika va mehnat ta'limi multimediali vositalar zamonaviy (texnologiya) asosida egallanayotgan kasb-hunar sohasi xususiyatlari, shu sohaning ilg'or vakillari faoliyati bilan tanishtirish orqali kelajak hayotga tayyorlash nazarda tutiladi.

Boshlang'ich sinf texnologiya fanlarini, ilmiy-metodik adabiyotlarni o`rganish natijalari shuni ko`rsatadiki, texnologiya fani bo`yicha o`quv mashg'ulotlarini

o`qitishning yangi usullaridan foydalanib, aniq amaliy ishlanmalarga tayangan holda tashkil etish lozim. Shundagina o`quvchilarda kasb-hunar tushunchalarini shakllanish darajasi jadal kechadi. Bu esa, o`z navbatida, boshlang’ich ta’limda texnologiya ta’limi yo`nalishidagi dapsliklarning jiddiy ravishda qayta ishlab chiqilishini taqozo etadi. Kelgusida yaratiladigan o`quv qo`llanmalar, ayni paytda mavjud qo`llanmalardan tuzilishi va mazmuni, o`quv materiallarining takomillashganligi bilan farq qilishi lozim. Boshlahg‘ich texnologiya ta’limi mazmunining asosiy tashkil etuvchilari hisoblangan fundamental va amaliy xarakterdagi o`quv materiallari har bir ta’lim muassasasining ta’lim va ixtisoslik yo`nalishidan kelib chiqadi. O`quv materiallari milliy qadriyatlar zamirida yetakchi nazariya va qonuniyatlar atrofida umumlashtiriladi.Boshlang’ich ta’lim muassasalarida texnologiya ta’limi uchun har bir sinflarda 34 soatdan vaqt ajratilgan. Texnologiya ta’limi bo`yicha mavjud bo`lgan o`quv reja, dasturlarni va darslik, o`quv qo`llanmalarni qiyosiy tahlil etish, ta’lim texnologiyalar asosida mehnat ta’limini amalda joriy etish hamda predmetlararo bog’lanish asosida mehnat ta’limi o`qitish usullarini o`rganish shundan dalolat beradiki, o`quvchilarda kasb-hunar tushunchalarini shakllantirishga yo`naltirilgan mashg’ulotlar haligacha tashkil etilmagan.Shu bois texnologiya darslariga yangicha integrattsion yondashgan holda darslarni tashkil etishni quyidagi darslar misolida ko`rib chiqamiz.

*Mavzu: Qog’oz va kartonni oddiy usullar bilan buklab usullari. (2-sinf)*

O`qituvchiga tavsiya: Qog`oz vakartonni oddiy va murakkab usullarda buklash. Qog`oz va kartonlarni oddiydan murakkab usulda buklab, buklash chiziqlar gragikasi chiziqli shakllar va burchaklar hosil qilish. Buklash chiziqlari orqali qog`oz va kartonlardan har xil maketlar yasash (mashina, daraxt, har xil gul shakllar, mushukcha, ot, quyoncha, sumkacha, soat, qayiqcha, xo`tikcha, kitob, qo`ziqorin, savatcha, kapalak, tuzdon, qurbaqa, oqqush, quloqli shapka, soyabonli shapka, qaldirg`och). Boshlang’ch sinflarda ta’lim datexnologiya darslarini olib borilishi. 1-soatlik dars ishlanmasi.

| | |
|---|---|
| Mavzu | Qog’oz va kartonni oddiy usullar bilan buklab usullari. (2-sinf) |
| Darsning maqsad | Ta’limiy maqsad: Cho`lda yashovchi hayvonlar haqida tushuncha berish . Qog’oz va kartonlardan buklash usulida mushukcha va xo`tikcha shaklini yasash usullarini o`rgatish.<br>Tarbiyaviy maqsad: Hayvonlarga ozor bermaslik.Xavfsizlik qoidalariga rioya qilishni tarbiyalash.<br>Rivojlantiruvchi maqsad:Kasb turlari haqida ma’lumo tberish va qiziqishn ishakllantirish. |
| Darsning jihozlari | Ko`rgazmali vositalar: Multimediali vositalar slaydlar.<br>Ishjihozlari: Rangli qog’oz va kartonlar to`plami, qaychi, qalam, chizg’ich, yelim, lattava ip. |
| Darsni amalga oshirish texnologiyasi | Uslub: Suxbat va savol-javob bayon qilish, tushuntirish, tahlil qilish, ko`rgazmalilik, “Aqliy hujum”, amaliyish.<br>Shakl: Amaliy mashg’ulot<br>Baholash: 5 ballik tizimda baholash |
| Darsni amalga oshirish bosqichlari | Tashkiliy qism: 7 daqiqa<br>Darsga tayyor bo`lish 3-daqiqa<br>Uy vazifalarini tekshirish 10-daqiqa<br>Asosiy qism: 28 daqiqa<br>Aqliy hujum 10-daqiqa<br>Yangi mavzu bayoni etish 3-daqiqa<br>Amaliy ish 10-daqiqa<br>Kasblar bo`yicha ma’lumot 7-daqiqa<br>Yakuniy qism: 5- daqiqa<br>O`quvchilar ishini baholash 5-daqiqa<br>Topshiriqlar berish 2-daqiqa |

Amaliy ish bosqichlari o`rganilgandan so`ng, o`quvchilarni kasb-hunarga yo`naltirish ishlari olib boriladi. Baliqlar bilan shug’ullanuvchi kasb egalari to`g’risida boshqotirma beriladi. O`quvchilar boshqotirmani mustaqil bajaradilar.Masalan,belgilar o`rniga harflarni qo`yib baliq tutuvch kasb egasi nomini toping.






Boshqotirma natijalari e'lon qilingan so`ng, o`quvchilarga baliqchi to`g'risida ma'lumotlar beriladi.

| | |
|---|---|
| Baliqchi fursat kutar, | Ov bo`lishi uchun zo`r. |
| Baliqchi baliq tutar. | Izlar baliq ko`p joyni |
| Baliq tutish vaqti bor, | Daryo, ko`l yoki soyni. |
| Bunga berar e'tibor. | Qayiqda daryo kezar |
| Tashlar qarmoq yoki to`r | Yaxshi ov joyin sezar. |

Xulosha qilib oladigan bo`lsak boshlang'ich sinflarda o`quvchilarni texnologiya fanlariga bo`lgan qiziqishini yuksaltirish bilim, ko`nikma va malakalarni oshirish. Har bir dars mashg'ulotida o`quvchilarni kasblar bilan tanishtirish. Mehnatga qiziqish hamda insonparvarlikka, vatanparvarlikka, mehnatsevarlik va ota-onaga bo`lgan muhabbatini shakllantirish. Zamonaviy texnika borasidagi bilimlari doirasini yanada kengaytirish, ularda o`ziga topshirilgan vazifalarga mustaqil fikrlar asosida yondashish va uddalay bilish, o`z ishini va o`rtoqlarining ishlarini rejalashtirish hamda tashkil eta olishga o`rgatish orqali kelajakda yetuk bir kasb egasi bo`lib yetishishiga imkoniyatlar yaratib berishdir.

**Adabiyotlar**


1. Sanaqulov X.R., Xodieva D.P., Satboeva M. "Mehnat va uni o`qitish metodikasi" –Toshkent: 2015.
2. Sanaqulov X.R., Xodieva D.P. "Mehnat ta`limidan amaliy ishlar" TDPU, 2007.
3. Sanaqulov X.R., Xodieva D.P., Sanaqulova A.R. "Mehnat ta'limi" Ikkinchi sinf o`quvchilari uchun darslik. -T.: "Sharq" 2016.
4. Ergashev Sh.va boshqalar. "Kasblar alifbosi"Ўкув кўлланма. "Yurist-mediamarkazi" 2008.
5. Pereverten V. "O`quvchilarda ijodkorlikni shakllantirish". -T.: "O`qituvchi". 1990.



**REZYUME**

Ushbu maqolada boshlang'ich sinf texnologiya darslarida o`quvchilarni kasb-hunarga yo`naltirishga oid metodik tavsiyalar berilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье приведены методические рекомендации по профориентации учеников начальной школы на уроках труда.

**SUMMARY**

The article provides guidelines and methodical recommendations for primary school students at the labor classes.


## СОЦИАЛ ИНТТЕЛЛЕКТ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА


**Д.А.Собирова** – *психология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент*

*Бухоро давлат университети*



**Таянч сўзлар:** социал интеллект,касбий компетентлик, касбий маҳорат, касбий позиция, когнитив, эмоционаллик, социал мослашувчанлик, КОСКОМ-2.

**Ключевые слова:** социальный интеллект, профессиональная компетентность, профессиональные навыки, профессиональное положение, познавательная, эмоциональная, социальная гибкость, КОСКОМ-2.

**Key words:** social intellect, professional competence, professional skills, professional position, cognitive, emotional, social flexibility, КОСКОМ-2.


Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида тиббиёт ходими фаолиятига қўйиладиган талаблар унинг ҳам касбий, ҳам шахсий камолоти билан боғлиқ масалаларни ўз ичида қамраб олгандир. Шу боисдан тиббиёт ходимлар фаолиятининг индивидуал-психологик ва ижтимоий-психологик компонентлари ролини тўғри белгилай олиш унинг касби камолоти муҳим шарти сифатида намоён бўлади. Бугунги кунда ушбу муаммоларини психологик тадқиқ этиш тиббиёт ходими фаолиятининг турли жабҳаларини ўрганишга эришганлигини кўрсатса-да, аммо унинг ижтимоий-психологик жиҳатларини эътибордан четда қолдириб бўлмаслигини ҳам тасдиқламоқда.

Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасининг ривожланиши, биринчи навбатда, ушбу жараённи ташкил этувчи, бошқарувчи, назорат қилувчи тиббиёт ходимларининг дунёқараши ва тафаккуридаги ўзгаришларга, яъни уларнинг касбий компетентлигига бевосита боғлиқ

Тиббиёт ходимларининг касбий маҳорати ва компетентлигининг ўзаро алоқадорлиги масаласи бир қатор педагогик-психологик адабиётларда очиб берилган. Унда касбий маҳоратни туғма хусусиятлар ва фазилатлар билан шартли белгиланмаслиги таъкидланган ва шу билан бирга ушбу маҳоратнинг касбий компетентлик билан шартланганлик ҳолати алоҳида қайд этилган. Демак, тиббиёт ходимлари касбий компетентлигининг тўлиқ тузилмаси мотивацион-йўналтирувчи бўғин, ривожлантирувчи, тузатувчи коррекцион ва касбий маслаҳат характерига эга бўлганлиги билан характерланади.

Шу нуқтаи назардан тиббиёт ходимлари социал интеллектини ўрганиш жараёнида ҳар бир тиббиёт ходимининг социал психологик компетентлиги ва унинг ўзига хос имкониятларини ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагиларга асосланиб тадқиқотимизда тиббиёт ходимларининг касбий компетентлиги, унинг социал интеллектига ҳам боғлиқ деган мулоҳазани илгари сурган ҳолда тиббиёт ходими социал интеллекти ва социал психологик компетентлик ўртасидаги уйғунликни ўрганишни мақсад қилиб олдик.

Эмоционаллик билан социал интеллект тушунчаларини мазмунан таҳлил этганда, бир биридан фарқ қилувчи ҳолат кузатилади, яъни интеллект тушунчасининг когнитив жиҳатдан инсон онги билан боғлиқ эканлиги, эмоционаллик ва социаллик эса шахс фаолиятининг аффектив соҳасига яқинроқ эканлигини ифодалайди,аммо муаммонинг мазмунида акс этаётган икки тушунчани таҳлил этишда бошқачароқ позициядан туриб ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Эмоционал интеллект шахснинг эмоциялари, уларнинг ифодаланиши ва тартибга солинишини билдиради.) [5].

Тиббиёт ходимлар социал инттеллектини тадқиқ этиш дастуридан кутилаётган ғоянинг туб замирида шифокорнинг касбий фаолияти ва касбий компетентлигининг юқори натижаларга эришишига йўналтиришини таъминлашдан иборат.

Биз социал интеллектга доир изланишларга таяниб тиббиёт ходимлари социал интеллектини белгиловчи мезонлар мажмуасини қуйидагиларга ажратдик.

1. Когнитив**;**

1.1.Инсонлар ҳақида, ўзга инсонларни тушунишнинг махсус қоидаларини билиш;

1.2. Социал хотира−инсонларнинг қиёфаси, исмини ўзлаштиришга йўналтирилган хотира;

1.3.Социал интуиция –инсонларнинг кайфиятини, туйғуларини, хатти-ҳаракатларини тушуниш мотиви, социал мазмундаги хулқ-атворни мос тарзда кузатув

чанлик қобилияти;

1.4. Социал воқеликни башорат қила олиш−шахсий хатти-ҳаракатлари режасини шакллантириш, ўзининг-фаолиятини жипслаштириши, шахсий фаолиятини бошқалар кўзи билан кўра олиши ва фойдаланилмаган муқобил имкониятлар орқали баҳолаш.

1. Эмоционал;

2.1. Социал ифодалалилик — эмоционал ифодалилик, эмоционал сезгирлик, эмоционал назорат ўрнатиш;

2.2.Биргаликда қайғуриш —ўзга инсонларнинг ҳолатига кира олиш, ўзини бошқалар ўрнига қўя олиш қобилияти.

2.3. Ўз-ўзини тартибга солиш қобилияти — ўзининг эмоцияси ва кайфиятларини тартибга солиш уқуви.

3. Хулқий;

3.1. Социал идрок-суҳбатдошни тинглаш малакаси,ҳазил-мутойибани тушуниш;

3.2. Социал ўзаро таъсирлашув – ҳамкорликда ишлашга шайлик ва қобилиятлилик, ўзаро жамоавий таъсирлашувга қобилиятлилик;

3.3. Социал мослашувчанлик – тушунтира олиш ва бошқаларни ишонтира олиш уқуви, ўзга кишилар билан чиқишиб кетиш қобилияти, атрофдагилар билан муносабатларда самимийликнинг намоён этилиши) [1].

Ушбу ажратилган мезонлар тиббиёт ходимлари социал интеллектини ифодаловчи ҳар бир баҳолаш тартибини шакллантириши мумкин бўлади. Ушбу дастур фаолият жараёнида социал интеллектнинг ривожланишини ташкил этувчи умумий йўлланма сифатида хизмат қилади. Дастурнинг яхлит мазмуни тиббиёт ходимлари социал интеллектини тадқиқ этиш борасида изланишимизнинг тўлалигини таъминлайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тиббиёт ходимларининг социал интеллектини таъминлашга қаратилган психологик ёндашув йўлларини излашга бўлган эхтиёжнинг тобора ортиб бораётгани психологлар олдига давлат ва жамият аҳамиятига эга бўлган муҳим тадқиқотларни олиб бориш ва бу борадаги барча муаммоларни бартараф этишга астойдил киришиш вазифасини юкламоқда. Чунки социал интеллект ва социал компетентлик ўртасидаги уйғунликни ўрганмай туриб, тиббиёт ходимларининг социал интеллектини ошириш борасидаги чора-тадбирлар кўламини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш асло мумкин эмас.

Психологик тадқиқотларда социал интеллектнинг структурасини ўрганиш борасидаги изланишлардан кўра, умумий интеллектнинг тузилишига дахлдор ёндашувлар анчагина эканлигини кўзга ташланади (Г.Айзенк, Р.Б.Кеттелл,Терстоун, Дж.Гилфорд ва бошқалар) [3]. Бугунги кунда ҳам социал интеллект муаммосида энг аҳамиятли психологик модел сифатида Дж. Гилфорднинг назариясига алоҳида эътибор қаратилади) [3].

Жамият тиббиёт ходимлари шахсига юқори талаблар қўяр экан, унда психологик етуклик, касбий самарадорлик ва социал талабчанликка эришишни таъминловчи социал компетентликни тақозо этади. Биз тиббиёт ходимлари социал интеллектининг ўзига хослигини ўрганиш баробарида социал компетентлигини ўрганишга мурожаат қилишни лозим топдик.

Бунинг учун тиббиёт ходимларининг социал компетентлигини аниқлашда В.Н.Куницынанинг «КОСКОМ-2» сўровномасидан фойдаландик (Коммуникатив ва социал компетентликни аниқлаш) [6].

Бу сўровнома оркали тиббиёт ходимларининг социал интеллекти билан социал-психологик компетентлик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш орқали муаммонинг янги қирраларини ўрганиш имкониятига эга бўлиш мумкин Шунингдек, тиббиёт ходимлари социал интеллекти шахслилик сифатлари, шахслик типлари, эмоционал интеллекти билан ўзаро муносабатларини ўрганиш сингари уларнинг социал-психологик компетентлигини билан боғлиқ хусусиятларига эътибор қаратилди. Бу эса тиббиёт ходимлари социал интеллектидаги бошқа жиҳатларни ёритишга ҳам ёрдам беради. Тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлиги ва коммуникатив компетентлигини ўрганишда қатор жабҳалар асосида ёритилди. Дастлаб тиббиёт ходимларининг социал ва коммуникатив компетентлигини аниқлашдан олинган кўрсаткичлар тиббиёт ходимларининг босқичларга кўра фоиз ҳисобида аниқланди ва сўнгра социал интеллектлари билан ўзаро корреляция муносабатлари аниқланди.

Тиббиёт ходимларининг социал-психологик компетентлиги ва коммуникатив компетентлиги тақдим этиган ўн бешта банд бўйича аниқланди. Олинган эмпирик натижалар шуни кўрсатдики, тиббиёт ходимларининг социал компетентлигини ифодаловчи кўрсаткичлар вазифасига кўра ҳам фарқ қилар экан..

*Тиббиёт ходимларининг социал интеллекти билан социал компетентлилигининг умумий кўрсаткичлариорасидаги корреляцион боғланиш натижалари*

| | Шкалалар | Социал интеллект | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш | Новербал мулоқот ҳаракатла рини тушуниш | Вербал мулоқот ҳаракатла рини тушуниш | Шахслараро ўзаро таъсирлашув-ни таҳлил этиш |
| Социал компетентлик | Инсонларни тушуниш | -0,109 | -0,023 | -0,059 | -0,151 |
| | Вазиятларни тушуниш | 0,060 | 0,236** | -0,022 | 0,003 |
| | Уддабуронлик | -0,012 | 0,198* | -0,009 | -0,009 |
| | Ахлоқий установкалар | 0,038 | -0,044 | 0,054 | 0,006 |
| | Муваффақиятга эришганлик мотивацияси | 0,130 | 0,068 | 0,017 | 0,043 |
| | Эмоционал барқарорлик | 0,172* | 0,025 | -0,059 | -0,033 |
| | Имидж | -0,121 | -0,115 | -0,124 | 0,293** |
| | Социал психологик компетентлик | 0,024 | 0,097 | 0,088 | 0,140 |
| | Вербаль компетентлик | 0,193* | -0,075 | 0,012 | 0,115 |
| | Оператив социал-психологик компетентлик | 0,038 | -0,021 | -0,119 | 0,247** |
| | Эго компетентлик | -0,146 | 0,027 | -0,065 | -0,142 |
| | Коммуникатив компетентлик | 0,063 | 0,001 | 0,148 | 0,310** |
| | Ишончлилик | 0,137 | -0,018 | 0,053 | 0,227** |
| | Барқарор инсоний муносабатлар | 0,115 | -0,031 | 0,017 | 0,096 |
| | Шахслилик коммуникатив имконияти | -0,200 | 0,042 | -0,064 | 0,282** |

Изоҳ: * p≤ 0,05, *** p≤ 0,01

Бугунги кунда бундай муаммоларни ҳал этишнинг икки йўналиши мавжуд: биринчидан, қайта тайёрлаш курсларига алоқаси бўлмаган ўқитувчиларни "лаборатория" сертификатлаш ва тест қилиш методикаси такомиллашмоқда. Бироқ, уларни ишлаб чиқарувчилар учун муайян талаблар қўйилган. Бундай имтиҳон (сертификатлаш) тартиб қоидаларини амалга ошириш (масалан, АҚШда Teacher's License томонидан олиб бориладиган Education Testing Service лицензиялар) давомида ўқитувчи хатти-ҳаракатларининг ҳақиқий ҳолатини кўриш мумкин.

Олий таълим соҳасида бўлгани каби, ўқитувчилар малакасини ошириш соҳасида ҳам таълим йўналишлари мослашувчанлигини ва мустақил танловнинг аҳамиятини оширишга йўналтирилган ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, узлуксиз касбий ривожланишнинг энг кенг тарқалган усулларидан бири, умумий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, ўқитувчиларнинг компетенцияларини ривожлантириш ва уларнинг малакасини ошириш учун тажрибали ўқитувчилар жамоаларини шакллантиришдир.

Бундай тармоқларнинг асосий вазифаси – ўқитувчилик фаолияти давомида ҳамкасблари томонидан топланган амалий билимларни ўзаро алмашишдан иборат. Ушбу билимлар муайян ўқитувчининг ҳамкасблари учун фақатгина ҳақиқий ҳамкорлик шароитида мавжуд бўлиши мумкин. М.Фуллан ушбу жараённи интерфаол касбий ривожланиш деб атайди.

Ўқитувчиларни ўқитиш сифатини назорат қилиш ва ушбу сифатни бошқариш вазифаси уларни тайёрлаш марказига (Teacher Training Agency) топширилган. Бу эса самарали ишлайдиган олий ўқув юртларига маблағ ажратиш ваколатига эга бўлди. Бу мактаблар учун тайёрланган сифатли кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ. Бу бир қатор факультетларнинг кенгайиши ва самарасиз тузилмаларни ёпилиши, энг илғор таълим шаклларини қўллаб-қувватлаш ва, энг асосийси, ўқитувчиларга ўқитиш имкониятларини кенгайтиришга олиб келди.

2006 йилга келиб ўқитувчиларни тайёрлаш маркази ўқитувчиларни касбий ривожлантириш маркази (Teacher Development Agency, TDA) номи билан ўзгартирилди. Бироқ, бу жараёнда нафақат марказнинг номи, балки мазмуни ҳам ўзгарди [3].

Россия Федерациясида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жуда муҳим ҳисобланиб, малака ошириш тизимидаги муаммоларни ҳал этиш таълим соҳасидаги ходимларни касбий ривожлантириш, касбий қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини модернизация қилиш бўйича амалга оширилган лойиҳа ғоясини илгари суради. Ушбу лойиҳа ўқитувчиларнинг қўшимча касб таълими дастурларини индивидуаллаштиришга қаратилган ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари бўйича шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Мазкур шарт-шароитларни яратишнинг асосий манбаи узлуксиз таълим жараёнида ўқитувчининг ўз-ўзини ривожлантириш тизими, шахсий таълим дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби илғор таълим тизими сифатида эътироф этилади [2:10-11].

Шундай қилиб, ўқитувчилар белгиланган муддатларда эмас, балки доимий касбий кўникмаларини ривожлантириб боришлари кераклиги эътироф этилган. Жуда қисқа муддат ичида ўқитувчиларни касбий ривожлантириш марказида ўқитувчилар малакасини оширишнинг янги тизими шакллантирилган. Ҳар йили 18 кун давомида мажбурий касбий ривожланишни назарда тутувчи янги қонунлар ишлаб чиқилди ва малакали ривожланиш учун маблағлари деярли бутун мактабларга кўчирилди. Бунда ҳар бир ўқитувчининг таълимга оид эҳтиёжлари ҳисобга олинган.

**Адабиётлар**

1. Левитес Д.Г. Теоретические основы моделирования образовательных технологий в условиях последипломного образования педагогов. Автореф. дис. … док.пед.наук. СПБ., 1998. -С. 22.

2. Мезенцева О.И. Развитие профессиональной компетентности современного педагога в системе повышения квалификации. / Монография. – Новосибирск: 2018. -С.226.

3. https://cyberleninka.ru

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада ривожланган мамлакатларда ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизими, ундаги ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, бугунги кунда мактабларнинг асосий вазифаси ўқувчиларга ҳаётининг охиригача у билан бирга қоладиган билим ва кўникмаларни сингдиришдан иборат эмаслиги, балки энг аввало, ўқувчига ҳаёти давомида янги билимларни сингдириш ва улардан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини эгаллашдан иборатлиги очиб берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются вопросы повышения квалификации учителей в развитых странах, их успехи и недостатки. Сегодняшняя основная задача состоит не только в том, чтобы привить знания и навыки, которыми наделены учащиеся, а, прежде всего, способности усваивать новые знания на протяжении всей своей жизни.

**SUMMARY**

The author of the article discusses teachers' qualifications upgrading in the developed countries, their success and disadvantages. It also explains that today's primary task is not only to inculcate the knowledge and skills that students are endowed with, but first of all, the ability to absorb and practise new knowledge throughout their lives.

# ХАМҚОРЛИК ПЕДАГОГИКАСИ АСОСИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КРЕАТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

**М.Умаралиева** - *мустақил изланувчи*

*Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ*

**Таянч сўзлар:** ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги, ривожлантириш, хамкорлик педагогикаси, креатив, технология, маҳорат, жиҳат.

**Ключевые слова:** профессиональная компетентность учителей, развитие, педагогическое сотрудничество, креативность, творчество, технология, мастерство, аспект.

**Key words:** professional competence of teachers, development pedagogical cooperation, creativity, technology, skill, aspect.

.

Дунёда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник ўзгаришлар таълим тизимига янги мураккаб талабларни қўймоқда. Бундай талаблар касбий, психологик ва ижтимоий зарур шахс сифатларини

уйғунлаштирувчи “компетентлик” тушунчаси билан аниқланади. Таълимнинг мақсад ва вазифаларининг янгидан англаниши, меҳнат бозорининг “билимли” битирувчидан компетентли битирувчи томон ўзгарганлиги кўплаб илғор хорижий давлатларнинг, яъни АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Хитой, Сингапур, Жанубий Корея таълим тизимларини компетентлик йўналишида ислоҳ қилишнинг асосий сабаблари ҳисобланади. Ислоҳотлар таълимнинг мақсад ва мазмунини, ўқитиш усуллари ва технологияларини, ўқиш натижаларини компетентлик талабларига асосан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Жаҳонда компетентлик – бу касбий фаолият моҳиятини ташкил этувчи функционал вазифаларни муваффақиятли хал этадиган билимлар, малака, кўникма ва шахсий сифатларнинг тизимли равишда намоён бўлиши, ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мотивлаштиришни такомиллаштиришда ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги, яъни уларнинг профессионаллиги, компетентли бўлиши алоҳида эътироф этилади. Бунда илғор илмий-техник тараққиёт талабларига мос ҳолда умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий компетентлилик борасидаги билимларини такомиллаштириш орқали касбий компетентлигини ривожлантириш технологиясини яратиш педагогик йўналишдаги тадқиқотлар орасида алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимининг инновацион характери, унинг юқори билим даражаси, битирувчиларни тайёрлаш масалаларининг аҳамияти педагогга бўлган талабларнинг ўзгаришига ва юқори малака хамда касбга бўлган ижодий ёндашувнинг аҳамиятини оширишга олиб келмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва таълимни тижоратлаштиришнинг ортиб бориши ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожлантиришга бўлган муносабатларини ўзгартиришда мухим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган “жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш” [1] масалалари умумий ўрта таълим муассасалари да устувор вазифа сифатида белгиланди.

Илмий ва педагогик адабиётларда “компетентлик” тушунчаси инсоннинг шахсий малакаси мажмуаси сифатида устунликка эга.

Тадқиқотлар бизга “компетентлик” тушунчасини комплекс сифат тариқасида кўриб чиқишга имкон беради. Бу алоҳида шахс хусусиятларининг ўзаро алоқаси ва таъсирини ўз ичига олади: тадқиқот, илмий ва профессионал, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва мафкуравий. Шахснинг ҳар бир сифати, таркиби ва мазмуни профессионал фаолият йўналишига боғлиқ бўлган ўзгарувчан қисмлар билан тавсифланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун педагогнинг ўзи юқоридаги хусусиятларига эга бўлиши керак. Шу муносабат билан, таълим-тарбия психологияси учун амалий вазифа сифатида педагогик фаолиятда ижодий қобилиятларни шакллантириш ва ўқитувчининг ижодий компетентлилигини шакллантириш масаласи кўндаланг туради. Касбий компетенликда ижодкорлик хусусияти педагог томонидан бажарилган ишларнинг сарҳисобини берувчи ҳамда янги касбий маҳсулотлар яратиш учун восита ва шахснинг ижодий қобилиятини ишга солган ҳолда юқори натижаларга эришиш замирини яратувчи тизим сифатида характерланади. Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси ва мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг касбий фаолиятининг ижодий маҳсулоти ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унда қабул қилинган қарорларнинг фойдалилиги, шунингдек, педагогик фаолиятнинг умумий самарадорлиги ҳамда энергия сарфини минималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда фаолиятни мақбул ташкил этишда ифодаланади. Бу эса умумий ўрта таълим ўқитувчисининг креатив компетентлилиги ҳисобланади.

Креатив компетентлик – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олишдир.

Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчисининг касбий ижодкорлик муаммоси деярли ўрганилмаган. Гарчи педагогик фаолият соҳасидаги психолог-мутахассисларнинг кўпчилиги – ижодкорликни педагогик фаолиятнинг моҳияти деб ҳисобласада (Н.В.Кузмина, Г.С.Сухобская, Ю.Н.Кулюткин, В.В.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, ЛМ Митина, М.М.Кашапов ва бошқалар) профессионал ижодкорлик назарий ва амалий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган муаммо ҳисобланади.

Ижодкорлик – бу сифат жиҳатидан янги, оригинал ва такрорланмас бирор янгиликни пайдо қилувчи фаолиятдир.

Қобилият – шахснинг индивидуал-психологик хусусияти бўлади, муайян фаолият юзасидан лаёқати ва ишни муваффақиятли амалга ошириш субектив шарт-шароитини ифодаловчи индивидуал психик сифатлар йиғиндисидир.

Бундан кўриниб турибдики, касбий фаолият самарадорлиги бир умрга берилган махсус маълумотларга эмас, балки педагогнинг бугунги кун маълумотлар оқимида керакли маррани кўзлай олиш қобилияти, муаммоларга ечим топа олиши ҳамда кўйилган мақсадга эришиш йўлида зарур бўлаётган янги маълумотларни топа олиш ва уларни амалиётда қўллаш қобилиятига боғлиқдир. Ўқитувчининг ижодий қобилиятини ўрганиш, уни шакллантиришнинг амалий муаммоларини ҳал қилиш учун ушбу ёндашувнинг талаб ва чегараларини, унинг ўзига хослигини педагогика ва психология соҳасида ишлаб чиқилган бошқа илмий ёндашувларни аниқроқ тушуниш керак. Биринчи навбатда, психологик ва ўқув адабиётларда энг кўп айтиб ўтилганидек, қобилиятга асосланган ва шахсиятга йўналтирилган ёндашувни солиштириш керак. Ушбу иккита методологик ҳолатдаги асосий фарқлар қандай? Биринчидан, компетенция таълим натижалари сифатида – бу субектнинг қобилиятларини ривожлантириш учун давлат, иш берувчи ёки ота-оналарнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда буюртмачи томонидан ишлаб чиқилган субектга бўлган ташқи талаблар мажмуасидир. Иккинчидан, таълим жараёнинининг ҳар бир босқичи давомида шаклланиб борувчи компетенциялар инсоннинг келажакда омадли шахс бўлиб етишишининг муҳим омилидир. Бундан компетенциялар шаклланмас экан шахснинг омадли бўлиш имконияти йўқ.

Ўқитувчининг ўзи ўқувчиларга ўргатмоқчи бўлаётган барча компетенцияларга эга бўлиши лозим. Бунда, педагог учун зарурий бўлган таянч компетенция бу – педагогнинг ижодий қобилиятидир. Демак, шахсга йўналтирилган ва компетентли ёндашувларни таққослаш бизга, педагогларнинг ижодкорлик маҳоратларини шаклллантириш учун қатор асосий қоидаларни ишлаб чиқиш имконини беради.

1. Педагогик ижодкорлик – бу ҳашамат эмас, балки, мактабгача таълимдан бошлаб, то олий таълимгача бўлган бўғинларига рақобатбардош кадрларни етказиб бериш учун муҳим омилдир.

2. Ўқитувчи креатив қобилиятининг касбий фаолияти таркибида ўқитувчилик муваффақиятининг кўрсаткичларидан бири – бу ўқитувчи ўз ўқувчиларининг талаб даражасида таълим олишларини таъминлаши учун зарур шартдир.

3. Ижодий баркамолликни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган курслар универ-

ситетларда ўқитувчиларни тайёрлаш дастурларида, шунингдек, ўқитувчиларни тайёрлаш дастурларида мажбурий курслар сифатида киритилиши керак.

Шу нуқтаи назардан, биз ижодкорликнинг икки босқичини ажратамиз: потенциал (ўқитувчининг янги ғоялар, ёндашувлар, иш усуллари ва уларни ишлаб чиқиш зарурияти хусусияти) ва долзарблиги (юқорида айтиб ўтилган эҳтиёжни рўёбга чиқариш ва тегишли ҳаракат усуллари ва кўникмаларга эга бўлишга тайёрлигини тавсифлаш).

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий компетентлилик жиҳатлари: методологик жиҳати; коммуникатив жиҳати;

маданий жиҳат; предмет-професионал жиҳат; дидактик жиҳат; психологик жиҳат; креатив жиҳат.

Ўқитувчининг илмий-профессионал салоҳиятининг ижодий маҳорати – унинг педагогик ижодиёт даражасини, турли хил қизиқарли, ҳаяжонли, интеллектуал ва ҳиссий жиҳатдан бой тадбирларни режалаштириш қобилиятидир. Ўқитувчининг ижодий маҳорати қуйидаги хусусиятларга эга.

Илмий-касбий маҳоратнинг ижодий жиҳатлари:
– илмий ва психологик фикрлаш;
– педагогик маҳоратнинг юқори даражаси;
– маълум бир илмий жасорат;
– ишлаб чиқилган педагогик ҳиссиёт;
– танқидий таҳлил қилиш қобилияти;
– касбий ўз устида ишлаш зарурияти;
– илғор педагогик тажрибаларни оқилона қўллаш ва ҳ.к.;
– ижодий хусусиятларнинг асосий жиҳатлари;
– маълум бир шахснинг янги ёки сезиларли ривожланишини таъминлаш;
– фаолиятнинг ўзига хослиги, фаолият маҳсулоти ва унинг натижалари такрорланмаслиги;
– ижодкорлик,(ўз устида ишлаш) билан ўзаро боғлиқлик.

Касб-ҳунарни режалаштириш босқичида ижодкорлик қуйидагича намоён бўлади:

а) турли мавзулардаги дарслик мавзусига қизиқарли ва оригинал маълумот тўплаш ва танлашда;

б) келтириб ўтилган вазиятнинг далилларга асосланганлигидаги асосий муаммоларни ишлаб чиқиш учун тизимни яратишда;

в) тарихий фактлар, вазиятларни танлашда ва қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиш мантиғини ва уларни ҳал қилишнинг ёндашувларини амалга оширишда.

Машғулотнинг тайёргарлик босқичида, ижодкорлик дарс мавзуси бўйича тўпланган маълумотларнинг дидактик ишлов берилиши орқали намоён бўлади. Ўқитувчи дидактик маълумотни ўқитишда қуйидаги қоидаларга бўйсунади:
– кўрсатилган маълумот қисмларини мантиқий ва изчил тақсимлаш;
– слайдлар сони, уларнинг мазмуни ва тақдим этилиш шаклларини аниқлаш;
– ҳаётий мисоллар, ишлар, вазиятларни келтириб ўтиш керак бўлган жойларни аниқлаш;
– ёзиб олиш учун асосий қоидаларни ва асосий формулаларни ажратиш;
– таниқли олимлар, мутафаккирлар, шоирлар ва жамоат арбобларининг атоқли сўзларини, баёнларини, шунингдек, баён қилинган материалларнинг қайси жойларида улар ҳақида гапиришни;
– ўқитувчининг ёрқин, ифодаланган ва мажозий нутқи;
– ахборотни эстетик ва ахлоқий жиҳатдан тақдим этиш;
– нутқнинг ҳиссий ва интеллектуал интенсивлиги;
– тақдимотда мантиқий, тарихий, психологик, сиёсий ва бошқа таққослашлардан фойдаланиш;
– тақдимотда диққат ва фикрлашни кучайтириш усулларини қўллаш (сезгирлик, инверсия ва бошқалар).

Ижодкорликни шакллантириш ва ривожлантиришда бундай ёндашув профессионал билим ва кўникмалар даражасини сезиларли даражада ошириши, замонавий ўқитувчининг маҳоратли фаолиятида қобилият ва тайёрлигини шакллантириши мумкин.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада муаллиф ўқитувчининг ижодий қобилиятини ўрганиш, уни шакллантиришнинг амалий муаммоларини ҳал қилиши ҳақида фикр юритган. Шунингдек, ўқитувчилик маҳоратининг турлари, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий компетентлилик ва илмий-профессионал маҳоратининг ижодий жиҳатлари очиб берилган.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящается изучению творческих способностей учителя, практических способов их формирования. Также описываются виды педагогического мастерства творческие аспекты профессиональной компетентности, и научные и профессиональные навыки учителей общеобразовательных школ.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of the creative abilities of the teacher, and how to solve practical problems of their formation. The author of the article describes the types of pedagogical skills, creative aspects of professional competence, and the scientific and professional skills of teachers secondary schools.

## PEDAGOGIKA OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA "KOMPYUTER GRAFIKASI" FANINI O'QITISH MUAMMO SIFATIDA

**O.Q.Zaripov** – *assistent o'qituvchi*
*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so'zlar:** kompyuter grafikasi, model, ta'lim, motivatsiya, texnologiya, pedagogik texnologiya, dasturiy vosita.

**Ключевые слова:** компьютерная графика, модель, образование, мотивация, технология, педагогические технологии, программные средства.

**Key words:** computer graphics, model, education, motivation, technology, pedagogical technologies, software.

Davlat rivojlanishining muhim omillaridan biri, shubhasiz ta'lim tizimi, ilm-fan va texnologiyalarning raqobatbardoshlik darajasi hisoblanadi. O'zbekistan Respublikasi rivojlanishinng ustuvor yo'nalishlaridan biri halqaro ta'lim standartlariga muvofiq barqaror davlat ta'lim tizimini modernizatsiya qilishdan iboratdir.

Shu o'rinda takidlab o'tishimiz joyis, Jahonda o'qitish jarayonlarini texnologiyalashtirish, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari vositasida ta'lim samaradorligiga erishish, sifatni boshqarish paradigmasini joriy etishga alohida e'tibor qaratib kelinmoqda. Yetakchi oliy ta'lim muassasalarida tabiiy va aniq fanlar, jumladan, kompyuter grafikasi fanining globallashuv sharoitidagi o'rni va ahamiyati nazarda tutilib, soha pedagoglarini tayorlashning innovatsion shakli sifatida blok-modulli tizimga asoslangan loyihali yondashuvlar xususiyatlaridan foydalanish tendentsiyalari kuzatilmoqda.

Dunyodagi yetakchi ilmiy markazlar tomonidan ta'lim

texnologiyasi, o'quv jarayonlarini loyihalash va tashkil etish muammolariga doir izlanishlar olib borilib, ijobiy natijalarga erishilmoqda. Mazkur tadqiqotlar ta'lim jarayonini texnologiyalashtirish nazariyasi, zamonaviy pedagogik texnologiyalar va tamoyillari asosida mashg'ulotlarni loyihalash andazalarini ishlab chiqish, shuningdek, kompyuter grafikasi fanini o'qitish samaradorligini oshirish maqsadiga qaratilganligi bilan muhim o'rin tutadi.

Mamlakatimizda fan, ta'lim-tarbiya va ishlab chiqarish integratsiyasini ta'minlash, oliy ta'lim tizimini rivojlantirish, moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, ta'lim shakllari va mazmuni takomillashtirish borasida olib borilayotgan islohotlar o'quv jarayoniga ilg'or pedagogik texnologiyalarni joriy etish imkoniyatlarini kengaytirmoqda. Shu bilan birga bo'lajak kompyuter grafikasi fani o'qituvchilarini tayyorlash samaradorligini oshirishga doir tizimli yondashuvlar, «Kompyuter grafikasi» o'quv fani mashg'ulotlarining ijobiy natijaviyligini ta'minlash mexanizmi yetarli emasligi kuzatilmoqda. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida «mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga muvofiq yuqori malakali kadrlar tayyorlash siyosatini davom ettirish, oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini takomillashtirish, kompyuter grafikasi kabi muhim va talab yuqori bo'lgan fanlarni iqtisoslashtirilgan tarzda o'rganish»[1] kabi ustuvor vazifalar belgilab berildi. Bu borada, pedagogika oliy ta'lim muassasalarida «Kompyuter grafikasi» fani o'quv mashg'ulotlarini loyihalashning zamonaviy kontseptsiyasini belgilash, o'qitishni tashkil etish texnologiyasini innovatsion modellashtirish, metodik ta'minotini takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli «O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida»gi Farmoni, 2019-yil 17-yanvardagi PF-5635-sonli «2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini «Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili»da amalga oshirishga oid davlat dasturi to'g'risida»gi Farmoni, 2017-yil 20-apreldagi PQ-2909-son «Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi, 2017-yil 27- iyuldagi PQ-3151-son «Oliy ma'lumotli mutaxassislar tayyorlash sifatini oshirishda iqtisodiyot sohalari va tarmoqlarining ishtirokini yanada kengaytirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarorlari hamda mazkur faoliyatga oid me'yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishda mazkur tadqiqot doirasida tadqiq qiliniyotgan «Pedagogika oliy ta'lim muassasalarida "Kompyuter grafikasi" fanini o'qitish muammo sifatida» mavzu muayyan darajada xizmat qiladi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib aytishimiz mumkinki. Bugungi kunda kompyuter grafikasi zamonaviy axborot texnologiyalarining biri bo'lib, u shiddat bilan rivojlanib borayotgan yo'nalishlardan biri. Bunday rivojlanish texnika sohasida ham, dasturiy vositalar sohasida ham amalga oshirilmoqda. Ular videofilm, multimedik mahsulotlar, harakatlanuvchi tasvirlarni yaratishga imkon beradi.

Kompyuter grafikasining zamonaviy maydoni turli xil xarakterdagi (rastr, vektorli ikki o'lchamli, vektorli uch o'lchamli, fraktal), shuningdek, kompyuter animatsiyasi, videomontaj, interaktiv va animatsiya mahsulotlarini yaratish usullari, texnologiyalari va vositalarini o'z ichiga olgan ilmiy bilimlarning keng doirasidir.

Bunday dasturiy mahsulotlar reklamalar ishlab chiqaruvchi vositalar hisoblanib, san'at va multimediya texnologiyasi sohalarida qo'llaniladi.

Bu borada qator olimlar o'z ilmiy ishlarida tadqiq qilganlar, jumladan pedagogika oliy ta'lim muassasalarida «Kompyuter grafikasi» fanini ilmiy nazariy asoslari va o'quv jarayoniga tadbiqi bo'yicha K.Grebennikov, L.Ivannikova, O.Kraynova, O.Odintsova, N.Petrova, E.Tretyakova, L.Turanovalar o'z ishlarida qarab o'tganlar [2].

Ta'limning asosiy vazifalaridan biri – bu pedagogika, psixologiya va informatika sohalarida erishilgan yutuqlarni umumlashtirish yo'li bilan oliy ta'lim muassasalari talabalarining kompyuter grafikasi bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalarini rivojlantirish, bo'lajak o'qituvchilarni kompyuter grafikasi vositalaridan ta'lim-tarbiya jarayonida samarali foydalanishga o'rgatishdir. Bu esa kompyuter grafikasi fani bo'yicha pedagogika oliy ta'lim muassasalarida "Kompyuter grafikasi" fanini o'qitish muammosini ko'rib chiqish zarurligini talab qiladi va bu yo'nalishdagi muammolarni o'rganish, ularni bartaraf etish yo'llarini ishlab chiqish zarur ekanligini bildiradi.

Ushbu yutuq va kamchiliklarni hisobga olgan holda va "Kompyuter grafikasi" fanini o'qitish muammosini bartaraf etish uchun biz pedagogika oliy ta'lim muassasalari talabalarini kompyuter grafikasi bo'yicha o'qitish metodikasi modelini yaratdik (1-rasm) [3]. Pedagogika oliy ta'lim muassasalari talabalarini kompyuter grafikasi bo'yicha o'qitish metodologiyasining ishlab chiqilgan modeli, shaxsiy yo'naltirilgan va kompetentsiya yondashuvlari va ravshanlik, ilmiy va individuallikning didaktik printsiplari bilan tartibga solinadi va quyidagi pedagogik shart-sharoitlar majmuasini bajarishda faoliyat ko'rsatadi:

- Ta'lim jarayonining yo'nalishi o'quvchilarning shaxsiy afzalliklari va talabalarning kasbiy muammolarni hal qilishning umumiy usullarini o'zlashtirishiga qaratilgan;
- O'quv materiallarini o'rganish mantig'ini aks ettiradigan va o'quv faoliyatining tarkibiy qismlari va tarkibiy qismlari sifatida o'quv elementlarini taqqoslash yo'li bilan o'quv faoliyatini tashkil etishda rejalashtirishga rioya qilish imkonini beruvchi "metodik setka" asosida kompyuter grafikasi fanlarini o'quv-uslubiy qo'llab-quvvatlashni ishlab chiqish;

Model asosan ikki qismdan iborat bo'lib, daraja va daraja tarkibidan tuzilgan. Daraja qismida motivatsion maqsadning aniqligi, mantiqiy fikirlarning mavjudligi, faoliyat jarayonlarining aniq yo'naltirilganligi, Refleksiv baholashlarning mavjudligi hamda daraja tarkibi qismida kompyuter grafikasi sohasida kelajakdagi mutaxassisni tayyorlash, kompyuter grafikasi sohasida raqobatbardosh mutaxassislar tayyorlash, mutaxassisning kompyuter grafikasi sohasidagi professionalikga tayyorligi faoliyati kabi bir qancha shajaraviy qisimlar mavjud bo'lib, ular bir-biri bilan o'zaro uzviy bog'langan.

Xulosa qilib aytishimiz mumkinki, ushbu pedagogika oliy ta'lim muassasalari talabalarini kompyuter grafikasi bo'yicha o'qitish metodikasi modelini ta'lim jarayoniga qo'llash natijasida talabalarning bilim, ko'nikma va malakalarni takomillashtirishga erishiladi.

**Adabiyotlar**


1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-yil, 6-son, 70-modda.
2.Jumanazarovich X.A. «Matematika o'qitish metodikasi» fani o'quv mashg'ulotlarini loyihalab o'qitish metodikasini takomillashtirish. 2019.
3.Чернякова Т. В. Методика обучения студентов вуза компьютерной графике. 2010.



**REZYUME**

Maqolada pedagogika oliy ta'lim muassasalarida "Kompyuter grafikasi" fanini o'qitish muammolari va yechimlari modeli yaratilgan.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящается актуальному вопросу- методам преподавания дисциплины "Компьютерная графика" в высших учебных заведениях. Автор статьи представил модели обучения по компьютерной графике.

**SUMMARY**

The article is devoted to one of the actual issues- methods of teaching the discipline "Computer graphics" at higher educational institutions. The author of the article presents the models of teaching Computer graphics.

# ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ОИЛАДА ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИГА ОТА-ОНАЛАРНИ МАҚСАДЛИ ТАЙЁРЛАШ

**Э.С.Шамуратова -** *таянч докторант*
*Самарқанд давлат чет тиллари институти*

**Таянч сўзлар:** қадрият, оила, фарзанд, таълим ва тарбия, эътиқод.
**Ключевые слова:** ценности, семья, дети, образование и воспитание, вера.
**Key words:** values, family, children, education and upbringing, belief.

Ислом қадриятларини ким шакллантириши керак деган масала ўзининг муаммоли жиҳатларини намоён этади. Бу биринчи муаммо. Чунки оилавий тарбия учун малакали мутахассисларни таълим тизими шакллантирмайди. Ота-оналар ислом қадриятлари ва уларни шакллантириш бўйича тегишли билим ва малакаларга, хусусан педагогик билим ва малакаларга эга эмаслар. Ота-оналарнинг баъзилари намоз ўқиши, ислом масалаларига қизиқиши, ислом арконлари борасида маълум ахборотларни билиши мумкин. Аммо, яхлит тарзда ислом педагогикаси ва ислом қадриятлари нима эканлигини уларга ҳеч ким ўргатган эмас. Бинобарин, ислом қадриятларини оилада шакллантириш учун ота-оналарнинг ўзларини маълум билимлар билан қуроллантириш керак.

Ота-оналарни ислом қадриятларини оилада шакллантириш жараёнига мақсадли тайёрлаш учун "Ислом қадриятлари ва бола тарбияси", "Оиладаги педагогик жараён", "Ислом тарихи", "Муҳаммад тарихи", "Ислом дини асослари", Ота-оналар учун ислом дорилфунуни каби мақсадли ишлаб чиқилган дастурлар асосида ўқув машғулотлари, семинарлар, саволларга жавоблар, учрашувлар, давра суҳбатлари, муаммоли оилалар билан индивидуал ишлаш жараёнлари ташкил қилинишидир.

Ўзбекистонда сўнгги вақтларда ота-оналарни таълим ва тарбия жараёнига тайёрлаш ишларида ўзгаришлар мавжуд. Масалан, 2018 йил 3 декабрда Мактабгача таълим муассасининг Кузатув кенгаши ҳақидаги Низом тасдиқланди. Унга кўра, мактабгача таълим тизими тарихида илк маротаба ота-оналар ва жамоат тузилмалари Мактабгача таълим муассасининг бошқаруви бўйича ваколатга эга бўлдилар. Вазирлар Маҳкамасининг 19 июль 2018 йилдаги 554-сон қарори билан Фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Ота-оналар университети»[2] жамоатчилик тузилмаси тўғрисида намунавий низом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да [3] ёшлар таълими ва тарбияси бугунги ривожланишнинг энг устувор йўналиши эканлиги қайд этилди. Замонавий таълим ва тарбия жараёнини эса ислом қадриятлари, тафаккури ва гуманитар қадриятлари тизими, ислом ахлоқидан айри ҳолда тушунтириш ва англаш мумкин эмас. Ислом қадриятлари инсон тарбиясининг узвий таркибий қисмидир. Бинобарин, бугунги авлодларни, айниқса оилавий таълим ва тарбия жараёнида ислом қадриятлари асосида тарбия қилиш давр талабидир.

ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик ва тиббий билимларини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

фарзанд тарбиясига етарли эътибор бермаётган ота-оналар билан ишлаш, фуқаролар йиғинидаги оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш;

фарзанд тарбияси жараёнида ота-оналарга ёрдам кўрсатиш, оилада соғлом маънавий муҳитни таъминлашга кўмаклашиш.

Мустақиллик йилларида диний эътиқоднинг роли масалалари қайта баҳоланди, дин тарихи ва унинг жамият ривожидаги, инсон дунёқарашидаги ўрни янгича идрок этилди. Динларнинг тарихига оид масалалар мактаб таълимидан бошлаб олий таълимгача бутун маориф тизимининг турли босқичлари ўқув дастурларига киритилди. Ўқув жараёнига биринчи бор киритилган таълим дастурлари ва янги предметларда динга янгича ёндашувлар ўз аксини топди. Улар орасида диншунослик, ислом дини тарихи, жаҳон динлари тарихи фанлари бор. Дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида ислом дини асослари, давлат ва диннинг ўзаро муносабатлари, диний муассасаларнинг ҳозирги замон жамиятидаги ўрни ва роли каби муаммолар янгича ечимини топмоқда.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзланган нутқи ислом қадриятларини ўрганишни энг долзарб вазифалар қаторига қўшади. Президент нутқида Бош Ассамблеянинг "Маърифат ва диний бағрикенглик"[1] деб номланган резолюциясини қабул қилиш таклифи берилди. Шундан сўнг мазкур резолюция маъқулланиб, қабул қилинди. Шунингдек, ислом маданияти ва қадриятларини шакллантиришнинг замонавий аҳамиятига кенг тўхталиб, "Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради" деб таъкидланди. Бинобарин, замонавий дунёнинг энг зарарли ғояларидан бўлган терроризм, экстремизм, фундаментализм кабиларга қарши айнан ислом дини қарашлари асосида, ислом қадриятларига таянган ҳолда курашиш зарур, ислом динини нотўғри талқин қилинишларига қарши ислом қадриятлари асосида болаликдан соғлом иммунитетни шакллантириш соғлом жамиятни бунёд қилишга тенг келади.

Ислом дини қоидалари бўйича фарзандларни тўғри тарбия қилиш ота-оналарнинг муқаддас бурчи саналади. Уларнинг ичида болаларда ахлоқ, одоб ва эътиқодни тарбия қилиш энг бирламчи вазифалар қаторидан ўрин олади. Тарбиянинг асоси оила деб таъкидланади. Замонавий жамиятларда оила ўз фарзанди тарбиясида таълим тизими, яъни мактаб, ўқитувчилар ҳамкорлигида ривож топади. Ота-она ўз зиммасидаги мана шу муқаддас бурчни англаши ва қабул қилиши тақозо этилади. Болага Аллоҳ томонидан баъзи лаёқатлар, характер, истеъдодлар берилган бўлади. Улар Аллоҳнинг неъматлари сифатида қабул қилиниши талаб этилади ва уларни ривожлантириш зарур. Бола тарбиясининг муҳим ижтимоий аҳамияти мавжудлиги тан олинади.

Қадриятлар масаласи муҳим ижтимоий воқелик бўлиб, бевосита инсон яшаган ва тарбия қилинган муҳит билан алоқадор ва унга бевосита боғланган воқеликдир. Шу нуқтаи назардан, оилавий қадриятлар шахс қадриятларининг асосидир. Қадриятлар тизими, замонавий жамиятлар нуқтаи назаридан, қуйидагиларни, бизнинг фикримизга кўра, ўз мазмунига қамраб олади:

инсоннинг шахсий қадриятлари;

инсоннинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, нафосати ва гўзаллиги билан боғлик қадриятлар;

инсоннинг меҳнати ва иқтисоди билан боғлиқ қадр-иятлар;

инсоннинг индивидуал камолоти ва ижтимоий мавқеи, тинчлиги билан боғлиқ қадриятлар;

инсоннинг ҳузур-ҳаловати билан боғлиқ «гедонистик» қадриятлар;

қобилияти ва истеъдоди билан боғлиқ интеллекуал

қадриятлар;

ҳис-ҳаяжон, туйғулари билан боғлиқ «эмоционал» қадриятлар;

шахснинг атроф-муҳит, ватан, давр, оила ва турмуши, севги-муҳаббати, ота-она ва фарзандлари, турмуш гўзаллиги ва бошқалар билан боғлиқ қадриятлар;

шахснинг эркинлиги, озодлик, тенглик, эътиқод, ахборот олиш, мулкка эгалик қилиш, яшаш жойларни танлашдаги мустақиллиги, даҳлсизлиги билан боғлиқ қадриятлар;

шахсий масъулият, яъни ижтимоий заруриятни англаши, унга амал қилиши, тартиб-интизоми, ор-номуси, бурчи, виждони, қадр-қиммати ва бошқалар билан боғлиқ қадриятлар;

шахсий масъулият , яъни ижтимоий заруриятни англаши, унга амал қилиши, тартиб-интизоми, ор-номуси, бурчи, виждони, қадр-қиммати ва бошқалар билан боғлиқ қадриятлар;

шахснинг нафосати, маънавий гўзаллиги, эстетик туйғуси, диди, маданияти, ўзига, ўзгаларга, табиат ва ташқи муҳитга нисбатан нафосатли муносабатига алоқадор қадриятлар;

ва ниҳоят, шахснинг диний эътиқоди ва диний эрки билан боғлиқ ҳолда ривожлантирилган диний қадриятлари.

Бироқ, шуни таъкидлаш жойизки, диний қадриятлар инсон ва унинг жамиятдаги ҳаёт тарзи, истаклари ва орзулари, ижтимоий қонунларининг барчасини ўзида яхлит тарзда мужассам қилганлиги боис, юқорида санаб ўтилган барча ва таъкидланган қадриятлар мазмуни ва хусусиятларини ҳам ўзида мужассам қилади.

Шундай қилиб, ислом қадриятлари асосидаги бола тарбиясида қуйидаги аспектларга эътибор қаратиш ва уларни назарга олган ҳолда оилавий таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш тақозо этилади:[4]

*диний-маърифий ва диний-маънавий омил*: болани энг кичиклик давриданоқ имон ва эътиқодга жалб этиш, унга ислом асослари, тарихи, фиқҳ нормалари, Пайғамбар ибрати ва шариат аҳкомлари мавжудлигини, улар асосида ҳаёт кечириш чин мусулмонлик белгиси эканлигини тушунтириш ва англатиш. Маданий ва маънавий соҳа билан боғлиқ тарзда ислом қадриятларининг амал қилиши учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш тақозо этилади, улар: а) кишиларнинг ижтимоий онги билан боғлиқлик; б) кишиларнинг муносабати ва фаолияти орқали амалга ошиши; в) моддий ва маънавий соҳадаги бирор натижа, бойлик ва бошқалар тарзида намоён бўлиш. Ислом дини маънавий бойликнинг моддий бойликдан устунлиги тамойили асосига қурилган бўлади. Болаларда ҳам айнан мана шу тамойил тарбия қилиниши шарт.

*маънавий-ахлоқий:* болага ахлоқий-маънавий нормаларни сингдириш, улар мажмуининг боланинг яшаш принципларига айланишига эришиш, уларнинг бола шахсининг бош йўналтирувчи ва ҳаёт мезони бўлишини таъминлаш (ота-онага ҳурмат, тинчлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, гуноҳ ишлардан қочиш, савоб амалларни қилиш, тўғрисўзлик, меҳр-мурувватлилик, қамбағалларни суяш, ижтимоий ҳимоя, таълим ва тарбия олиш в.ҳ.). Маълумки, ахлоқ кишиларнинг хатти-ҳаракатларини маълум бир тамойиллар, социум, яъни ижтимоий борлиқ, жамият талабларига мувофиқлаштириш эҳтиёжи сифатида юзага келган. Демак, ахлоқий қадриятларнинг моҳиятини жамият ва шахс манфаатидан ташқарида қидириш мумкин эмас [6:52]. Ахлоқий қадриятлар ислом маънавиятининг асоси саналади. Ахлоқий қадриятлар ўз генезисига мувофиқ жамият талаблари ва ҳолати, социум билан узвий боғлиқ, шунинг учун унда кечадиган трансформация жараёнлари, туб ўзгаришлар, ижтимоий борлиқ қадриятлар тизимига ўз салбий ёки ижобий таъсирини ўтказади. Ҳаттоки шахс ахлоқидаги ўзгаришлар ҳам ижтимоий борлиқдаги жараёнларнинг маълум бир инъикоси сифатида келади. Масалан, бугунги ёшларда бойликнинг қадрият даражасига кўтарилганлиги, бироқ бойлик ҳеч бир тарихий даврда қадрият даражасида амал қилмаганлиги, аслида эса бойликнинг шахс имкониятлари кўрсаткичи эканлиги. Илмий-педагогик адабиётларда ахлоқий қадриятларга эзгулик, бурч, виждон, шаън, идеаллар, адолат, бахт-саодат, масъулият, тартиб, ирода каби категорияларнинг киритилиши кенг тарқалган. Профессор Х.О.Шайхова, уларга меҳр-муҳаббат, карамлилик, мулойимлик, сабр-бардошлилик, билимдонлик, юртпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, садоқат, ибо, ҳаё каби хислатларни ҳам киритади [5:24-28]. Бинобарин, ислом аҳлоқи ҳам инсон ва жамият амал қилаётган, идеал билган, ўз хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари ва муносабатлари билан ўзлигини намоён қилиш қадриятдир. Шахс мазкур қадриятларни тайёр тарзда топади, шахсдан болалик давриданоқ уларни ўзлаштириш, ўзининг идеалини, онгини ва ҳаёт тарзини, хатти-ҳаракатларини уларга мослаштириш, ўзини тарбия воситасида мавжуд ахлоқий тартибларга адаптациялаш талаб этилади. Аммо жамият, социум ахлоқий қадриятларга бефарқ қарай олмайди, жамият уларга ҳаётий норматив моҳият, ижтимоий йўналтирилганлик бахш этади.

*интеллектуал салоҳиятни ўстириш*: турли илмларни мақсадли ўрганиш, атроф муҳитни ўрганишни Аллоҳнинг сифатларини ўрганиш ва уларнинг намоён бўлишига тенглаштириш, илм ва динни тенг олиб кетишга ўргатиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўймаслик, илмни ҳаётнинг мезони, бахтли ҳаёт асоси, дунёни англаш йўли, қалб осудалигининг негизи деб билиш ва илмга интилиб яшаш (Илм истаб то Чин юр – Ҳадис). Ушбу ҳолатни таҳлил қилишда илмий билишнинг системалилик, яъни тизимлилик хусусияти ва методик жиҳатдан билиш жараёнининг усуллари бўлган - алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик, бутун ва бўлак категорияларининг диалектикасига асосланиш зарур. Шахснинг интеллектуал қадриятлари унинг лаёқати, қобилияти, билим, истеъдоди, уларни рўёбга чиқариш имконияти, жамиятга ақл ва ақлий меҳнатга бўлган зарурият ва талаб ҳамда бошқа шарт-шароитлар билан узвий боғланган воқеликдир. Бу қадриятлар билан боғлиқ муаммолар ижтимоий билимларнинг азалий мавзуларидан биридир. Қадимги Греция ва Рим фалсафасида ҳам, Шарқ ва Осиё мутафаккирлари қарашларида ҳам инсон лаёқати, ақли, қобилияти, истеъдоди, салоҳиятининг аҳамияти ва қадри ғоят баланд, деб баҳоланган. Ақл барча даврларда энг зарур қадрият сифатида тарихдан ўрин олган. Ҳозирги замонда инсоннинг бу соҳадаги қадриятлари аҳамияти ниҳоятда кучайиб бормоқда. Бундай шароитда интеллектуал қадриятларни таҳлил қилиш муаммолари катта аҳамият касб этмоқда. Аллоҳ инсонга имон бериш баробарида, унга ақл ҳам берганлиги борасидаги оятлар бандасининг интеллектуал ривожланиши ислом қадриятларида нақадар улуғ баҳоланиши намоён бўлади;

*жисмоний кучли бўлиш ва соғломлик*: ислом дини инсонга жисмоний бақувват бўлишни буюрган, бунинг учун инсонга меъёрлар белгиланган, меъёрлар қуйидаги жиҳатларга қаратилган: жисмоний тарбия, озиқ-овқат истеъмол қилиш, уйдаги меъёрларни сақлаш, ақлий ва жисмоний меҳнат мувозанати, руҳий зўриқмаслик в.б.

*руҳий-психологик қадриятлар*: улар инсоннинг соғлом, мувозанатдаги ҳаёти мезони саналади, улар

болада ботирлик, жасурлик, мустақиллик, ўз кучига ишонч, янгиликка интилиш, меҳрли бўлиш, мурувват кўрсата олиш, меҳнатсеварлик каби хислатларни тарбия қилиш учун ички замин ва асос ролини ўйнайди.

**Адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. / "Маърифат", 2017, 20 сентябрь.
2. www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/ota-analar_universiteti_farzand_tarbiyasida_muammosi_bulgan_oilalar_bilan_shugullanadi
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил. 8 февраль. № 28 (6722);
4. Саҳиҳи Бухорий. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008; Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. – Т.: "Ғафур Ғулом", 1993;
5. Шайхова Х. Ўзбек аёли – одоб тимсоли. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. 24-28-б.
6. Рўзиева Р.Х. Жамиятнинг маънавий янгиланишида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантириш масалалари. Фалсаф. ф. докт. .. автор. -Тошкент: 2012. 52-б.



**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада ислом қадриятларини оилада шакллантириш жараёнига ота-оналарни мақсадли тайёрлаш масалалари ҳақида сўз боради. Фарзанд тарбияси жараёнида ота-оналарга ёрдам кўрсатиш, оилада соғлом маънавий муҳитни таъминлашга кўмаклашиш масалалари таҳлил қилинади.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящена целенаправленной подготовке родителей к процессу формирования исламских ценностей в семье. Процесс воспитания помогает проанализировать проблемы оказания помощи родителям в обеспечении здоровой духовной среды в семье.

**SUMMURY**

The article focuses on the purposeful preparation of parents for the process of forming Islamic values in the family. The process of upbringing helps to analyze the issues of assisting parents in providing a healthy spiritual environment in the family.


## MAKTABLARDA TEXNOLOGIYA DARSLARI JARAYONIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASHNING AHAMIYATI


**T.Shamuratova** - *katta o'qituvchi*
**A.Qurmanov** - *katta o'qituvchi*
**M.Amanbaev** - *katta o'qituvchi*
**N.Yuldasheva** -*talaba*
*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*



**Tayanch so'zlar:** ma'lumotlarni izlash, saqlash, qayta ishlash va ulardan maqsadli foydalanish, kreativ fikrlash, kompetentlik.
**Ключевые слова:** поиск информаций, сохранение, обработка и его целевое использование, креативное мышление, компетентность.
**Key words:** searching for information, conservation, processing and its target use, creative thinking, competency.


Jamiyatda insoniyat hayoti rivojlangan sari barcha sohalar qatorida ta'lim sohasi, uning tizimlari, yoshlarga ta'lim-tarbiya berish jarayoni va usullari milliy an'analarimizni saqlagan holda takomillashib boradi. Chunki har bir mamlakatning rivojlanishi, jahon hamjamiyatida tutgan o'rni, mavqeyi hudud aholisining intellectual salohiyati bilan belgilanadi. Shu bois mamlakatimizda jismonan va ma'nan sog'lom barkamol avlodni tarbiyalash, zamonaviy talabga mos yetuk kadrlar tayyorlash vazifasi dolzarb masala sifatida kun tartibiga qo'yildi va bu borada Xalq ta'limi tizimida bir qancha amaliy ishlar qilinmoqda.

Hozirgi globallashuv jarayoni kechayotgan tarixiy davrda jamiyatdagi ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar, hayotimizga turli yangiliklarning kirib kelayotganligi, ularni anglash, tahlil qilish zaruriyati ta'lim-tarbiya tizimini yangi texnoligiyalar asosida o'zgartirishni taqozo etmoqda. Maktabdagi texnologiya fani darslarida ham axborot-kommunikatsiya vositalaridan foydalanish, "inson-mashina" usullarini tatbiq etish yoki "O'qituvchi-o'quvchi-kompyuter" o'rtasidagi muloqot asosida ta'lim-tarbiya berish usuli keng qo'llanilishi kerak. Bundan maqsad texnologiya fanida qandaydir buyum tayyorlashda uning har xil variantlarini tayyorlash bo'yicha keng ko'lamli va mustahkam bilim, ko'nikma, malaka, qiziquvchanlik, tashabbuskorlik, texnologiya fanidan amaliy darslarda bo'ladigan muammolarni hal etishda aniq maqsadga intilish va shaxsiy hayotga nisbatan talabchanlik, mustaqil fikrlash, ijodkorlik qobiliyatlari shakllanadi. Bu usulning ta'lim tizimiga joriy etilishi ta'lim-tarbiya jarayonining barcha sohalarini jadallashtirish, uning sifat va samaradorligini oshirish, o'quvchilarni axborotlashgan jamiyat sharoitiga mos yashash hamda faoliyat olib borishga tayyorlash masalalarini qamrab oladi.

Maktabda texnologiya fani darslari jarayonida kompyuter texnologiyasidan foydalanish o'quvchilarda quyidagi jihatlarni shakllantirish imkoniyatini beradi:

-o'quvchilarda fanlar aro bilimga ega bo'lish ehtiyojini shakllantiradi;

-o'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtiradi;

-o'quvchilarda fanni o'rganishga qiziqishni oshiradi;

-ta'limda o'quvchining individuallik darajasini oshiradi;

-o'quvchilarning ijodkorlik qobiliyatini rivojlandiradi;

-tayyorlanilayotgan buyumning xilma-xil shakllarining yaratilishini ta'minlaydi;

-ta'limda foydalaniladigan o'quv materiallari va xom ashyolarning turli xillaridan foydalanish doyrasini kengaytiradi.

Bu jihatlarni texnologiya darslarida o'quvchilarda shakllantirish uchun texnologiya fani o'qituvchisi o'zi o'quvchilarning o'y-kechinmalari, quvonch va tashvishlarini tushuna olishlari, hamkorlik, o'quvchilarning yosh va individual xususiyatlarini e'tiborga olishlari, shuning bilan birga har qanday holatda ruhiy muhitni boshqara olishi va hissiy sifatlarga ega bo'lishi lozim.

Texnologiya fani o'qituvchisi o'z sohasiga taalluqli bo'lgan axborotlarni izlash, saqlash, qayta ishlash va ulardan maqsadli foydalanish mahoratini egallashi, kasbiy faoliyatida asosli mustaqil qarorni qabul qila olishi, raqobatbardosh kasbiy tayyorgarlikka ega bo'lishi, yangi zamonaviy bilimlarni tezkor ilg'ay olishi, o'z ustida ijodiy ishlashi va faoliyatini ilmiy, hayotiy tajribalar asosida tashkillashtira olishi zarur. Bundan tashqari hozirgi zamon texnologiya fani o'qituvchisi kasbiy-axloqiy xususiyatlarni o'zlashtirgan, fan bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalarni yangi nostandart vaziyatlarda qo'llay olish salohiyatiga, yuksak pedagogik qobiliyatlarini namoyon etish, loyihalash va rejalashtirish bilan bog'liq amaliy ko'nikmalarga ega bo'lishi shart. Texnologiya fani o'qituvchisi uchun kompyuter zamonaviy o'qitish usuli xisoblanib gina qalmay, uning kasbiy mahoratini oshirib, takomillashtirib borishiga imkoniyatlar yaratishi kerak. "Kompyuter texnologiyasi" texnologiya fani o'qituvchisiga har bir mavzu uchun o'quv ma'lumotlarini kengaytirib berishga sharoit yaratadi: buyumlarning rasmlarini rangli ko'rsatish, tayyorlanish ketma-ketligini eskizlari bilan ko'rsatish,

buyum shakliga o’zgartirishlar kiritish, grafiklar, jadvallar va buyum holatini aniq tasavvur qilish imkoniyatini beradi.

Dars jarayonida kompyuterdan foydalanish texnologiya fani o’qituvchisining ta’lim berish jarayonini kengaytirib gina qolmasdan, uning o’quvchilarga masala va topshiriqlar qo’yish darajasini turli variantlarda berish imkoniyati ham yaratiladi [1]. XX asrning oxirlaridan Internet tarmoqlarining jamiyat hayotida keng tarmoq yozishi ta’lim-tarbiya sohasida qulay imkoniyatlar bilan birga salbiy holatlarni ham keltirib chiqarmoqda, bu narsa o’qituvchining oldiga yangi vazifalarni qo’yadi. Kompyuterdan foydalanish madaniyatini, mazmun-ahamiyatini o’qituvchi, ota-ona va o’quvchilar tug’ri anglashi, tahlil qilish madaniyati va dunyo qarashiga ega bo’lishimiz zarur.

Masalan **Рисование** Microsoft Wort panel asbobidan foydalanib yog’och materiallaridan kalit qistiradigan ilmakni sodda ornamentlar bilan bezashdan foydalanib tasbirlash bo’yicha topshiriq beriladi. Microsoft Word dasturida geometrik ornamentlarni, avtofiguralardan foydalanib chizish qulay. Bunda o’quvchilar har xil geometrik figuralarni birlashtirib bezashi mumkin.



1-rasm. Geometrik ornament.

Buning uchun o’quvchi: 1. **Рисование** Автофигуры /Asosiy tigura panel asbobidan o’ziga yoqqan tasbirni tanlaydi.



2-rasm. Автофигуры/ Asosiydan kerakli figurani tanlash.



3- rasm. Ornamentni qurish uchun tanlangan figuralar.

2. Boshida bitta takrorlanuvchi rapport tanla. Buning uchun tanlangan figuralardan keragini ko’shirib ol.



4- rasm. Ornament rapport.

3. Solingan bir necha elementlardan figura qur. Agar olingan figuralarning o’lchamini marker yordamida o’zgartish kerak bo’lsa, ularni oldindan belgila.

4. Qashon rapport qurilsa, Shift tugmasini bosib turib, uni quruvchi barcha elementlarni tartib bilan belgila.

5. **Рисование** panel asbobidan **Группировать** operatsiyasini tanla. Endi rapport o’zining aylantirish, aralashtirish mumkin bo’lgan maqsadli figura ekanligini ko’rsatadi. Angla, agar siz bu figuralarning elementlarini har xil rangda bo’yashni hoxlasangiz, unda **Группировать** operatsiyasidan oldin ishlash lozim. Yopiq ob’ektni ham bo’yash mumkin.

6. Almashtirish buferidan foydalanib , rapportni takrorla.

7. Figuraning hoxlagan qismida tugmani bosib, nusqani belgilab ol. Shiqgan markerdan bittasi yashil ranga bo’yaladi. Unga sishqonchaning ko’rsatgishini olib kel. U doirali strelka shaklida ko’rinadi.

8. Sishqoncha tugmasini yubormasdan turib, shu strelkani turtib, figurani $180^0$ ga bur.

9. Bu ikki figuradan bir necha nusqa ishla.

10. Bu figuralarni olmashtirib, ornament qursa bo’ladi.

11. Agar nusxa katta bo’lsa, ortig’ini belgilab olib, uni **Delete** tugmasini bosib o’chirish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, o’quvchi kompyuterdan foydalanish orqali – bilimlarni manbalardan mustaqil olish, olgan bilimlari asosida ko’nikma va malakalarga ega bo’lish erishadi, amaliy va nazariy bilimlari uygunlashtiriladi, o’quvchining o’zlashtirish imkoniyatlari kengayadi [2]. O’qituvchi o’zidagi boy pedagogik tajriba va g’oyalardan unumli foydalangan holda zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida ta’limga mos bo’lgan yangi pedagogik texnologiyalarni yaratish hamda undan foydalanish samaradorligini oshirishda pedagoglar juda e’tiborli, zukko, mahoratli bo’lishlari zarur.

**Adabiyotlar**

1. Hakimov T.M., Hakimova U.T. Ta’lim jarayonida kompyuterdan samarali foydalanishning kasbiy kompetentlikka ta’siri. –Buxoro: 2015, 246-b.
2. Kamoliddinov M., Vaxobjonov B. Innovatsion pedagogic texnologiya asoslari. -T.: 2010, 105- b.
3. Глозман Е.С., Глозман А.Е., Ставрова О.Б., Хотунцев Ю.Л. Технология. Учебник издательство Мнемозина. –Москва: 2012, -С.230.

**REZYUME**

Maqolada Texnologiya fanini o’qitish jarayonida kompyuter texnologiyasıdan foydalanish orqali o’quvchilarda kreativ mushohada qilish qobiliyatini rivojlantirish masalalari yoritilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются проблемы развития креативного мышления при помощи использования компьютерных технологий в процессе обучения предмета «Технология».

**SUMMARY**

The article considers the problems of developing creative thinking with the help of using computer technologies in the process of learning the subject «Technology».

## ЎЗБЕК АНЪАНАВИЙ КАШТАДЎЗЛИГИНИНГ СПЕКТРАЛ - ВАРИАТИВЛИГИ

**М.Х.Шомирзаев** - *педагогика фанлари номзоди, доцент*
*Термиз давлат университети*

**Таянч сўзлар:** кашта, ҳунар, нақш, чорси, чойшаб, дўппи, тадбиркор, микрофирма, фаолият, каштадўзлик, анъанавий, кўргазма.
**Ключевые слова:** вышивка, поделки, украшения, чорси, простыни, тюбетейки, бизнесмены, микрофирмы, мероприятия, вышивка, традиционные, выставочные.
**Key words:** embroidery, crafts, jewelry, chorsi, sheets, skullcaps, businessmen, microfirms, events, embroidery, traditional, exhibition.

Мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган жиддий таркибий сифат ўзгаришлари даврида ҳам халқимиз ўтмиши, бугуни, орзу-истаклари, ўй-хаёллари билан боғлиқ каштачилик ҳунарини асраб-авайлаб келмоқда.

Каштачилик ҳунарини ривожлантириш, келгуси авлодларга етказиш нафақат ҳар бир ўзбек каштачи аёлининг, балки барчамизнинг инсоний бурчимиз. Каштадўзлик ҳунарини сақлаб қолиш учун ҳозирги замонавий кашталарни, қадимги кашта маҳсулотлари тайёрлаш усулларини нақш безакларини ҳам сақлаган ҳолда, уйғунлаштириб кашталар яратиш талаб қилинади.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг халқимиз ўзининг миллий анъаналарини, урф-одатларини қайта тиклаб, миллий ҳунармандчиликка бўлган қизиқиши янада ортди.

Натижада, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йил 31 мартда қабул қилган ПФ-1741-сонли «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони республикамизда яшовчи барча халқлар сингари Фарғона водийси аҳолисининг ҳам бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъатга бўлган қизиқишини оширди.

Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, Марғилонда ибратли ишлар қилинмоқда. Бу шаҳарларда ҳунармандчилик уюшмалари ташкил этилган. Улар Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳар ва қишлоқларида фаолият юритувчи ҳунармандлар фаолиятини ривожлантириш, ҳунармандчилик анъаналарини давом эттириш билан шуғулланмоқдалар. Аидижонда Манзурахон Юсупова, Марғилонда Расулжон Мирзаахмедов, Наманганда Икромжон Каримов бошчилигида қадимги ҳунармандчилик анъаналарини сақлаб қолиш бўйича бир қанча ишлар қилинмоқда. Улар ўз уюшмаларига ҳар бири 30 ва 50 нафардан ортиқ ҳунармандни бирлаштирган. Мана шу 50 нафардан ортиқ; турли соҳа ҳунармандлари ичида каштадўзлик ҳунармандлари ҳам фаолият юритишмоқда.

Булардан қадимги нақш орнаментларини қайта тиклаш ва келгуси авлодга етказиш мақсадида фаолият кўрсатаётган уюшма раҳбари Манзурахон Юсупова, каштачи аёллардан Гулнора Шарипова, Мухайё Нишонова, Мохигул Деҳқонова, Гулнисо Жумабоева каби кўплаб аёлларни санашимиз мумкин. Бу каштачи аёллар кашта буюмларидан чорси, дўппи, тагчойшаб, деворчойшаб, дўппиларни тикиб авлоддан-авлодга етказиб келмоқда.

Наманганда Икромжон Каримов раҳбарлигида ўзининг 10 нафардан ортиқ шогирди билан бирга қадимги кашта чоклар асосида кашта буюмлари яратиб, мамлакатимиз ҳамда хорижий бозорларда фаолият юритишмоқда. Марғилонда Расулжон Мирзааҳмедов томонидан қадимги кашта намуналари асосида кашта буюмлари яратилиб келинмоқда. Фарғона водийсининг бу ҳунармандлари фақатгина водий бозорлари эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, балки турли ярмаркаларда ўзининг қадимги кашта буюмлари ва кашта матолари билан қатанашиб, хорижий мамлакатлардаги ихлосмандларнинг ҳам эҳтиёжини қондиришмоқда.

Марғилон ҳунармандлар уюшмаси раҳбари Расулжон Мирзааҳмедов 2006 йили КаКСа ва ЮНЕСКО доирасида ўтказилган «Сифат белгиси» мусобақасида олий бахмал матоси билан қатнашиб «Сифат белгиси» нишонини ва пул мукофотини олишга мушарраф бўлди. Марғилон ҳунармандлари Япония, Франция, АҚШ давлатларида бўлган халқаро кўргазмаларда қатнашиб, анъанавий ўзбек ҳунармандчилигини дунёга танитиб келишмоқда.

Ҳунармандларнинг иш фаолиятига назар ташлаганимизда касбларнинг моддий-маънавий томонлари кўзга кўринади. Масалан, дўппи тикиш математик ҳисоб-китоб асосида олиб борилса, чорси тикишда тўғри чизиқ, геометрик шакллар орқали турли нақшлар, гуллар тикишда табиатдаги ранглардан баҳраманд бўлинади.

Энг асосийси, ҳунармандликнинг ҳар қандай тури билан шуғулланганда ҳам ўқувчи-ёшлар устоздан касб-ҳунар сирларини ўрганади, уларда каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш каби умуминсоний қадриятлар шаклланади. Иккинчи томондан, ўқувчи-ёшлар бўш вақтларидан оила бюджетини мустаҳкамлашда фойдаланадилар. Ҳунар ўқувчи-ёшларни ҳаётга ижодий назар билан қарашга, табиат гўзаллигини, ҳаётни севишга, сабр-тоқатли бўлишга ўргатади.

Албатта, устоз-шогирд анъаналари туфайли ўқувчи-ёшлар мамлакатимиз турли типдаги таълим муассасаларида ўқиш билан бирга анъанавий ҳунар ўрганишга ўз хиссаларини қўшишга муваффақ бўладилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президента И.А.Каримовнинг 2006 йилнинг 5 январда «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг амалга оширилиши ҳунармандлар ва устоз - шогирд анъаналарига катта ёрдам беради. Фармондан кўзлаган мақсад - миллий шароитимизга мос уй меҳнати турларини кенгайтириш, уларнинг ишлаб чиқариш корхоналарини ҳамда оила бизнеси - тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ҳам ўз хиссасини кўпайтириш.

Ҳунармандлар ёрдамида тайёрланаётган кашта буюмлари кўп меҳнат талаб қилса-да, камчиқим ҳисобланади. Кўп меҳнат, асосан, игна-ип билан бажарилиб, халқ эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Каштачилик, асосан, аёллар қўл меҳнати билан амалга оширилади.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида Фарғона водийси ҳудуди XIX аср охири – XX аср бошларида ҳам марказий шаҳарлардаги бозорлар ўзининг гавжумлиги, сотиладиган молларнинг тури ва миқдорининг кўплиги, тузилиши, бозор ахли этник таркиби билан бошқа ҳудуд бозорларидан ажралиб турган. Бозорлардан кашта буюмлари, каштачиликда ишлатиладиган матолар, иплар, сотиб олиб ишлатилган.

Айтиш жоизки, бугунги бозор муносабатлари шароитида кашта буюмлар: чорси, Марғилон дўппи, Чуст дўппи, Андижон дўппиларининг ўрни алоҳида ажралиб туради. Шу боис халиқимизнинг каштачилик буюмларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун аёллар ва қизларнинг меҳнати зарур. Бу эса мамлакатимизда кашта буюмлари яратиш зарур эканлигини тақозо қилади.

Бозор иқтисодиётига асосланган барча мамлакатларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, фан-техника тарвдиётини тезлаштиришда муҳим роль ўйнайди, янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Микрофирмалар ва хусусий корхоналар бизнес ва тадбиркорликииг ташкилий шакли сифатида йирик бирлашма корпорация ва шу билан бирга уюшмаларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишига йўл очади.

Анъанавий каштачиликни ривожлатириш кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти, айниқса, хусусий фирмалар тажрибали ва тажрибасиз кишиларни ҳам иш билан таъминлаш имконини беради. Иқтисодий ўсишни таъминлашда, янги иш ўринларини ташкил этишда, бандлик муаммосини ҳал қилишда, аҳолининг

даромадлари ва фаровонлигини оширишда, барча ҳунармандчилик соҳалари каби каштадўзлик ҳунари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда анъанавий каштадўзликка алоҳида эътибор қаратилди.

Андижондаги маҳаллий бозорларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, эркаклар дўппилари турларига қараб, ҳар бири 40 - 80 минг, қизлар дўппилари эса 10 - 50 минг, чорсилар 2-20 минг, ёстиқ ғилофлари кашталари 10-20 минг сумгача сотилмоқда.

Халқимизнинг кашта буюмларига бўлган эҳтиёжини билиш мақсадида 50 та саволдан иборат анкета саволлари тузиб чиқилди. Анкета саволлари асосида Фарғона вилоятида, Наманган шаҳрида ва Андижон шаҳри ҳудудида сўровнома ўтказилди. Бунинг натижасида аҳолининг кашта буюмларига бўлган эҳтиёжи ва меҳнат ресурслари ўрганиб чиқилди. Анкета саволлари асосидаги сўровнома натижасида аниқланишича, 16 % фуқаронинг оналари каштачилик билан шуғулланишган. Фарзандлари каштадўзлик ҳунаридан хабардор. Сўралганларнинг 89 % и аёллар дўпписи ҳозирги кунда ҳам керак эканлигини, 80 % и эркаклар дўпписи керак эканлигини, 79 % и кашта тикишда нималардан фойдаланиш мумкинлигини ва тикишга қизиқиши борлигини кўрсатди.

Юқоридаги анкета саволлари асосидаги кўрсаткичларидан билиш мумкинки, республикамизда ривожланган Ғиждувон, Бойсун, Нурота, Бухоро каштачилик мактаблари каби Андижон, Наманган, Фарғона, Марғилон каштачилик мактаблари ҳам уз ўрнини кўрсатиб келмоқда.

Янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда шу асосда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш мақсадларини самарали хал этишда анъанавий каштадўзликни ривожлантириш салмоқли аҳамият касб этмоқда.

**Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2008.
2. Бернштам А. Н.Киргизский народный повествовательный узор- Киргизский национальный узор. - Ленинград-Фрунзе: 1948.
3. Писарчик А.К. Народное прикладное искусство таджиков. –Душанбе: 1987.
4. Симаков Н.Е. Искусство Средней Азии. Сборник орнаментов и узоров, снятых с натуры на памятниках арх. и предметах гончарных ткацких, ювелирных и пр. в 1879. СПБ., 1883.
5. Тарасов А.Н. Народное вышивки Бухары. Декоративное искусство. 1957.
6. Уразов М.Б. Каштадўзлик ва тўқимачилик ҳунарларига оид атамалар. Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. № 6, 47-49-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ўзбек анъанавий каштадўзлигининг спектрал-вариативлиги физика, математика, кимё, технология ва ҳоказо фанлар интеграцияси асосида баён қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье описывается спектральная изменчивость узбекской традиционной вышивки, основанная на интеграции физики, математики, химии, технологии и т.д.

**SUMMARY**

The article describes the spectral variability of Uzbek traditional embroidery, based on the integration of physics, mathematics, chemistry, technology, etc.

## ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА АРАЛАШ ТАЪЛИМ УЧУН ЎҚУВ КОНТЕНТИНИ ЯРАТИШ ВА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ҲАҚИДА

**Ш.Ш.Юлдашева** – *педагогика фанлари номзоди, доцент*
**Г.А.Юсупова** – *ассистент-ўқитувчи*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** аралаш таълим, ўзбек тили, давлат тили, рақамли технологиялар, интерфаол машқ, интерфаол диктант, “Savodxon”.

**Ключевые слова:** смешанное обучение, узбекский язык, государственный язык, цифровые технологии, интерактивное упражнение, интерактивный диктант, “Savodxon”.

**Key words:** blended learning, Uzbek language, digital technologies, interactive exercises, interactive dictator, “Savodxon”.

Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига, олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига, ўзимиз фаолият юритаётган таълим муассасаси томонидан танланган устувор йўналишларга, манзилли ҳаракатлар дастурига таяниб, ислоҳотларнинг олдинги сафида бўлиш тақозо қилинаётган шароитда педагоглар анъанавий ва замонавий ўқитиш усулларини интеграциялашга аҳамият қаратишмоқда. Бундан ўзбек тилини ўқитиш жараёни ҳам мустасно эмас. Аксинча ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми ортиб бораётган даврда уни ривожлантириш ва ўқитиш методикасини такомиллаштиришга эътибор янада кучайиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига кўра халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун – 21 октябрь санаси «Ўзбек тили байрами куни» деб эълон қилинди, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Айниқса мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга қаратилган ишларни амалга ошириш қаторида давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш ва халқимиз ҳамда чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликлари ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш каби вазифаларнинг белгилаб берилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим [1]. Бу борада таълим муассасаларида ўзбек тилини давлат тили сифатида ўқитиш масаласи янада долзарблик касб қилади. Дарҳақиқат, бўлажак мутахассиснинг касбий лаёқати ва маҳорати ҳозирги даврда ўз касби доирасида қўлланадиган соҳа терминларини, давлат тилида иш юритиш малакасини, нутқ маданияти асослари ҳамда нотиқлик меъёрларини ҳам билишни тақозо этмоқда. Шу билан бирга ўзбек тили ўқитувчисининг мақоми ҳам тубдан ўзгармоқда. Эндиликда у ягона ахборот манбаси ва дарсининг олий ҳакамы вазифасини бажара олиши мумкин эмас. Ҳозирда унинг вазифалари талабаларнинг мустақил таълим олишини ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлаш,

улар билан мулоқот қилиш, шунингдек, талабаларнинг жамоавий лойиҳавий ишларини олиб бориш билан боғланмоқда. Иккинчидан, ўзбек тили ўқитувчиси педагогик дизайн маҳоратини ва етарлича компьютер саводхонлигини эгаллаши талаб қилинмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ҳам таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш бўйича бир қанча тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, улар орасида қуйидагилар профессор-ўқитувчилар фаолияти билан узвий боғланади:

таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этиш;

миллий электрон таълим ресурслари яратилишини жадаллаштириш, хорижий электрон таълим ресурсларини таржима қилиш ишларини ташкил этиш, таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобиль қурилмаларга юклаб олиш мақсадида кутубхоналарда QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, таълим жараёнида халқаро миқёсда кенг қўлланиладиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни ривожлантириш кабилар [2].

Маълумки, бу вазифаларнинг ижроси жаҳонда таълим индустриясида бўлаётган инновацияларни ўрганиш билан узвий боғланади. Дарҳақиқат, жаҳон тажрибалари ҳали чуқур текширишларсиз, фақат танишиш учун ўрганиб чиқилганидаёқ уларнинг қатор афзалликлари намоён бўлади. Бинобарин, компьютер технологияларининг, хусусан, электрон таълимнинг тил ўқитиш соҳасидаги беқиёс ўрни ҳақида баҳслашиб ўтириш ортиқча эканлиги ҳаммага равшан. Компьютерни тил таълимида қўллаш бу шунчаки, урф деб қаралмаслиги керак, аксинча, қайси ўринда ўқитиш методикаси самарали натижа бермаётган бўлса, шу жараёнга компьютер технологиясини татбиқ қилиш заруриятини ҳисобга олиш зарур [3].

Маълумки, дастлаб таълим жараёнида электрон дарслик, электрон ўқитувчи тушунчалари пайдо бўлганида аксарият ўқитувчиларда хавотир пайдо бўлди. Бунинг сабаби дарс жараёнида ўқитувчининг роли пасайиб кетиши ёки фақат бошқарувчи вазифасини бажариб қолиши мумкин деб қаралганида эди. Ваҳоланки, бугунги кунга келиб электрон дарсликлар, электрон ресрурслар воситасида ўқиш-ўрганиш жараёни учун ўқитувчининг аралашувига эҳтиёж катта эканлиги бу фикрнинг мутлақо нотўғри эканлигини исботламоқда. Шунинг учун ҳам электрон таълимни анъанавий таълим билан уйғунлаштириш тақозо қилинади.

Дунё таълим тизимида XX аср охири ва XXI аср бошлари янгидан янги атамаларнинг кириб келиши билан ўзига хослик касб этади. Хусусан, edtech (таълим технологиялари), e-learning (э-таълим), blended-learning (аралаш таълим) атамалари ҳаётимиз билан узвий боғланди. Электрон дарсликлардан то масофали таълим, булутли технологиялар, оммавий очиқ онлайн курсларигача бўлган тараққиёт таълим шаклларининг ҳам такомиллашишига омил бўлди [4].

Маълумки, таълим шакллари (лотинча форма – ташқи кўриниш) – бу ўқув жараёнининг мавжудлиги, унинг ички моҳияти, мантиқи ва мазмуни учун қобиқ. Таълимнинг қуйидаги асосий шакллари мавжуд: анъанавий ўқитиш – юзма-юз – лицом к лицу, face to face learning; масофавий ўқитиш – дистанционное образование, distance learning; очиқ ўқув курслари – открытое обучение, Open learning; мослашувчан ўқитиш – гибкое обучение, Flexible learning; аралаш ўқитиш (таълим) – смешанное обучение, Blended learning; электрон ўқитиш (таълим) – электронное обучение, E-learning.

Биз ўз тажрибаларимизда бошқа фанлар методикасида кузатилаётгани каби ўзбек тилини ўқитишда анъанавий таълимнинг электрон таълим ва масофавий таълим билан уйғунлашган тури, яъни аралаш таълимнинг самарасини кўрмоқдамиз.

Деклан Берн урфга айланган "blended learning" (аралаш таълим) ҳақида шундай ёзади: Ушбу атама бир нечта ўқитиш методларини ўз ичига олган ўқув натижаларига ишора қилади ва айни пайтда муайян вақтда электрон таълим ва мустақил таълим уйғунлигидаги турли хил фаолият турларини қамраб оладиган таълимни тавсифлаш учун қўлланилади [5]. Умуман аралаш таълим бой педагогик тажрибадан самарали фойдаланишга қаратилган бўлиб, унинг калити кам харжлар билан юқори самарага эришиш учун ахборот коммуникация воситаларини, яъни рақамли технологияларни тўғри танлаш ва уйғунлаштиришда намоён бўлади.

Бу тизимда ўқитувчи таълим марказида қолади ва интернет имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланади. Blended learning масофавий таълим (Distance learning), синфхонада таълим (Face-to-Face learning) ва интернет орқали таълим (Onlin learning)дан иборат.

Ўзбек тили машғулотларида татбиқ қилинаётган аралаш таълимнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: аниқ назарий маълумотларга асосланиш; таълим олувчилар ва таълим берувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик; таълимнинг шаффофлиги.

Ўзбек тили машғулотлари учун аралаш таълимни татбиқ этиш босқичлари қуйидаги тартибда бўлади:

1. Ўрганилиши назарда тутилган мавзуга мос ўқув материалини ихчам тарзда тайёрлаш, амалий ўрганиш учун интерфаол машқ ва топшириқлар, интерфаол диктантлар яратиш, уларни босмадан чиқариш ёки тил таълимига оид чекланмаган электрон ўқув нашрлари, электрон манбаларни яратиш ва таълим олувчиларга тақдим қилиш, жумладан:

а) ўқув материаллари модулларга ажратилган ўргатувчи дастурлар; б) имло ва пунктуация қоидаларини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи электрон ўқув нашрлар; в) ўзбек тили синтаксиси ва пунктуацияси бўйича қоидалар жамланган ўргатувчи дастурлар; г) электрон луғатлар: электрон имло луғати, электрон изоҳли луғат, синонимлар, омонимлар, антонимлар, фразеологизмлар, тасвирий ифодаларнинг электрон луғатлари; д) ўзбек тилидан интерфаол машқлар ва диктантлар; е) тест дастурлари; ё) ўзбек тилидан электрон жадваллар; ж) ўргатувчи аудиодастурлар ва ҳ.к.

2. Матнларни мультимедиалаштириш орқали ўқитувчининг мавзуни батафсил тушунтиришига ўрин қолдирмайдиган тарзда тақдим қилиш (матн, овоз, жонли ҳаракат, график тасвир: жадваллар, алгоритмлар)

4. Тақдим қилинган материалларни ўрганиш учун кўрсатма бериш.

5. Тақдим қилинган материалларнинг талабалар томонидан мустақил ўрганилиши.

6. Дарс жадвалига асосан белгиланган машғулотда талабаларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалар, бадиий ва илмий адабиётлар, электрон ресурслар устида ҳамкорликдаги ишини ташкил қилиш.

7. Ўқув лойиҳалари ва кейс-топшириқларини бажариш.

8. Ўрганилган мавзулар бўйича назорат ишларини ташкил қилиш ва баҳолаш.

Аралаш таълимни амалга ошириш давомида талабаларга ўз фикрларини билдириш учун имконият бериш, таълим олувчиларда ўзига ишонч ва фанга мотивация уйғотиш, ўзлаштириши паст бўлган таълим олувчиларга бошқа иқтидорли таълим олувчиларнинг

ёрдамини ташкил қилиш, “суфлёр” ролини табиий деб қабул қилиш, таълим олувчиларнинг паст баҳоларини юқорилатишга имкон бериш кўзда тутилади.

Аралаш таълимни ўзбек тили дарсларида қандай татбиқ қилмоқдамиз? Маълумки, ўзбек тили амалий йўналишдаги фан саналади. Коммуникатив-нутқий ёндашув асосида тузилган фан дастурига таянган ҳолда талабаларга нутқий мавзулар ва ўзбек тили грамматикасига оид ўргатувчи дастурлар ҳамда қайта кўчириб ёзиш талаб қилинмайдиган репродуктив ва қисман изланувчанликка асосланган интерфаол машқлар тайёрланди. Улар “Savodxon” мультимедия иловаси сифатида жамланди.

Биз татбиқ қилаётган аралаш таълим анъанавий таълимга кўмакчи, балки уни қўллаб-қувватловчи сифатида хизмат қилмоқда. Ўзбек тили дарслари анъанавий усулда белгиланган дарс жадвали бўйича аудиторияда ташкил қилинмоқда. Бунда талабалар фаннинг хусусиятлари, асосий ва қўшимча адабиётлар, шу билан биргаликда электрон манбалардан фойдаланиш ва мустақил бажарилиши кўзда тутиладиган ишлар бўйича услубий маслаҳатлар оладилар. Семестр охирида ўзлаштирилган билим, малака ва кўникмалар анъанавий усулда баҳоланади. Шу билан биргаликда талабалар институтнинг Moodule (213.230.91.135) тизимида “Ўзбек тили” фанидан жойлаштирилган ўқув материалларидан фойдаланишади. Талабалар ўрганилиши кўзда тутилган мавзуларга оид қўшимча манбалар билан танишадилар ва муайян назорат ишларини онлайн тизимда топширишади. Биз барча талабаларнинг деярли институтга келмасдан интернет орқали таълим олишларини назарда тутмадик. Фақат сиртқи бўлимда таҳсил олаётган талабалар бундан мустасно. Улар аксарият мавзуларни интернет тизимида мустақил шуғулланган ҳолда ўқитувчи билан чат, форум, электрон манзил, мессенжерлар орқали мулоқот қилиш орқали ўзлаштиришга йўналтирилди. Бу талабаларга Ўзбек тили фани учун ўқув материаллари матн, аудиоматн, видеоролик, турли, жадваллар, схемалар, фотоматериаллар ва манбаларга ҳаволалар (гипермурожаатлар) билан тақдим қилинмоқда. Сиртқи бўлим талабалари ҳам “Имло қоидаларини ўрганамиз”, “Пунктуация қоидаларини ўрганамиз” электрон ўқув нашрлари, “Savodxon” мобиль иловаси билан қўшимча манба сифатида таъминланган. Талабаларнинг билим, малака ва кўникмалари интерфаол машқларни ва диктантларни бажариш, матн яратиш, электрон хатлар ёзиш каби шаклларда назорат қилинмоқда. Маълумот алмашиш жараёни файл жўнатиш ва қабул қилиш шаклида амалга оширилмоқда. Бажарилган ишларнинг баҳоланиши эса ишнинг тўғрилиги, сифатига оид тавсиялар ва мулоҳазалар ёки баҳо шаклида белгиланмоқда.

Аралаш таълимни ташкил қилишда “Savodxon” мобиль иловасининг аҳамияти ўзига хос бўлмоқда. Мазкур илова ОТМлар бакалавр таълим йўналишларининг таълим қорақалпоқ, қозоқ, туркман тилида олиб бориладиган гуруҳларида Ўзбек тили фанидан дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишда фойдаланиш учун мўлжалланган. Мобиль илованинг вазифаси фан доирасида ўрганилиши назарда тутилган нутқий ва грамматик мавзулар бўйича интерфаол машқлар ва интерфаол диктантлардан фойдаланиш орқали янги мавзуни мустаҳкамлаш жараёнини енгиллаштириш, дарсда ўқитувчи ва талабаларнинг амалий фаолиятини автоматлаштириш, талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини назорат қилиш, тез ва адолатли баҳолашдан иборат.

“Savodxon” мобиль иловасидан фойдаланувчилар ихтиёрий модулни танлаш, машқларга ўтиш, уларни бажариш орқали ўз-ўзини баҳолаш, автоматлаштирилган баҳолаш натижалари билан танишиш, натижаларни скриншот қилиб, фан ўқитувчисига ёки гуруҳдошларига жўнатиш каби бир қатор ҳаракатларни осон бажаришлари мумкин. Илова таълим олувчиларнинг фанга қизиқишини орттиришга, шу билан биргаликда ўқитувчилар вақтининг тежалиши, кам куч ва вақт сарфлаб юқори самарага эришишга хизмат қилади. Унга 15 та модул бўйича ҳар бир модулга тегишли 10 та, жами 150 та интерфаол машқлар ва диктантлар талабанинг ўзини ўзи назорат қилишига қулай шаклда жойлаштирилди (1-расм). Ҳар бир модулдаги 10 та машқ соддадан мураккабга томон тузилган бўлиб, улар турли интерфаол диктантларни қамраб олади. Луғат диктант, сайланма диктант, изоҳли диктант, қолипли диктант, ўз диктант, таржима диктант каби анъанавий диктантлар интерфаол диктантларга айлантирилди.



1-расм. «Savodxon» мобиль иловаси: муқова, бўлимлар, модуллар, машқлар

Кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган талабалар томонидан мазкур мобиль иловада қўйилган топшириқларнинг уйда мустақил бажарилишидан сўнг аудиторияда (face-to-face sessions) автоматлаштирилган баҳолашга оид интерфаол машқ ва диктантларнинг таҳлили амалга оширилади. Бу жараёнда талабалар якка, кичик гуруҳларда, шунингдек ҳамкорликда фаолият олиб боришади. Бу жараён айниқса, аралаш таълимни татбиқ қилишнинг дастлабки босқичида ўқитувчидан анъанавий усулдаги дарсга нисбатан кўп вақт ва куч талаб қилишини эътиборга олган ҳолда гуруҳдаги ўзлаштириши яхши ва аъло бўлган талабаларнинг ассистент вазифасини бажариши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу методга кўра аудитория иши мураккаб нутқий ва грамматик мавзунинг назарий қисмини таҳлил қилиш ва ўқувчиларнинг уй вазифасини бажариш жараёнидаги саволларига жавоб беришга бағишланади. Шу тариқа дарсда ўқитувчи устунлигидан талабанинг устуворлигига ўтилади.

Аралаш таълим асосидаги машғулотни муайян 3 қисмга ажратиб олганимиз маъқул бўлади.

Кириш қисм. Асосий қисм. Якуний қисм.

Кириш қисми олдин ўрганилган мавзу бўйича уйга берилган топшириқларнинг бажарилиши (модул тизимидаги, босма ва электрон адабиётлардаги ўқув топшириқлари), талабалар ва ўқитувчи ўртасидаги савол-жавоблар асосида ташкил қилинади. Талабалар янги мавзуни ўрганишга тайёрланади.

Асосий қисмда ўрганилаётган янги мавзу бўйича топшириқлар, матн, аудио ва видео материаллар, расмлар асосида суҳбат, янги сўзлар ва атамалар талаффузи ҳамда имлосини ўрганиш, лексик ва грамматик материаллар билан танишиш амалга оширилади.

Якуний қисмда талабаларнинг ўз-ўзини ва кичик гуруҳлардаги ишларини баҳолаш, кейинги мавзуга қизиқтириш учун муаммоли топшириқлар бериш мумкин. Баҳолашда эса шаффофлик ва адолат таъминланади, гуруҳдагилар ўзларининг ва бошқаларнинг ўзлаштиришларини кузатади, авломатлаштирилган баҳолаш натижаларини оладилар, бир-бирларини баҳолайдилар.

Аралаш таълим асосидаги ўзбек тили машғулотларида ўқитувчи назорати остида талабалар мавзунинг қизиқарли ва мунозараларга бой жиҳатларини юзага чиқаришга интилишади, лексик ва грамматик масалаларни ҳал қилиш учун қўшимча

лингвистик, энциклопедик луғатларга мурожаат қилишади. Шу тариқа талабалар ўқитувчи томонидан қўйилган топшириқларни бажариш учун ахборотларни излаш ва саралаш, қайта ишлов беришга одатланадилар. Тавсия қилинган манбаларни топа олмасалар, ўқитувчи HTML, DOC, AVI, MP3 форматлардаги ўқув материалларини юклаб олиш учун манзилларни юборади. Демак, ўқитувчи мулоқотни мунтазам қўллаб-қувватлаб туради.

Аудиториядаги машғулотдан сўнг талабалар уйда янги мавзу учун амалий ишларни тугатишади, ўрганилган мавзуни мустаҳкамлаш учун яна интерфаол машқлар ва диктантларни бажаришади. Талабалар бу жараёнда ҳам нафақат ўқитувчи билан, балки бир-бирлари билан мулоқотни давом эттиришади. Онлайн мулоқотда саволларга қисқа муддатда жавоб олиш имконига эга бўлишади. Хуллас, аралаш таълимни ўзбек тилини ўрганиш жараёнига татбиқ қилиш давомида бу таълимнинг ниҳоятда мослашувчан ва қулай имкониятларга эга эканлиги кузатилмоқда. Яъни янги ўқув йили бошланишиданоқ ўқитувчи ва талабаларнинг ўзбек тилидаги мулоқоти аудиторияда ҳамда онлайн ва офлайн тизимда бошланади: талабалар ўқув дастурида кўрсатилган анъанавий адабиётлар рўйхати билан биргаликда электрон адабиётлар ва таълимий веб-сайтлар ҳамда логинь, парол(ўрон)лар, мессенжерлар манзиллари ҳақидаги маълумотларни олишади.

Ўзбек тили дарсларида аралаш таълимни татбиқ қилиш жараёнида қуйидаги ижобий жиҳатлар кузатилади:

талабаларда зарур билим, малака ва кўникмаларни эгаллашга интилиш кучаяди;

таълим берувчи ва олувчиларда ижодкорлик орта боради;

талабаларнинг ютуқлари ва камчиликлари ҳақида мунтазам маълумотга эга бўлиш имконияти ортади;

фаннинг мақсад ва вазифаларига, талабаларнинг аниқ имкониятлари ва эҳтиёжларига мувофиқ, ўқув жараёнини бошқаришга қулай ўқитиш усуллари ва таълим воситалари танланади;

талабаларнинг эҳтиёжлари, муайян аудитория хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитишнинг анъанавий, интерфаол усуллари уйғунлаштирилади ва такомиллаштирилади;

ўқув фани учун методик таъминот янгиланиб боради;

ўқитувчида аралаш таълимни ташкил этиш бўйича касбий компетентлик орта боради.

Албатта, аралаш таълимдан фойдаланиш борасида мулоҳазали ва мунозарали ҳолатлар ҳам мавжуд. Жумладан, профессор-ўқитувчиларнинг аксариятида таълимдаги янгиликларни қабул қилишда иккиланишлар кузатилади. Маълумки, бошқа фанларни ўқитиш методикасида жаҳондаги энг сара таълим воситаларини, таълим контентларини ўзбек тилига таржима қилиш орқали фойдаланиш имконияти кучли бўлса, ўзбек тили фани ўқитувчиси аралаш таълим учун контентни ўзи яратиши зарур бўлади. Бу эса махсус тайёргарлик ва вақт талаб қилади. Шунинг учун ҳам аксарият ўқитувчилар аралаш таълимдан кўра анъанавий таълимни устун қўйишади. Талабаларда ҳам мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларининг етарли шаклланмаганлиги, уларнинг муайян қийинчиликлар ва муваффақиятсизликларни енгиб ўта олишга тайёр эмаслиги ҳам аралаш таълимнинг самарадорлигига салбий таъсир қилиши табиий. Шунингдек, таълим муассасаларида кундалик давомат масаласининг биринчи поғонага қўйилиши ҳам аралаш таълимни амалга оширишда масофали таълим салмоғини оширишга изн бермайди.

Шундай бўлса ҳам, аралаш таълимни Ўзбекистон миқёсида ўзбек тили давлат тили сифатида ўқитилаётган барча ОТМларида самарали ривожлантиришнинг муайян педагогик шарт-шароитлари мавжуд деб ҳисоблаймиз. Аксинча техника билан тиллашаётган, рақамли технологиялардан фойдаланишда катта салоҳиятга эга бўлган ёш авлод оқими тобора ортаётган даврда ўзбек тили таълимини рақамли технологиялар билан уйғунлаштирмаслик ўта катта йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Глобаллашув даврида бутун дунёда анъанавий усулда таълим олган шахслардан кўра онлайн ёки аралаш таълим усулида таълим олган битирувчиларга бўлган талаб юқори бўлаётганлигини кузатиш мумкин. Боиси бундай кадрлар нафақат ўз мутахассислигининг билимдони бўлиш, балки функционал саводхонлиги, мустақил қарор қабул қилишга қодирлиги, якка ва ҳамкорликда фаолият юрита олиш хусусияти билан ажралиб туради. Салкам 20 йиллик кичик тарихи биланоқ юксак нуфузга эга бўлаётган аралаш таълимни татбиқ қилиш ўзбек тилини таълими натижадорлигининг омилига айланиши табиий. Шунингдек, ўқитувчининг ўргатувчилик вазифасини ўзгартириб, ўзбек тили оламига йўл бошловчи, етакловчисига айлантириши шубҳасиз. Демак, анъанавий таълимдан фарқли равишда ўзбек тили дарсларини аралаш таълим орқали ташкил қилишда талабаларга ўзбек тилини ўқитиш эмас, балки ўзбек тилида тинглаш, гапириш, ёзиш ва ўқишга ўргатиш бош мақсадга айланади.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони. http://lex.uz/docs/4561730)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси". http://lex.uz/docs/4545884

3. Yuldasheva Sh. O'zbek tili ta'limida zamonaviy axvorot texnologiyalari. Ma'ruzlar to'plami. – Nukus. 2017

4. Магомедова К.Т. Этапы развития электронного обучения и их влияние на появление новых технологических стандартов качества электронного обучения. Bulletin of the South Ural State University. Ser. Education. Educational Sciences. 2015, vol. 7, no. 2, pp. 22–29. https://vestnik.susu.ru/ped/article/viewFile/3647/3335)

5. Declan Byrne, Blended learning. **http://www.trainingreference.co.uk/blended_learning/bldacg1.htm**

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ўзбек тили машғулотларини аралаш таълим асосида ташкил қилишнинг принциплари, босқичлари, усуллари ҳақида сўз юритилади. Аралаш таълим учун ўзбек тилида контент яратиш ва ундан фойдаланишнинг ўзига хослиги, бунда анъанавий таълим ва элетрон таълимни уйғунлаштиришнинг баъзи масалалари таҳлил қилинади. Хулосада аралаш таълимни татбиқ қилиш жараёнидаги қийинчиликлар борасидаги мулоҳазалар келтирилиб, мазкур таълимни самарали ривожлантириш йўллари кўрсатиб берилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье речь идёт о принципах организации занятий узбекского языка на основе смешанного обучения. Анализируются некоторые вопросы создания контента на узбекском языке для смешанного обучения и своеобразия его применения, гармонии традиционного и электронного образований. В выводах приводятся обсуждения по трудностям процесса пропаганды смешанного обучения, указываются пути эффективного развития данного вида обучения.

**SUMMARY**

The article discusses the principles, stages, and methods of organizing Uzbek language classes on a mixed basis. The peculiarities of creating and using Uzbek language content for mixed education are explored in some of the issues of integrating traditional education and e-learning. The conclusion provides an overview of the challenges of implementing a mixed education approach and outlines the ways in which this education can be effectively developed.

# PSIXOLOGIYA

## ПСИХОЛОГИК САЛОМАТЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ

**В.Ю.Ахроров –** *ассистент ўқитувчи*
*Самарқанд давлат университети*

**Таянч сўзлар:** психологик саломатлик, қобилият, муаммо, қадрият, нуктаи назар, мезон, социология, маънавият.
**Ключевые слова:** психологическое здоровье, способность, актуальные проблемы, ценность, критерий, социология, духовность, точка зрения.
**Key words:** psychological health, ability, actual problems, value, criteria, sociology, spirituality, point of view.

Маълумки, инсоннинг руҳий (психологик) саломатлиги муаммоси кўпгина билим соҳаларининг, шу жумладан психология фанининг ҳам ўта синчков ўрганиш объектларидан бири бўлиб ҳисобланади.

МДҲ мамлакатлари психолог, валеолог (валеопсихолог), тиббиёт, психогигиена, психопрофилактика, педагогика, психология ҳамда социология соҳасида илмий тадқиқот олиб борган таниқли олимлар, жумладан, Б.Г.Ананьев, А.Л.Гройсман, И.Н.Гурвич, В.Л.Леви, А.Н.Монтьев, А.Е.Личко, В.Н.Мясищев, Э.Ғ. Ғозиев, Ғ.Б. Шоумаров, Б.Р. Қодиров, В.М. Каримова, З.Т.Нишанова, Р.С.Самаров, Б.М.Умаров, М.Х.Карамян, Д.Шарипова, А.Мусурмонова, М.Тоирова, О.Жамолдинова, А.Саидов, Т.Нарбаева, С.Йўлдашева, Т.Уматқулов, М.Тилавов, К.Рисқулова, И.Маттиевлар талабалар психологик саломатлигини таъминлаш масаласига ўз диққатларини қаратишган. Улар талабалар психологик саломатлиги тушунчаси мазмуни, уни таъминлаш метод ва воситалари, уни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш омилларини тадқиқ этишган.

И.Н.Гурвич "Саломатлик ижтимоий психологияси" номли монографиясида муҳит тараққиёт даражаси шахс саломатлиги (ёки унинг тескариси)нинг асосий сабаби эканлигини таъкидлайди. О.С.Васильева ва Ф.Р.Филатовлар индивиднинг ўз соғлигини сақлашига доир бошланғич уринишининг саломатликни таъминлашнинг назарий вазифаси, шахс саломатлигини таъминлаш моделини қуришда муҳим роль ўйнашини таъкидлашди. Г.С.Никифоров психологик саломатликнинг инсон ҳаёт йўли давомидаги барча ҳаётий шарт-шароитлар билан узвий боғлиқ эканлигини аниқлашга эришган ва уни баркамоллик тушунчасида ифодалаган. Унингча, "баркамоллик" тушунчаси индивид ҳаётининг барча томонларига тегишлидир. "Баркамоллик – инсоннинг шундай ҳолатидирки, бунда унинг ҳаётининг жисмоний, социал, психик, маънавий, эмоционал жиҳатлари гармоник чамбарчас боғланган, карьераси, оилавий ҳаёти омадли келган бўлади. Уларнинг ҳар бири алоҳида ҳамда биргаликда унинг соғлиғига катта ижобий таъсир кўрсатади, инсон ҳаёти сифатли ва тўлақонли кечади" [13:43].

"Психологик саломатлик" тушунчасини ёритиш учун ундаңда умумийроқ бўлган "Саломатлик" тушунчасини ҳар томонлама таҳлил этишга тўғри келади. Саломатлик тушунчаси тарихий нуқтаи назардан қандай юзага келганлагини қараб чиқамиз. Жумладан, Гегель саломатликни организм ўзлиги ҳамда борлиқ билан биргаликда мавжудлиги орасидаги мослик сифатида тасаввур этади, унингча, "саломатлик организм учун ҳеч қандай енгиб ўтиш мумкин бўлмаган ноорганик тўсиқ мавжуд бўлмаган тақдирда органик ва ноорганик бирликнинг тенг мувозанатидан ташкил топади" [4:17].

"Социологияга доир қисқа луғат"да (1989) аҳоли саломатлиги термини ҳақида муфассал тушунча берилган, булар:

1) касалликка тескари бўлган инсоннинг камкўстсиз ҳаёт кечириш ҳолати;

2) инсоннинг касаллик, жисмоний нуқсонлардан холи бўлибгина қолмай, тўлиқ жисмоний, маънавий ва ижтимоий баркамол ҳаёт кечириш ҳолати;

3) инсон организмининг уни ўраб олган муҳит билан мувозанати, турли оғриқли ўзгаришлардан холилигини ўзида ифодаловчи табиий ҳолати;

4) субъектнинг (шахс ва социал борлиқнинг) оптимал ҳаёт кечириш ҳолати унинг ҳар томонлама ва узоқ вақт давомида ҳаёт кечира олиш шароитининг ижтимоий тажрибада мавжудлиги;

5) инсон ва социал жамоа ҳаёти ва фаолиятининг миқдорий-сифатий тавсифномаси.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Низомида ёзилишича: "Соғлик бу – фақатгина касаллик ва жисмоний нуқсонлардан фориғлик бўлиб қолмай, балки тўлиқ жисмоний, руҳий ва ижтимоий баркамолликдир" [15].

Кўринадики, соғлик кўпгина омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз психологик мазмунига эгадир. Саломатлик кўп омилларга боғлиқ эканлигидан келиб чиққан ҳолда уни фақатгина тизимли ёндашув воситасидагина ўрганиш мумкин.

Б.Ф. Ломов фикрича, тизимли ёндашув шундай методологик асоски, унинг асосида руҳият табиати ўзининг ички ва ташқи муносабатлар бирлигида тадқиқ этилиши мумкин [9]. В.Н.Мясищев фикрига кўра, энг муҳим принциплардан бири – иерархик принцип бўлиб, унга мос равишда инсон табиати мураккаб тирик тизим сифатида намоён бўлади, унинг ҳаёт фаолияти бир-бири билан боғлиқ бўлган (биологик, психик, социал) соҳалардаги вазифалар даражасида содир бўлади [12], бу принцип кейинчалик А.Н.Леонтьев томонидан қуйидагича тўлдирилди: "Биз ҳеч қийинчиликсиз инсонни ўрганишнинг турлича даражаларини ажратиб кўрсата оламиз: биологик даража – бунда у жисм сифатида, табиат маҳсули сифатида тадқиқ этилади; психологик даража – бунда у жонли субъект фаолияти сифатида намоён бўлади, ва ниҳоят, ижтимоий даража – бунда у объектив ижтимоий муносабатлар, ижтимоий-тарихий жараённи ўзида акс эттирувчи сифатида кўринади" [8:231].

Юқорида келтирилган ҳар бир даражада инсон саломатлиги ўзига хос сифатларни намоён қилади. Дарҳақиқат, алоҳида инсон саломатлиги ҳаётий куч, ҳаёт лаззатларини ҳар томонлама ҳис этишнинг давомийлиги, ижтимоий фаоллик ва шахснинг гармоник ривожланганлиги билан тавсифланади.

А.Я.Иванюшкин ўз изланишларида "Саломатлик"ка доир мазкур ёндашувни қадриятли-мазмунли ёндашув сифатида талқин қилади. У мазкур қадриятларни тавсифлашнинг уч хил даражасини таклиф этади: биологик – саломатлик аслида организмнинг ўз-ўзини бошқариши, физиологик жараёнлар гармониясини талаб этади, натижада максимум муҳитга мослашув (адаптация)ни тақозо этади. Ижтимоий – саломатлик индивиднинг ижтимоий фаоллиги мезони, инсоннинг табиатга бўлган фаол муносабати ҳисобланади. Шахсий, психологик – саломатлик фақатгина касалликдан фориғлик эмас, балки уни рад этиш, бартараф эта билишдир (саломатлик – организм ҳолатигина эмас, балки "инсон ҳаёти стратегиясидир" [7:31].

Саломатлик тушунчасига нисбатан бир қадар фарқ қилувчи қарашни И.И.Брехман олға сурган. Унингча,

“инсон саломатлиги – унинг ёшига нисбатан уч хил: сенсор, вербал ва структурали ахборотлар параметрининг кескин ўзгариши пайтида организм ҳолатини турғун ҳолда сақлай билиш имкониятидир” [4:28]. Яна у: “Саломатлик адаптация жараёнини белгилайди: ўзгараётган ташқи муҳитга мослашув имкониятини яратади, ўсиш ва қариш, даволаниш, қайғуриш ва ўлимни тинчгина кутиб олиш каби. Бу мос равишда тегишли ёшда миқдор ва сифат параметрлари тезкор ўзгаришга учраганда сенсор, вербал ва структурали ахборотларга бардошлиликни сақлайди” [5:27], деб ҳисоблайди.

Психологик саломатлик инсоннинг яхлит ижтимоий биологик мавжудот сифатидаги нисбатан турғун тавсифномаси бўлиб, ўзида ўз олдига принципиал ҳаётий мақсадларни қўя билиш, уни ҳал этишга интилиш, ўз хулқ-атворини реал ҳаёт (жамият талаблари, табиат қонунлари) билан мослаштириш, ўз-ўзини барча жабҳаларда (психофизиологик даражадан қадриятлар йўналиши ва дунёқарашгача) бошқара билиш қобилиятларида намоён бўлади. Психологик саломатлик қотиб қолган ҳолат эмас, у ҳаёт давомида ўзгариб бориши мумкин. Турли хил ҳаётий шароитлар таъсирида инсон саломатлиги яхшиланиши ёки ёмонлашуви мумкин. Қуйида психологик саломатликнинг мезонлари масаласига тўхталамиз.

О.С.Васильеванинг фикрича, психологик саломатликнинг асосий мезони – эмоционал соғлик, қайғуриш – инсоннинг ички ҳолати ҳамда ўзига, ҳаётга ва бошқаларга бўлган муносабати, асл инсоний қадриятни ҳис этишидан иборатдир. Бунда хулқ-атвор даражасида қабул қилинган ва қилинмаган қарор, ҳаракатлар, ҳолатлар, бошқа инсонлар билан бўладиган муносабатлар, яъни реал ҳамкорлик ҳақида фикр юритиш мумкин [6:408]. Иккинчи муҳим мезон сифатида инсоннинг ҳаётга бўлган ижодий ёндашуви, ўз тутган ўрнини билиши, унинг ижобий, қувончли ҳолатини олиш мумкин [6:410]. Маънавий саломатлик мезонига эса инсоннинг келажакка бўлган оптимистик қараш, вақтинчалик истиқболнинг мавжудлиги, ўзи ва атроф-муҳит билан гармоник муносабатда бўлиш, бировни айбламаслик, хафа бўлмаслик, хафа қилмаслик, қўрқмаслик ва юксак ахлоқийлик кабилар киради [2]. Саломатлик мезонига ўз-ўзини рўёбга чиқариш, ўз ҳаётига, соғлигига нисбатан масъулиятлилик кабилар киритилиши мумкин. А.Эллис фикрича, психологик саломатлик тушунчаси ўзига, ўз-ўзига қизиқиш, ижтимоий қизиқиш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз эмоционал қилмишлари учун масъулиятни қамраб олади [14:15].

Ҳозирги замон Ғарб психологлари ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва эҳтиёткорликнинг намоён бўлиш даражасини психологик саломатликнинг энг ахборот ташувчи кўрсаткичларидан бири деб ҳисоблашади. Гуманистик психология доирасида психологик саломатликнинг қуйидаги мезонлари мавжуд: «Мен»га бўлган муносабат, шахснинг ўз-ўзини рўёбга чиқариши, шахсиятнинг мукаммаллиги, реалликни идрок этиш [14].

Психологик саломатликнинг психотерапияда тез-тез қўлланиладиган мезонаридан бири реал «Мен» образини идеал «Мен» образи билан таққослаш, яъни инсоннинг қандай киши бўлишни хоҳлаши билан таққослашдир. Реал «Мен» образининг идеал «Мен» образи билан юксак даражада мос келишини психологик саломатликнинг юқори кўрсаткичи деб ҳисоблаш қабул қилинган [10:158].

Инсон психологик саломатлиги тўғрисидаги янгича «ижобий» йўналишлар саломатлик мезони сифатида инсоннинг ривожланиши, ўсиши, ўз-ўзини намоён этиши, ўз қилмиш ва фаолиятини онгли бошқариши, ўзи ва бошқалар олдида масъулиятни ҳис этиши, ўзи ва атрофдагиларни адекват идрок эта билиш қобилиятини ҳисобга олади. Худди шундай, С.Л.Братченко шахс саломатлиги муаммосини тадқиқ этар экан, унинг мезони таркиби сифатида шахс ўсишининг шахслараро мезони сифатида ўз-ўзини қабул қилиш, ички изтироблар тажрибасидаги очиқлик, ўз-ўзини тушуниш, масъулиятли эркинлик, жамулжамлик, динамиклик ва интерперсонал мезонлар - бошқаларни қабул қилиш, тўғри тушуниш, ижтимоийлашув, ижодий барқарорлик кабиларни киритади [3:42].

Бизнинг назаримизда, психологик саломатлик икки хил белги асосида аниқланади:

Биринчи белги – ҳаётий фаолиятнинг асосий шаклларида оптимистик принципга амал қилиш, яъни ўртачалик (мўътадиллик) олтин қоидасига риоя қилиш. Бундай белги юқорида зикр этилган шахс саломатлиги мезонларига доир файласуф, ёзувчи, инсоншунослар томонидан қадим замонлардан ҳозирги кунимизгача бўлган даврда баён этилган қарашларда ўз аксини топган. Марказий Осиё мутафаккирлари фалсафий қарашларида бу ҳол яққол намоён бўлади. Масалан, Абу Наср Форобий “Бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида” номли асарида ахлоқий фазилатлар мезонини ишлаб чиқди. Унингча, ҳар бир ҳодисада ҳам ўртача меъёр маъқул. Масалан, у жасурлик масаласида шундай дейди, “Жасурлик яхши ахлоқий сифат, у мўътадил мардлик сифатида хавфли ҳолларни бартараф этишда юз беради. Ўта кетган жасурлик ақлсизликни, ками эса қўрқоқликни туғдирадики, бу ўта ёмон ҳислатдир. У сахийлик масаласида ҳам худди шу мезонни қўллайди. Ҳазил-мутоиба ҳам ўртача бўлгандагина шавқ-завқ бағишлайди. Ишлаш ва дам олиш ҳам шундай, агар киши ўзида бўлмаган яхши хислатларни ўзича “ёпиштирса”, худбинга айланади. Агар ҳар қандай фазилатни ўзига ёпиштирадиган бўлса, ёлғончи бўлиб қолади. Дўстлик икки кишининг муносабатидаги мўътадил алоқадир. Унинг ортиғи ёки камлиги дўстликка путр етказади” [1:29-30].

Иккинчи белги – эффектив ижтимоий, социал психологик, интрапсихик мослашув (адаптация) дир.

Мазкур белгиларни алоҳида таҳлил этиш шахс психологик саломатлиги даражасини сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш мезонлари сифатида хизмат қилиши мумкин. Улар бир-бири билан узвий алоқадорликда бўлиб, шахсий фазилатлар сифатида ҳам қаралиши мумкин (масалан, танқидий қараш ёрқинлиги, ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлиш, ўз-ўзини назорат қилиш қобилияти, коммуникатив жадаллик, эзувчи боғлиқликлардан фориғлик ва ҳ.к.).

Юқорида қайд этилган белгиларни аниқлаштириш учун А.Маслоу томонидан таклиф этилган психологик саломатликнинг бош мезони хизмат қилиши мумкин, бу – шахснинг ўз-ўзини намоён этишидир. Муаллиф таъкидлайдики, ҳар бир киши ҳаётда қандай ўринни эгаллаш, ким бўлишни онгли равишда танлаши, ўз-ўзини ривожлантиришнинг ўзигагина хос йўлини танлаши лозим [11:97]. А.Маслоу ўзликни инсоннинг ички табиати, ўзаги, индивидиумнинг ўзигагина хос бўлган диди, қадрият ва мақсадлари асосида аниқлайди. Ўз ички табиатини англай билиш, унга амал қилган ҳолда ҳаракат қилиш ўзликнинг намоён бўлишига хосдир. А.Маслоу кишилар ўзлигининг намоён бўлиши қуйидаги хусусиятларга эга деган хулосага келади: борлиқни идрок этишнинг олий даражада эканлиги; ўз-ўзи, бошқалар, атроф-муҳитни амалда қандай бўлса, ўшандай қабул қила билиш; юксак ҳозиржавоблик; муаммони ҳал этишга бўлган қобилиятнинг анча ривожланганлиги; ўзини четга тортиш, танҳоликка мойилликнинг яққол намоён бўлиши; автономлик ва қандайдир битта маданиятга мойилликка қаршиликнинг ёрқинлиги; идрокнинг ва эмоционал реакцияларнинг соф ва бой эканлиги; қайғурганда

жўшқинликнинг юксак чўққида эканлиги; ўзини барча инсоният билан биргаликда эканлигини ёрқин тасаввур этиш; шахсий муносабатлардаги ўзгаришлар; характернинг фарқ қилувчан демократик тузилмаси; ижодий қобилиятнинг юксаклиги; қадриятлар тизимида муайян ўзгаришлар; ижодкорлик (креативлик).

аввал ва кейин махсус иш қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар бир-биридан яққол фарқланувчи ўзгаришлар динамикаси билан қайд этилди. Масалан, ушбу волейболчи болаларда 43 см. баландда ўрнатилган маркерга максимал марта сакраш сони 31,9±3,44 мартани ташкил этди. Демак, ана шу максимал марта вертикал сакрашлар сони мазкур болаларнинг сакраш иш қобилиятини ифодалайди – деб эътироф этиш мумкин. Лекин бундай ҳажмга лойиқ максимал марта сакраш иш қобилияти шу ёшли волейболчилар учун етарлими ёки йўқми? – деган савол туғилади. А.В.Суханов, Е.В.Фомин, Л.В.Булыкина (2012)ларнинг маълумотларига қараганда, 5 партияли бир ўйин давомида юқори малакали волейболчилар фақат ҳужум зарбалари ва тўсиқ қўйиш учун ўртача 106 марта, ўйин функцияларига қараб индивидуал кўрсаткичлар диапазони 76–114 мартани ташкил этар экан. Бир машғулот давомида эса фақат зарба ва тўсиқ қўйиш учун 147 мартагача сакрашга тўғри келар экан. Бундан ташқари ушбу волейболчилар яна 250 мартагача бошқа техник усуллар (тўп узатиш, тўп киритиш) ва чалғитувчи ҳаракатларни ижро этиш учун кўп марталаб сакрашларига тўғри келар экан. Шундай экан тадқиқотимизда иштирок этган ёш волейболчиларда қайд этилган максимал марта сакраш сонининг ўртача кўрсаткичи (31,9±3,44 марта)ни етарли деб бўлмайди. Боз устига мазкур кўрсаткичнинг кардиопульсометрик қийматининг нисбатан баланд бўлиши сакраш иш қобилиятининг оптимал шаклланмаганлигидан дарак беради. Ана шу жиҳатдан максимал марта сакраш, тезкорликни ифодаловчи бошқа тестлар ва машғулот юкламаларининг функционал қийматини аниқлаш волейболчиларга хос махсус иш қобилиятини янада объектив баҳолаш учун ниҳоятда муҳимдир. Чунончи, тадқиқотда иштирок этган 15-16 ёшли волейболчиларда максимал марта сакраш тестидан аввал ЮҚС 77,5±2,83 марта/дақ. билан ифодаланган бўлса, тест юкламасидан кейин ушбу кўрсаткич 129,4±3,92 марта/дақ.ни ташкил этди (1-жадвал).

*1-жадвал*

**15-16 ёшли волейболчиларда машғулот ва тест юкламаларидан аввал ҳамда кейин иш қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси – n=43 ($\bar{X}$ ±δ)**

| Функционал тестлар / Ҳаракат тестлари | Ҳаракат тестлари натижа-лари | ЮҚС (марта/дақ.) | НОС (марта/дақ) | АҚБ (мм/с.у.) | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Систолик босим | Диастолик босим |
| 43 см. баландда ўрнатилган маркерга максимал марта сакраш (марта):<br>- машғулотдан аввал | 31,9±3,44 | 77,5±2,83<br>129,4±3,92 | 14,3±1,12<br>35,6±2,26 | 117,9±3,17<br>147,5±4,22 | 81,9±2,17<br>77,3±2,01 |
| - машғулотдан кейин | 25,5±3,12 | 159,2±5,02<br>168,6±5,39 | 37,7±2,76<br>41,3±3,44 | 156,5±3,71<br>161,7±3,89 | 75,2±2,11<br>77,8±2,11 |
| “Арчасимон” югуриш<br>92 м. (сек.):<br>- машғулотдан аввал | 24,5±2,05 | 72,6±2,92<br>129,4±4,36 | 13,7±1,02<br>38,3±3,14 | 127,3±2,46<br>149,2±3,72 | 71,6±1,81<br>75,2±1,53 |
| - машғулотдан кейин | 28,9±2,47 | 168,3±3,97<br>172,5±4,07 | 39,2±2,18<br>43,8±2,36 | 158,4±3,01<br>167,5±5,38 | 73,5±1,92<br>71,7±1,78 |
| 9-3-6-3-9 м.га моккисимон югуриш (сек.):<br>- машғулотдан аввал | 8,3±0,78 | 69,6±2,11<br>127,4±4,09 | 14,9±1,27<br>33,7±2,78 | 124,3±2,16<br>147,5±3,12 | 70,5±1,52<br>73,6±1,92 |
| - машғулотдан кейин | 12,7±0,99 | 138,7±4,72<br>159,4±5,88 | 37,9±2,03<br>43,4±3,17 | 149,8±3,24<br>161,7±3,98 | 72,6±1,67<br>75,3±1,81 |

**Изоҳ:** ЮҚС – юракни қисқариш сони; НОС – нафас олиш сони; АҚБ – артерия қон босими; суратда – тестдан олдин; маҳражда – тестдан кейин.

Биз ана шу фикр ёки хулосанинг объективлик хусусиятини ўрганиш мақсадида 15-16 ёшли волейболчиларда 5 партияли моделлаштирилган ўйин юкламасидан аввал ва кейин махсус иш қобилиятининг ўзгариш динамикасини аниқлаш бўйича қўшимча тадқиқот ўтказдик. Тадқиқот натижалари 2-жадвалда келтирилган. Жадвалда қайд этилган натижалардан шу нарса маълум бўладики, ўйин бошланмасдан олдин олинган максимал сакраш сони мувофиқ тест бўйича 34,5±3,47 мартани ташкил этди. Бундай ўртача кўрсаткич машғулот олдидан олинган максимал сакраш кўрсаткичидан бироз юқорироқ миқдорда (2,5 мартага) қайд этилганлиги одатда ўйинолди вазиятларида юзага келадиган мотивацион-эмоционал фаоллик билан боғлиқ эканлиги эҳтимол қилинади.

*2-жадвал*

**15-16 ёшли волейболчиларда 5 партияли ўйин юкламасидан аввал ва кейин махсус иш қобилиятининг ўзгариш динамикаси – n=24 ($\bar{X}$ ±δ)**

| Функционал тестлар / Ҳаракат тестлари | Ҳаракат тестлари натижа-лари | ЮҚС (марта/дақ.) | НОС (марта/дақ) | АҚБ (мм/с.у.) | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Систолик босим | Диастолик босим |
| 43 см. баландда ўрнатилган предметга максимал марта сакраш (марта):<br>- ўйиндан аввал | 34,5±3,47 | 78,3±3,12<br>129,7±3,94 | 13,7±1,28<br>39,2±3,16 | 121,4±2,15<br>147,6±5,01 | 78,5±2,12<br>75,2±2,04 |
| - 2 партиядан кейин | | 137,2±4,12 | 32,5±2,46 | 139,6±4,07 | 70,7±1,92 |
| - 4 партиядан кейин | | 143,8±4,36 | 37,3±2,93 | 143,5±4,72 | 74,2±2,11 |
| - 5 партиядан кейин (ўйиндан кейин) | 27,2±2,83 | 147,6±4,79<br>155,7±5,12 | 39,7±3,08<br>43,9±3,95 | 153,9±5,11<br>161,2±5,91 | 73,5±2,07<br>74,7±2,16 |
| “Арчасимон” югуриш<br>92 м. (сек.):<br>- ўйиндан аввал | 26,7±2,12 | 73,6±2,97<br>129,3±3,18 | 15,3±1,36<br>35,7±2,76 | 127,4±2,29<br>147,2±4,66 | 72,5±1,97<br>77,3±2,08 |
| - 2 партиядан кейин | | 137,2±4,12 | 32,5±2,46 | 139,6±4,07 | 70,7±1,92 |
| - 4 партиядан кейин | | 143,8±4,36 | 37,3±2,93 | 143,5±4,72 | 74,2±2,11 |
| - 5 партиядан кейин (ўйиндан кейин) | 29,8±2,37 | 147,6±4,79<br>165,7±5,11 | 39,7±3,08<br>45,9±3,97 | 153,9±5,11<br>164,3±5,96 | 73,5±2,07<br>76,7±2,39 |

**Изоҳ:** ЮҚС – юракни қисқариш сони; НОС – нафас олиш сони; АҚБ – артерия қон босими; суратда – тестдан олдин; маҳражда – тестдан кейин.

Ўйин юкламасидан аввал олинган тест кўрсаткичларининг ўйин якунида (5 партиядан кейин) кескин тушиб кетиши, тест ва ўйин юкламаси, шу жумладан ҳар бир партиядан кейин (5 партия) шу юкламаларнинг функционал қиймати (ЮҚС, НОС, АҚБ)нинг дастлабки (ўйинолди) кўрсаткичларга нисбатан кескин ортиб кетиши мазкур ёш волейболчиларда махсус жисмоний иш қобилияти анча заиф даражада ривожланганлигидан далолат беради.

Хулоса. Ўтказилган тадқиқот натижаларига асосан шундай тўхтамга келиш мумкинки, 15-16 ёшли волейболчиларда махсус жисмоний иш қобилиятини баҳолаш мақсадида қўлланилган тестлар натижалари (максимал марта сакраш 34,5-31,9 марта, арчасимон югуриш 26,7-24,5 сек.)ни машғулот ва ўйин юкламалари нитажасида сусайиб кетиши, юкламалар қийматининг ортиб кетганлиги уларда жисмоний ва функционал тайёргарлик етарли шаклланмаганлигини тасдиқлайди. Рақобат борган сари кучайиб бораётган, юкламалар ҳажми ва шиддати кескин ўсиб бораётган замонавий волейболда юксак натижага эришиш эса юксак шаклланган интеграллашган жисмоний, техник-тактик ва психофункционал имкониятларга эга бўлишни талаб қилади.

**Адабиётлар**


1. Беляев А.В., Савин М.В. Волейбол. // Учебник. ISBN 978-5-98724-059-5. 2009. –С. 360.
2.Волков Л.П. Теория и методика детского и юношеского спорта. – Киев: Олимпийская литература. 2002. –С. 294.
3.Годик М.А. Физическая подготовка футболистов. -М.: Терра-Спорт, 2006. –С.272.
4.Матвеев Л.П. Общая теория спорта и её приклад. / Л.П.Матвеев. -Изд. Четвертое, испр. и доп. -СПб. [и др.] Лань, 2005. – С. 377, [1]с.: ил., табл.; 21 см.; ISBN 5-8114-0585-5 : 3000.
5.Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в Олимпийском спорте. Общая теория и её практические приложение: Учебник для тренеров I кН-К.: Олимпийская литература, 2015.
6. Суханов А.В., Фомин Е.В., Булыкина Л.В. Прыгучесть и прыжковая подготовка волейболистов. // Методическое пособие. -М.: 2012.
7. Фурманов А.Г. Подготовка волейболистов. -Минск: МЕТ, 2007. –С. 329.
8. Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физической культуры и спорта. Учебник. 12-е изд., исп. – М.: Академия, 2014. –С. 480.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада 15-16 ёшли волейболчиларда айрим жисмоний ва функционал кўрсаткичларнинг машғулот ҳамда ўйин юкламалари таъсирида ўзгариши динамикаси таҳлил қилинган. Аниқландики, машғулот ва тестлардан аввал олинган дастлабки кўрсаткичлар шу машғулот ва тестлар юкламалари таъсирида тушиб кетган. Лекин ўйин юкламаларидан сўнг ушбу кўрсаткичлар янада сустлашган. Бундай ҳолат тадқиқотда иштирок этган волейболчиларнинг жисмоний имкониятлари ҳам, уларнинг функционал компонентлари ҳам мукаммал шаклланмаганлигидан дарак беради.

**РЕЗЮМЕ**

В статье проанализирована динамика изменений некоторых показателей физического и функционального статуса у волейболистов 15-16 лет под влиянием различных нагрузок. Установлено, что исходные показатели, полученные до тренировки и до применения тестов значительно снизились под влиянием этих нагрузок. Однако, под влиянием игровых нагрузок наблюдалось ещё большее снижение изучаемых показателей, что связано, очевидно, с недостаточно устойчивым развитием физического и функционального статуса обследованных юных волейболистов.

**SUMMARY**

The analysis of results of the research of the level of development of special efficiency of young volleyball players of 15-16 years and the possibility of its preservation in the course of the game is presented in article. It is established that such level of the studied qualities decreases in process of end of game parties more and more. The opinion is put forward that such dynamics of change of these qualities demonstrates instability of their status.


## МУТАХАССИС ФАОЛИЯТИНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ БЎЙИЧА МОДЕЛЛАШТИРИШ - ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИ


**О.Э.Худайберганов** – *катта ўқитувчи*

*Ургенч давлат университети*



**Таянч сўзлар:** профессионал фаолият, профессионал маҳорат, тайёргарлик модели, конструктив фаолият, коммуникатив фаолият, ташкилотчилик фаолияти, жисмоний тарбия.

**Ключевые слова:** профессиональная деятельность, профессиональное мастерство, модель подготовки, конструктивная деятельность, коммуникативная деятельность, организационная деятельность, физическое воспитание.

**Key words:** professional activity, professional skill, training model, constructive activity, communicative activity, organizational activity, physical education.


Олий таълимни такомиллаштириш муаммоси, мутахассис фаолиятини моделлаштириш анчадан буён олимлар диққат марказида бўлиб келмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг фаолият моделини ишлаб чиқишга бағишланган илмий ишлар таҳлили шундай хулосага келишга имкон берадики, жисмоний тарбия мутахассислари ва танланган спорт тури бўйича мураббийлар фаолияти кўп функцияли характерга эга.

Жисмоний тарбия спорт мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг фаолияти масалаларини ўрганишга И.Н.Решетень, В.М.Корецкий (1982), Г.С.Туманян (1987), А.Я.Корх (2000), Р.С.Саломов (2004), А.Н.Абдиев (2004) ва бошқаларнинг тадқиқотлари бағишланган.

Мазкур ишнинг асосий мазмуни бу жисмоний тарбия ўқитувчилари фаолиятининг тузилиши моделини яратиш йўли орқали ўқув жараёнини такомиллаштириш масаласидир.

Ишнинг мақсади шундай моделнинг ясалиши ва унинг асосида ўқув жараёнини такомиллаштириш йўлларини кўрсатувчи аниқ тавсияларни ишлаб чиқишдир.

Тадқиқот вазифаси. Жисмоний тарбия мутахассисининг профессионал фаолияти мазмуни ва компонентлари (таркиби) ни аниқлаш, уларнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлигини кўрсатиб бериш.

Илмий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида жисмоний тарбия ўқитувчиларига хос профессионал маҳорат турларининг катта рўйхати тузилди. Ушбу маҳорат турлари педагогика олий ўқув юртлари жисмоний тарбия кафедраларининг етакчи ўқитувчиларига таклиф қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ўқитувчиларига экспертлар хулосасига кўра, маҳорат турлари,энг кўп балл тўплаган етакчи маҳорат турлари аниқланди. Ушбу маҳорат турлари, Н.В.Кузьмина

таклиф қилган (1973) классификацияга мувофиқ, профессионал-педагогик фаолиятнинг 5 та функционал гуруҳига ажратилди: коммуникатив (мулоқот), гностик (ташхис), ҳаракат, конструктив, ташкилотчилик [1].

Жисмоний тарбия мутахассислиги бўйича ишлаётган олий маълумотли мутахассис фаолиятининг модели ўзида 3 та моделни бирлаштирган эди:педагогик амалиётни ўтаган IV курс талабаларининг фикрига асосланган модель, 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган малака ошириш тингловчилари фикрига асосланган, амалдаги модель: педагогика олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия кафедралари профессор-ўқитувчилари фикрига асосланган идеал модель.

Ҳар бир гуруҳ экспертлари фикрларининг муносиблиги даражаси жуда юқори бўлди (W=0,79).

Тузилган ҳар бир модель жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ишловчи мутахассислар фаолиятининг 5 та асосий тури таркибий звеноси (бўғини) ҳисобланган мураккаб тузилма ҳисобланади, булар: конструктив фаолият, коммуникатив фаолият, ташкилотчилик фаолияти, гностик фаолият, ҳаракат фаолияти[2]. Шубҳасиз, жисмоний тарбия ўқитувчисининг фаолият структураси бир мунча мураккаб ва тармоқланган. Аммо мазкур тадқиқотда ана шу ихтисослик фаолиятининг фақат тор профессионал томони кўриб чиқилади.

Модельнинг бўғинлари бир биридан фарқ қиладими-йўқми, агар фарқ қилса қанчалик шуларни текшириш учун Краскел-Валлиснинг Н-мезон қиймати қўлланилган.

Ҳисоб-китоблар натижасида Н нинг қуйидаги қийматлари олинган:

1) конструктив фаолият Н=3,96; 2) коммуникатив фаолият Н=1,665; 3) гностик фаолият Н=1,527; 4) ташкилотчилик фаолият Н=0,775; 5) ҳаракат фаолияти Н=0,985.

Ҳисоб-китоб қилинган қийматлар билан жадвалдаги қийматларни таққослаш қуйидагича хулоса қилиш имконини беради: ҳисобланган барча Н қийматлар жадвалдаги Н-мезондан кам экан, демак танланганларнинг бир бош яхлитликка тегишлилиги ҳақидаги ноль гипотеза инкор қилинади ва муқобил гепотеза қабул қилинади: кўриб чиқилаётган танланганлар бир-биридан тубдан фарқ қилади[3]. Бу дегани тузилган моделлар бир-биридан фарқ қилади.

Мутахассис моделлари унинг профессионал фаолияти ички тузилишнинг яхлит таҳлилини талаб этади. Ҳар қандай яхлит таълим ўз мазмун ва шаклига эга. Мазмун (моҳият)-объект негизини ташкил қилувчи элемент (унсур) ва жараёнлар йиғиндиси. Структура (шакл)-бир бутун тизим элементлари ва қисмларнинг мустаҳкам алоқаси ва муносабати [4,5].

Маълум бир профессионал фаолият мазмунини тадқиқ қилиш учун нафақат унинг таркибий қисмларининг мутаносиблигини аниқлаш, балки уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқасини очиб бериш зарур.

Моделлар ичидаги ўзаро алоқа даражасини ҳисоблаш учун Спирмен корреляцияси коэффициенти қўлланилган.

Ҳисоблашлар ёрдамида жисмоний тарбия ўқитувчиси профессионал фаолияти моделлари ичидаги корреляция коэффициентлари аниқланган.

Жисмоний тарбия ўқитувчисининг амалдаги модели, идеал модели ёки тайёрлов модели ичидаги фаолият турларининг ўзаро алоқасининг табиатини акс эттирувчи ушбу маълумотлар профессионал фаолият бўғинларининг мураккаб тизимини очиб беради. Корреляция коэффициентларининг манфий қийматларининг мавжудлиги фаолиятнинг ҳар хил турлари амалда ўзини намоён қилишнинг қарама-қарши, мутлақо мустақил усулларига эга бўлади.

Мутахассис фаолиятини унинг олий ўқув юртидаги тайёргарлик жараёнини такомиллаштириш мақсадида моделлаштириш ҳақида гап кетар экан, нима эталон (мезон) вазифасини ўташини-амалдаги моделми, идеаль модель ёки тайёрлов моделими-ойдинлаштириш керак.Олий ўқув юртидаги таълим мутахассисни олдинда турган амалий фаолиятга энг зўр йўл билан тайёрлаш, деган қарашидан келиб чиқадиган бўлсак, малака ошириш курсларидаги тингловчилар билдирган фикрларга таяниб амалдаги модель мезон бўлади, деб ҳисоблаймиз[6]. Талабалар фикрлари (тайёрлов модели) билан мезон моделини солиштирсак, педагогика олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия факультетларидаги ўқиш жараёнида қандай камчиликлар мавжуд эканлигини пайқаш қийин эмас. Жисмоний тарбия кафедралари ўқитувчилари билдирган фикирларни таҳлил қилиш баробарида ана шу камчиликларни бартараф этиш йўлларини топиш мумкин.

Педагогик маҳоратни шакллантиришга ҳар хил спорт турларининг таъсир даражаси ҳақида мутахассислар орасида ўтказилгн сўровнома натижаларини таҳлил қилиш асосида тубандагиларни қайд этишни лозим топдик: спорт ўйинларида энг дастлабки шаклланадиган профессионал хусусият ва қобилиятлар-бу ғалабага ишонч (4,97 б.), фаоллик (4,85), ўзини қўлга олиш (4,68 б.), бардош, қатъият, меҳнатсеварлик , бурч хисси, хушмуомалалик. Мураккаб координацияли спорт турлари учун 100 фоиз респондентлар 1-ўринга ишга ижодий ёндашувни (5,00 б.), кейин жавобгарлик хисси (4,93 б.) ва меҳнат севарлик (4,93 б.) ни қўшишган. Яккакураш спорт мутахассислари бўлган анкета қатнашчилари ғалабага ишонч, стрессбардошлик ва фаолликни, циклли спорт турлари вакиллари-меҳнатсеварлик (5,00 б.), ғалабага ишонч (4,86 б.), қатъиятлилик (4,82 б.) ҳамда бардошлилик (4,82 б.) ни ажратиб кўрсатишган. Спортнинг бошқа турлари билан солиштирганда спорт ўйинлари машғулотларида энг кўп даражада педагогик қобилият, ирода, интеллектуал ва психофизиологик хусусиятлар шаклланиши аниқланган. Шундай қилиб, кўпчилик мутахассис ва тадқиқотчилар таъкидлаганидек, ҳар хил спорт турларидаги машғулотлар зарурий профессионал ҳаракатнинг шаклланиш жараёнига таъсир турлари ҳам фарқланиши тўғрисидаги фикрлар ўзини оқлади [6].

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига мувофиқ: жисмоний тарбия ўқитувчисининг уч моделдан иборат модели ишлаб чиқилди: тайёрлов (тайёргарлик) модели, амалдаги модель, идеал модель. Ҳар бир модель ичида бўғинлараро боғлиқликнинг мураккаб структураси (тузилиши) мавжуд. Тайёрлов модели кўрсаткичлари билан амалдаги модель характеристикаларини таққослаш натижасида жисмоний тарбия факультети талабалари профессионал тайёргарлигидаги камчиликлар кўзга ташланди, уларнинг сабабларини аниқлаш ва бартараф қилишнинг йўллари белгиланди.

**Адабиётлар**

1. Закс Л. Статистическое оценивание. - М.: «Статистика», 1976.
2. Зациорский В.М. Спортивная метрология. - М.: «ФиС»,1982.
3. Колотилова И.М., Таранова А.В., Малыхина Л.А. Функциональные характеристики «моделей» деятельности преподавателя ВУЗа. – Ташкент: 1987.
4. Корх А.Я. Тренер: Деятельность, личность: Учебное пособие. - М.: Терра - Спорт, 2000.

5. Решетень И.Н., Каргополов Б.Г. Проблема моделей личности, деятельности и подготовки специалиста по физической культуре и спорту //Теория и практика физической культуры. №11. 1982.
6. Туманян Г.С. Совершенствование системы физкультурного образования. // Метод.рекомендации. - М.: ГЦОЛИФК, 1987.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ўқув жараёнини жисмоний тарбия мутахассиси фаолиятининг структура моделини тузиш йўли орқали такомиллаштириш, шунингдек, ҳар хил спорт турларининг педагогик маҳоратни шакллантиришга бўлган таъсири масалалари ўрганилади.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о совершенствовании учебного процесса специалистом физического воспитания путём построения структурной модели деятельности, а также рассматриваются вопросы влияния различных видов спорта на основе педагогического мастерства специалиста.

SUMMARY

The article deals with the study of improvement of the educational process by the specialist of physical education by building a structural model of activity, as well as the study of the influence of various kinds of sports on pedagogical skill of the specialist.

## ВОЛЕЙБОЛ СПЕЦИФИКАСИ ВА ВОСИТАЛАРИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ҲАМДА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**О.Э.Худайберганов –** *катта ўқитувчи*
*Ургенч давлат университети*

**Таянч сўзлар:** касбий фаолият, тайёргарлик модели, конструктив фаолият, коммуникатив (алоқа) фаолияти, ҳаракат фаолияти, жисмоний тарбия.

**Ключевые слова:** профессиональная деятельность, модель подготовки, конструктивная деятельность, коммуникативная деятельность, активная деятельность, физическое воспитание.

**Key words:** professional activity, training model, constructive activity, communication activity, active activity, physical education.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775 сонли "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ҳамда мамлакатимизда ўтказилаётган кенг қамровли ислоҳотларда уларнинг фаол иштирокини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарорида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш масаласи бош вазифа қилиб қўйилган [1].

Бўлажак жисмоний тарбия мутахассисларининг касбий-педагогик тайёргарлиги олий ўқув юртларидаги бутун ўқиш даври давомида улар томонидан комплекс фанлар ва мутахассислик тайёргарлигини ўзлаштириш жараёнида амалга оширилади. Ана шу фанлар муҳим роль ўйнайди, ваҳоланки, профессионализм шаклланиши учун зарур бўлган билим ва маҳорат ўз ифодасини ўшаларда топади (А.Н.Абдиев,2004; А.Я.Корх, 2000; И.Н.Решетень, 1981; Р.С.Саламов, 2004 ; М.И.Сидиков, 1989; Ф.К.Турдиев, 2002). Бу масалада педагогик олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия факультетларида "Педагогик жисмоний тарбия-спорт ривожланиши (такомиллашуви)" деган фан етакчи вазифани бажаради [2, 3].

Бундай тайёргарликнинг йўналишларидан бири сифатида волейбол спецификаси ва воситаларини кўрсатиш мумкин.

Тадқиқод мақсади. Бўлғуси мутахассисларнинг профессионал маҳоратини шакллантириш, самарадорлигини ошириш йўлларини волейбол воситаларини такомиллаштириш жараёнида аниқлаш.

Тадқиқот вазифаси.

Жисмоний тарбия ўқитувчисининг профессионал маҳорати шаклланишига волейбол машғулотлари таъсирини аниқлаш

Тадқиқот методлари. Илмий методик адабиётлардаги маълумотларни назарий таҳлил қилиш ва умумлаштириш, хужжатли материаллар таҳлили, сўровнома ва анкеталаш, математик статистика методлари.

Ўқитувчининг профессионал тайёргарлиги умумилмий ва махсус билим, кўникма ва малака комплекси билан белгиланади. Ушбу мезонлар ўқитувчининг иш олиб бориш шароити ва ўзига хос табиати билан тавсифланади. Педагогик фаолият соҳасидаги муваффақиятлар ўқитувчининг шахсий хусусиятларига тўғридан тўғри боғлиқ бўлади.

Муайян касбий маҳоратни ишлаб чиқиш учун волейбол машғулотлари имкониятларини тадқиқ қилиш волейболни ўргатишга бўлган янги ёндашувларни ишлаб чиқиш заруратини кўрсатиб берди. Таълим шароитлари, биринчидан, яхлит талабалар спорти хусусиятлари билан, иккинчидан, талабаларнинг бўлғуси касбий-педагогик махорати билан аниқланди.

Олий ўқув юрти шароитида бошловчи волейболчиларни тайёрлаш методлари спорт тўгаракларидаги волейболчиларни тайёрлашдан тубдан фарқ қилиши керак.

Қайд этиш лозимки, жисмоний тарбия курси бўйича дастурга киритилган волейбол машғулотлари ўз олдига волейболчи-спортчилар тайёрлашни мақсад қилиб қўя олмайди. Шундай экан, машғулот ўтиш методикаси умумий жисмоний тайёргарликка йўналтирилган бўлиши зарур. Жисмоний тарбия факультети талабаларининг умумий жисмоний тайёргарлик вақти умумий машғулотлар вақтининг тахминан 25 % ни ташкил қилиши лозим.

Педагогика олий ўқув юрти талабаларига волейбол ўргатиш методикасини ишлаб чиқаришда ўқитувчилар олдига қуйидаги вазифаларни қўядиган дастур талабларига таяниши зарур:

1) шахс ривожланишида жисмоний тарбия аҳамиятини тушуниш ва уни профессионал фаолиятга тайёрлаш;

2) жисмоний тарбиянинг илмий-амалий асосларини билиш (соғлом турмуш тарзини ҳам);

3) жисмоний тарбияга мотивацияли муносабатда бўлишни, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўз-ўзини жисмоний такомиллаштириш ва тарбиялаш. Жисмоний машқлар ва спорт билан мунтазам шуғулланиш эҳтиёжини юзага келтирамиз;

4) соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашни, руҳий осойишталикни, психофизик қобилиятни, шахснинг бошқа фазилатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг, жисмоний тарбияда ўз ўрнини топишини таъминловчи амалий маҳорат ва кўникмалар тизимини эгаллаш;

5) талабанинг бўлғуси касбига психофизик тайёрлигини белгиловчи умумий ҳамда профессионал-амалий жисмоний тайёрликни таъминлаш;

6) ҳаётий ва профессионал мақсадларга эришиш

учун маҳоратга эга бўлиш.

Юқоридаги масалаларни ҳал этиш жисмоний тарбия бўйича дастурга киритилган волейбол машғулотларига нисбатан фаол ижодий муносабатни шакллантиришни назарда тутади. Бундай муносабатга эса талабаларга таклиф қилинган спорт йўналишини эркин танлаш имконияти туртки бўлади. Волейбол машғулотлари ёрдамида педагогларнинг профессионал маҳоратини шакллантириш бўйича қўйилган масалалар бажарилиши учун юқорида санаб ўтилган барча шартлардан максимал фойдаланиш ўқитувчининг бош мақсади саналади

Қайд этилган шарт-шароит ва масалалардан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин: умумқабул қилинган волейбол ўргатиш методикаси аксар ҳолларда замонавий талабларга жавоб бера олмайди, шунинг учун жисмоний тарбия факультетлари талабалари каби бошқа педагогика мутахассисликлари талабалари учун ҳам янги методика ишлаб чиқиш лозим.

Илмий-методик адабиётлар тахлили асосида биз еттита гуруҳга ажратилган профессионал фазилатларни ўз ичига олган анкета ишлаб чиқдик. Бу гуруҳлар: умуминсоний, шахсий, ишга муносабат, ирода, жамоатдаги хулқ-атвор, интеллектуал, физиологик. Саккизинчи гуруҳга 7 та педагогик қобилият киритилди. Педагогик маҳорат 5 гуруҳга бўлинди: коммуникатив, билим, ҳаракат, конструктив, ташкилотчилик. Мазкур тасниф Н.В. Кузьмина томонидан таклиф этилган (1973) [4].

Жисмоний тарбия бўйича педагог профессионал маҳоратининг шакллантиришда волейболнинг таъсир даражасини аниқлаш учун жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги 68 нафар мутахассисни анкета сўровлари ўтказилди. Улардан 12 таси спорт устаси, 2 таси халқаро тоифадаги спорт устаси.

Ҳар бир профессионал фазилат ва педагогик маҳорат 1 дан 3 баллгача баҳоланди, сўнгра ҳар бир фазилат учун ўртача балл чиқарилди (X). Анкеталаш давомида олинган маълумотларни қайта ишлагандан сўнг муаллиф томонидан тадқиқод натижалари жадвали тузиб чиқилди [5].

Бошқа спорт турларига нисбатан кўпроқ шакллана-диган волейбол воситалари деб: ирода, интеллектуал, шахсий ва психофизиологик хусусиятлар тан олинди. 100% респондентлар 1-ўринга ғалабага ишончни (3,00 балл),кейин фаоллик (2,88 балл), стресс-бардошлик (2,68 балл) ҳамда бурч ҳисси (1,44 балл) ни қўйишган.

Педагогик қобилиятнинг 1-ўрнини тренер (мураб-бий, ўқитувчи) ва спортчининг (ўқувчи) жуда яқин ўзаро алоқалари билан изоҳлаш мумкин; бундан ташқари, спортчилар деярли ҳамиша ўз-ўзига нисбатан мураббий сифатида ҳаракат қилишади (у ёки бу даражада) [6].

Бизнинг юқоридаги ҳолатимизда интеллектуал хусусиятларга кирувчи тафаккур тиниқлиги, тафаккур танглиги, тасаввур, интуиция, кашфиётчилик, қизиқувчанлик, тафаккур кенглиги спорт ўйинлари учун энг керакли унсурлар сифатида 1-ўринга чиқди.

Олинган натижалардан келиб чиқиб, волейбол воси-тасида профессионал хусусиятлар ва истеъдодни шакл-лантириш ва ишлаб чиқариш масалаларини бундан кейин ўрганиш учун биз қуйидагиларни танлаб олдик:

- олдиндан кўра билиш ва пайқай олиш педагогик маҳорати истеъдод сифатида ўз ривожланишини бокс билан шуғулланиш давомида талаб қилади;
- интеллктуал (ақлий) сифатлар, бунда асосий эътиборни интуиция ва тасаввурга қаратамиз;
- ирода кучи; бу ерда ғалабага бўлган ишончни, қатъиятни, ўзини қўлга ола билишни кўрсатишимиз мумкин.

Психофизиологик хусусиятлар техник маҳоратни такомиллаштириш жараёнида, асосан автоматик тарзда ишлаб чиқилади, шунинг учун ҳам улар бизнинг кейинги тадқиқотларга киритилмади[7].

Педагогик маҳорат шаклланишида волейбол таъсир даражасини баҳолаш уларни қуйидаги кетма-кетликда қўйиш имконини юзага келтиради: 1- коммуникатив, 2 – гностик, 3 – ҳаракат, 4 – конструктив, 5 – ташкилотчилик.

Педагогнинг жисмоний тарбия ва спорт бўйича профессионал маҳоратининг шаклланишга волейболнинг таъсир даражаси

Тадқиқотлардан келиб чиқадиган бўлсак, қуйидаги маҳоратларнинг шаклланиш жараёнини тадқиқ қилиш нисбатан истиқболли кўринади: ўқувчилар билан тўғри ўзаро муносабат ўрнатиш, ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, у ёки бу жисмоний машқни тўғри кўрсатиш, маълум муддатга мўлжалланган умумий топшириқларни ташкиллаштирш ва ўқув-машқ жараёнини режалаштириш.

Шундай қилиб, мутахассислар сўровномасини таҳлил қилиш асосида қуйидагиларни қайд этишни лозим топдик:

1. Тренер (мураббийлар), мутахассислар ва тадқи-қотчилар кўпчилигининг таъкидлашича, шахснинг ирода ва қатъиятини тарбиялашда спорт ўйинларининг, хусусан, волейболнинг таъсири жуда катта деган фикрлар ўз тасдиғини топди (А.Ц. Пуни, 1973).

2. Психофизиологик хусусиятларнинг биринчи ўрни спорт ўйинлари билан машғул бўлганда ишлаб чиқиладиган хусусиятлар билан мос келишини талаб қилмайди.

3. Бизнинг ҳолатда фикрлаш тиниқлиги, тасаввур, интуиция, кашфиётчилик, қизиқувчанлик, фикрлаш кенглиги кабиларни ўз ичига оладиган интеллектуал хусусиятлар волейбол учун энг зарур унсурлар сифатида 1-ўринга чиқди. Қайд этиш жоизки, волейболчининг тактик маҳорати асосида фикрлаш ва интеллектуал имкониятлар ётади, тактик фикрлашнинг энг муҳим қисми эса интуиция ва тасаввур саналади (Б.Ф. Ломов, Е.Н. Сурков, 1980).

Ўқувчилар билан муносабатларни тўғри йўлга қўйиш фаолиятини танқидий таҳлил қила олиши, бирор жисмоний машқни тўғри кўрсатиб бера олиш маҳорати, маълум муддатга умумий вазифалар туза олиш ва ўқув-машқ жараёнини режалаштириш жисмоний тарбия ўқитувчисининг профессионал фаолиятида мўлжал-даги натижаларга эришишнинг ҳаракатлантирувчи омили саналади.

**Адабиётлар**


1. Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах». http://lex.uz 06.06.2018.
2. Абдиев А.Н. Научно-педагогические основы формирования профессиональных умений тренера у студентов, специализирующихся в видах спортивных единоборств. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. канд. пед. наук. -Л.: 1976. –С.19.
3. AyrapetyansL.R., PulatovA.A., IsroilovSh.X. Voleibol: Oquvqollanma. -T.: OzDJTI, 2009. 77-b.
4. Корх А.Я. Тренер: деятельность, личность: Уч. пособие. - М.: Терра-Спорт, 2000. –С.120.
5. Кузьмина Н.В. Формирование основ профессионального мастерства в высшей школе. - Л.: ЛГУ, 1973. - С. 73.
6. Ломов Б.Ф., Сурков Е.Н. Антиципация в структуре деятельности. -М.: «Наука», 1980. -С.277.
7. Решетень И.Н. Формирование профессионально-педагогических умений у студентов в процессе обучения в институте физической культуры. -М.: 1981. -С.3.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада волейбол ўйи ни воситасида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг педагогик махоратини шакллантириш йўллари ва усуллари кўриб чиқилган. Шунингдек, унда бошқа спорт турларининг бу йўналишдаги аҳамияти масалалари ҳам ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье говорится о воспитании повышения профессиональности будущих педагогов и специалистов физического воспитания посредством волейбола, а также о влиянии различных видов спорта на педагогическое мастерство.

**SUMMARY**

The article deals with the education of professional enhancement of future teachers and specialists of physical education by means of volleyball, as well as about the influence of various sports on pedagogical skill.

# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ЯНАДА ОММАЛАШТИРИШ АСОСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**П.У.Калжанов -** *катта ўқитувчи*
**А.Ж.Ережепов -** *катта ўқитувчи*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*
**Р.П.Калжанов –** *37 мактаб ўқитувчи*

**Таянч сўзлар**: оммавий спорт, аҳоли саломатлиги, спорт тадбирлари, спорт мусобақалари, спорт инфратузилмаси, халқаро спорт мусобақалари.

**Ключевые слова**: массовый спорт, здоровье населения, спортивные мероприятия, спортивные соревнования, инфраструктура спорта, международные спортивные соревнования.

**Key words:** mass sports, public health, sport events, sport competitions, sport infrastructure, international sport competitions.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини жадал суръатларда ривожлантириш натижасида бугунги кунда спортчиларимиз жаҳон ареналарида юртимиз байроғини кўкларга кўтариш билан бирга давлатимизнинг халқаро миқёсдаги обрўсини сарбаланд қилишда салмоқли ҳиссасини кўшмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ўта муҳим вазифалар қаторида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш борасида изчил ислоҳотлар натижасида республикамизнинг барча ҳудудларида бунёд этилаётган замонавий спорт иншоотларининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳисобига ўсиб келаётган ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан бандлигини таъминлашга эришиш ҳамда халқаро спорт турнирлари ва жаҳон ареналаридаги мусобақаларда совринли ўринлар қўлга киритиб келинмоқда.

2018 йилнинг 14-18 ноябрь кунлари Туркиянинг Анталия шаҳрида Муайтай бўйича ёшлар ва катталар ўртасида жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Дунёнинг 36 та давлатидан ташриф буюрган 1250 нафар спортчи иштирок этган баҳсларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган 18 нафар вакилларимиз 3 та олтин 2 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 6-ўринни эгаллашди. Бобиржон Турумов (44 кг), Мирзабек Мирзаев (48 кг), Фируз Давлятов (58 кг) шаҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Жисмоний тарбия ва спорт мамлакат фуқаролари ҳаёти ва турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланди. Бугунги кун ёшларига кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни спорт орқали соғлом тарбиялаш юксак маънавиятли инсон қилиб тарбиялашда ҳар томонлама етук инсон бўлишига кўмаклашиш катта аҳамиятга эгадир. Бизнинг ёшларимиз нафақат ҳар томонлама маълумотли ва маънавий етук, балки соғлом, чиниққан, жисмоний бақувват бўлиши ҳам керак. Бундай бўлиш учун спорт ҳаракатининг оммавийлигига эътибор бериш, жисмоний тарбияни ривожлантириш, ёшларнинг иродавий сифатларини чиниқтириш, йигит ва қизларнинг жисмоний жиҳатдан меҳнат ва мудофаага тайерлаш зарур бўлади.

Юртимиз аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаб бориш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўқувчи ва талаба ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотини ошириш, соғлом авлод тарбиясини такомиллаштириш масалаларини тубдан ҳал этиш истиқболи буюк давлат қуришнинг муҳим пойдевори ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклланишти ва унинг истиқлол сари дадил бориши ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий маърифий соҳаларни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бу йўлда соғлиқни сақлаш, фан, маданият, техника, иқтисод, таълим-тарбия, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда бошқа соҳаларда чуқур ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тубдан ривожлантириш, соҳада муаммоларни бартараф этиш ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини тартибга солиш ва бошқариш тизимини ривожлантиришда туб бурилиш бўла олади десак муболаға қилмаймиз» [2].

Президентимиз томонидан Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўришга оид қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда спорт ташкилотлари ҳамкорлигида иқтидорли спортчиларни саралаш ва терма жамоаларни шакллантириш, спортчиларнинг маҳаллий ва хорижий ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этиш, уларнинг нуфузли мусобақалардаги муносиб иштирокини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилиши белгилаб берилди.

2018 йил 2-6 ноябрь кунлари Бухоро шаҳридаги «Хумо» спорт мажмуасида тош кўтариш спорти бўйича катталар, ёшлар, ўсмирлар, фахрийлар ва имконияти чекланганлар ўртасида 26-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Украина, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон каби 15 га яқин давлатларнинг 300 дан зиёд вакиллари турли вазн тоифаларида 10 дақиқа мобайнида 16, 24 ва 32 килограммли тошларни кўтариш машқларида маҳоратларини намойиш этишди.

Мусобақада энг кўп медаллар мамлакатимиз вакилларига насиб этди. Катталар ўртасида дастлабки олтин медални андижонлик Сардор Эргашев қўлга киритди, у 24 килограммли тошни даст кўтариш натижаларига кўра рақибларидан ўзиб кетди. Шунингдек, Асадбек Ўзганбоев, Баҳодир Йўлчиев, Исломбек Ҳакимжонов, Шодилбек Эргашев, Иброҳим Назаровлар, аёллар ўртасида Муҳтарама Алиева, Нигора Ўзганова, Ёдгорой Нажимова ва Гулмира Рахмонова кабилар ҳам ўзининг тенгсизлигини исботлаб, шаҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари,

Россия, Украина, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон каби 15 га яқин давлатларнинг 300 дан зиёд вакиллари турли вазн тоифаларида 10 дақиқа мобайнида 16, 24 ва 32 килограммли тошларни кўтариш машқларида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Жаҳон чемпионатида учинчи бор иштирок этаётган, ёшлар ўртасида 80 килограмм вазнда куч синашган бу полвон тажрибали рақибларини катта фарқ билан ортда қолдирди. У 32 килограммли тошни кўтариб, олтин медалли бўлди. Файзуллаев Мухаммадали 60 кг., Шарафутдинов Улуғбек 75 кг., Аброр Абдукодиров 80 кг вазнда, Ходжаев Муҳаммадамин ўта оғир вазнда олтин медалларни қўлга киритишди.

Пойтахтимизда барпо этилаётган «Хумо» муз спорти саройи, шунингдек, яқинда Тошкент вилоятининг Амирсой дам олиш масканида ишга тушириладиган замонавий мажмуа мазкур мақсадларга хизмат қилади. Шунингдек, Президентимиз томонидан белгилаб берилган келгусида ёзги Осиё ўйинларидан бирига мезбонлик қилиш бўйича истиқболли режа ишлаб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қуйишимиз кераклиги алоҳида таъқидлаб ўтилди. Ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги юртимизда йирик нуфузли халқаро комплекс мусобақалар ўтказилишига эришиш, хусусан, мамлакатимизда 2030 йилги ёзги Осиё ўйинларига мезбонлик қилишга шарт-шароитлар яратиш бўйича ўз олдига муҳим вазифалар белгилаб олди.

Халқаро комплекс мусобақалар ўтказиш мақсадида республикадаги мавжуд спорт иншоотлари, логистика, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмалари қувватларини таҳлил қилиш ва чет эл тажрибасини ўрганиш асосида муносиб спорт инфратузилмасини яратиш масалалари юзасидан хукуматга таклифлар киритилади. Ушбу мусобақалар учун қуриладиган иншоотлари халқимизга узоқ йил самарали хизмат қилиши кутилмоқда.

Давлат раҳбари томонидан энг чекка туманларда ҳам болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини қуриш вазифаси қўйилди. Ушбу спорт иншоотлари қуришда маҳаллий шароитни инобатга олган ҳолда, янги технологиялар ва енгил конструкциялар асосида лойиҳалаштириш режалаштирилган. Янги қуриладиган иншоотларда тарбияланувчи бўлғуси чемпионларга барча қулайликлар яратилади. Ушбу иншоотлар жаҳон стандартларига тўла жавоб бера оладиган, юртимизда ишлаб чиқариладиган спорт инвентарлари билан жиҳозлаш масалалари ҳам ўз ечимини топмоқда.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. / «Халқ сўзи», 28 декабрь, 2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш асосида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалалари ёритилган. Шунингдек, бугунги кунда спортни барқарор ривожлантириш асосида оммавий спортни ёшлар онгига сингдириш орқали спортнинг устуворлиги асослаб берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье освещаются вопросы утверждения здорового образа жизни на основе дальнейшего распространения физического воспитания и спорта. Автор статьи научно обосновывает устойчивость спорта путём его внедрения в сознание молодых на основе устойчивого развития спорта в настоящее время.

**SUMMARY**

The article deals with the the issues of promoting a healthy lifestyle based on the further spread of physical education and sport. The sustainability of sports is scientifically grounded by the author through the introduction of sport into the minds of young people on the basis of sustainable development of sport today.

## AZANǴÍ GIMNASTIKALÍQ SHÍNÍǴÍWLAR MENEN SHUǴÍLLANÍWDÍŃ INSAN SALAMATLÍǴÍNA TÁSIRI

**M.Ramazanov** – *stajyor oqıtıwshı*
*Ózbekstan mámleketlik dene tárbiyası hám sport universiteti Nókis filialı*
**P.Joldasbaev** - *assistent oqıtıwshı*
*Ajiniyaz atındaǵı Nókis mámlektlik pedagogikalıq institutı*

**Tayanch so`zlar:** harakat, jismoniy faoliyat, jismoniy tarbiya, ertalabki gimnastika, atletik gimnastika, sport, jismoniy sifatlar, gigiena, effektiv, intensiv, mustaqil mash g’ulot.

**Ключевые слова:** движение, физическая активность, физическое воспитание, утренняя гимнастика, атлетическая гимнастика, спорт, физическое качество, гигиена, эффективность, интенсивность, самостоятельная тренировка.

**Key words:** movement, physical activity, physical education, morning gymnastics, athletic gymnastics, sports, physical quality, hygiene, efficiency, intensity, independent.

Adam dúzilisiniń barlıq evolyuciyalıq rawajlanıw etapları bulshıq et iskerligi menen úzliksiz baylanısta ótti. Adam organizmi barqulla háreket etiw arqalı rawajlanadı. Tábiyattıń ózi sonday jaralǵan, onda adamzat óziniń fizikalıq uqıplılıǵın rawajlandırıp barıwı zárúr. Sebebi, insan dúnyaǵa kelmey turıp-aq onıń keleshektegi rawajlanıwı álleqashan háreket iskerligi menen óz-ara baylanısqan boladı. Háreketke bolǵan talap ósip baratırǵan organizm ushın ayrıqsha xarakterli jaǵday. Al, eresek adam kishkene balaǵa salıstırǵanda háreketke anaǵurlım kem talap sezinedi. Biraq málim bolǵanınday háreket awqat hám uyqı sıyaqlı zárúr. Sebebi, awqat hám uyqınıń jetispewshiligi organizmge pútin kompleksli awırmanlıqtı keltirip shıǵarıwı bayqaladı. Hárekettiń jetispewshiligi ulıwma bilinbey ótiwi múmkin, ol gey waqıtları hátte qolaylıq (komfort) seziniw menen ótedi. Biraq háreket iskerliginiń jetispewshiligi nátiyjesinde organizmniń shamallawǵa hám kesellik keltirip shıǵarıwshı mikroorganizmlerge qarsı turıwı tómenleydı. Kem háreketli ómir keshiriwshi adamlar kóbinese dem alıw hám qan aylanıw organlarınıń keselliklerine duwshar boladi. Háreket iskerliginiń tómenlewi, awqatlanıw rejiminiń buzılıwı hám natuwrı ómir keshiriw aqıbetinde organizmde maylardıń tkanlarǵa jayılıwı esabınan dene salmaǵınıń kemeyiwine alıp keledi.

Hár qıylı jastaǵı adamlardıń kópshiligi dene tárbiyasi menen ózın jaqsı seziniw, salamatlıǵın bekkemlew, kúshli, shaqqan, shıdamlı bolıw, kelbetli qáwmetke iye bolıw hám bulshıq etlerin jaqsı rawajlandırıw maqsetinde shuǵıllanadı. Dene tárbiyasi menen shuǵıllanıw- bizde sheklenip qalǵan juwırıw, sekiriw, júziw, júriw sıyaqlı tábiyiy fizikalıq háreketlerdiń ornın toltırıw bolıp tabıladı. Adam fizikalıq shınıǵiwlardı orınlap atırǵan waqıtta, jańa sezimler, jaqsı emociyalarǵa, joqarı keypiyatqa iye boladı, tándarlıq, ómirge quwanısh sezimleri payda boladı.

Dene tárbiyasi menen sistemalı shuǵıllanıw, durıs háreketleniw hám gigienalıq rejimdi saqlaw, kóplegen keselliklerdiń aldın alıwın, organizmniń normal hárketsheńligin hám miynetke jaramlılıǵın bir qálipte turaqlı uslap turıwın medicina ilimide tastıyıqlaydı.

Dene shınıǵıwlari menen turaqlı shuǵıllanıw barısında dem alıw gimnastikası menen baylanıslı alıp barıw, kókirek kletkasınıń hám diafragmasınıń funkciyasın jaqsılaydı. Shuǵıllanıwshılardıń dem alıwı siyreklep hám tereńlesedi. Tereń hám ritm menen dem alıw dawamında júrekke qan tasıwshı tamırları keńeyedi, nátiyjede júrek bulshık etleriniń azıqlanıwı hám kislorod penen toyınıwı kúsheyedi [1:272].

Dene tárbiyasi hám sport penen sistemalı shuǵıllanıw júdá zárúr. Kúndelikli fizikalıq shınıǵıwlar biz ushın tis tazalaw sıyaqlı zárúrligimizge aylanıwı kerek. Biraq biz sonı biliwimiz kerek, organizm normal háreket qılıwı ushın háreket iskerliginiń belgilengen ólshemi bolıwı zárúr. Kóp jıllıq izertlewler nátiyjesine kóre qániygeler fizikalıq shınıǵıwlar ushın qansha waqıt ajıratıw kerekligin belgilep tómendegilerdi usınıs etip kórsetti. Bugan kóp waqıt talap etilmeydi eken hám onı yadta saqlap qalıwda ańsat.

1. Kún ara yamasa háptesine úsh kún shuǵıllanıw
2. 20 minut dawamında tánepissiz shuǵıllanıw
3. Aktiv shuǵıllanıw (sport)

Sonı yadta saqlaw kerek, dene tárbiyasi menen shuǵıllanıw bul bir mártelik, bir kúnlik yaki bir aylıq iláj emes, bul bir ómir dawamında maqsetli, erkli túrde turaqlı ráwishte fizikalıq ózin-ózi tárbiyalaw bolıp tabıladı.

Fizikalıq shınıǵıwlar menen óz betinshe shuǵıllanıwdıń tómendegishe úsh forması bar:

1. Hár kúnlik azangı gimnastika
2. Kúndelikli fizikalıq pauza
3. Dene tárbiyasi hám sport penen ózbetinshe shuǵıllanıw (háptede 2-3 márte)

Azangı gimnastika organizmdi miynet iskerligine tayarlawdı tezlestiredi. Shınıǵıwlardı sistemalı islep barıw qan aylanısın kúsheytedi, júrek qan tamır, nerv hám dem alıw sistemasın bekkemleydi, as sińiriw organlarınıń iskerligin kúsheytedi, bas miydiń iskerligin jedellestiredi, sonıń menen birge azangı gimnastika shınıǵıwları kúsh, epshillik, shaqqanlıq sıyaqlı dene sapaların jaqsılawǵa da tásir etedi. Bunnan tısqarı, azangı gimnastika shınıǵıwların orınlaw waqtında kóplegen sport shınıǵıwlarınıń texnikasın ózlestiriwge, gipodinamiyanıń aldın alıwǵa, salamatlıqtı bekkemlewge, fizikalıq hám aqılıy jumıs iskerligin joqarılatıwǵa jaqsı imkaniyat beredi.

Dene tárbiyasi eń aldı menen azańǵı gimnastikadan baslanadı. Azangı gimnastikanı orınlaw waqtında ayırım gigienalıq qaǵıydalarǵa ámel qılıw kerek. İmkaniyatqa qarap shınıǵıwlardı jıl dawamında ashıq hawada orınlaw usınıs etiledi. Sebebi, bul birqansha joqarı nátiyje beredi. Shınıǵıwlardı xanada orınlaw waqtında xananı jaqsılap kózden ótkeriw zárúr, shınıǵıwdı ashıq ayna aldında yaki xananı biraz shamallatıp, jeńil sport kiyiminde orınlaǵan maqul. Azańǵı gimnastikanıń nátiyjeliligi onıń shınıǵıwların tańlawda, júklemeniń muǵdari hám orınlawdıń intensivligine baylanıslı boladı. Azańǵı gimnastika kompleksine barlıq bulshıq etler toparın shınıqtırıwshı, dem alıwdı turaqlastırıwshı shınıǵıwlardı kirgiziw kerek. Statikalıq xarakterge iye júklemeli hám shıdamlılıqtı talap etiwshi shınıǵıwlardı orınlaw másláhát etilmeydi. Júkleme muǵdarı hám onıń intensivligi kúndizi orınlanatuǵın trenirovkaǵa qaraǵanda málim dárejede sheklengen hám anaǵurlım kem bolıwı zárúr. Ulıwma shınıǵıwlar sharshawdı keltirip shıǵarmawı kerek [2:192].

Azańǵı gimnastikanı orınlaw waqtında shınıǵıwlardıń izbe-izligin saqlaw usınıs etiledi: ásten juwırıw yaki júriw (2-3 minut), tereń dem alıw hám shıǵarıw, kerilip sozılıw siyaqlı shınıǵıwlar, kúshti talap etiwshi shınıǵıwlar (jerge tayanǵan halda qoldı búgip jazdırıw, jeńil ganteller menen shuǵıllanıw (hayallar ushın 1,5-2 kg, erkekler 2-3 kg), turıp, otırıp yaki jatqan hallarda búgilip jazılıw, bir ayaqta hám eki ayaqta otırıp turıw, jeńil sekiriwler (sekirmeshek penen) h.t.b. [4:221].

Azangı gimnastika kompleksin dúziwde hám olardı orınlawda organizmge júklemeni ásten asırıp barıw, shuǵıllanıwdıń ortasında yaki ekinshi yarımında júklemeni jánede kóteriw usınıs etiledi. Shuǵıllanıwdıń sońında júkleme kemeytiriledi hám organizm derlik tınısh jaǵdayǵa keltiriledi. Azangı gimnastikaliq shınıǵıwlar kompleksin orınlawda dem alıwdı turaqlastırıw úlken áhmiyetke iye. Tek ǵana murın arqalı yaki bir waqıttıń ózinde murın hám awız arqalı dem alıw usınıs etiledi.

